



ДУНЁ АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

84(0)  
Э 45



Детектив ҳикоялар

# ЭЛЕКТР СТУЛДАГИ ТАВБА



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--

**ДУНЁ АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ**

**ЭЛЕКТР СТУЛДАГИ  
ТАВБА**

**Детектив ҳикоялар**

**Тошкент 2017**

**УЎК: 821(4-011/-015)**

**КБК: 84 (0)**

**Э 45**

**Электр стулдаги тавба:** детектив ҳикоялар / Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Дилшодабону Аввалбоева. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2017. 160 бет. (Дунё адабиёти дурдоналари)

**ISBN 978-9943-4706-1-3**

**УЎК: 821(4-011/-015)**

**КБК: 84 (0)**

*Жиноят тафсилотларини ўзида мужассам этган детектив ҳикояларни ўқиши жараёнида қўрқув ва ҳаяжонга тушамиз. Баъзи ҳикоя тафсилотлари бизга шу даражада қаттиқ таъсир этадики, уларни унумтишимиз жуда қийин кечади. Шунда ҳар қандай воқеа содир бўлиши мумкин, деган ақида бизни ҳушёрликка ундаиди. Ҳаётда бундай ёвузлик ва қўрқинчли воқеаларга тўкнаш келмаслик ўз қўлимизда эканилигига яна бир бор амин бўламиз.*

*Ёвузлик нечогни жирканч кўринишда бизга ўз бўй-бастини кўрсатмасин, биз ҳамиша нафосат ва гўзалликка уйғун эзгуликка интилишимиз – инсонийлик даражасизни намоён этади. Одамийлик сизни ҳеч қачон тарк этмасин!*

**Такризчи:**

Абдуғафур Маматов,  
филология фанлари доктори, профессор

**ISBN 978-9943-4706-1-3**

© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2017 йил

## ОНАМНИНГ ТИЛАГИ

Хотиним Ширли иккимиз жума кунлари кечки овқатни доим онамникида, Броиксда еймиз. Жума мен учун ҳар томонлама қулай, чунки шанба дам олиш куним (мен полицияда, қотилликларни тергов қилиш бўлимида ишлайман). Лекин ўн саккизинчи декабрь жумага тўғри келмаса ҳам биз онамнига борамиз, негаки ўн саккизинчи декабрь – онамнинг туғилган куни. Бу куни яна битта анъана бузилади: онам қозон-товоркка кўл урмайди. Ширли кечки овқатни пиширади, мен идиш-товоркларни юваман, онам эса ўзининг севимли юмшоқ курсисида ўтириб дам олади. Охирги марта инспектор Милнерни бошлаб келганимни кўриб онам ҳар доимгидан-да ортиқроқ хурсанд бўлди. Бошлиғим бўлса ҳам бўлимимиздаги бўйдоклар орасида туғилган кунга бошлаб бориш учун Милнердан яхшиси йўқ. Бўйи пастроқ, қорувли, сочига оқ оралаган, ияқдор бу одам маъюс кўзларининг жовдираб туриши билан ёши ўтган аёлларни бир зумда ўзига ром қиласди. Милнерни кўриб онамнинг боши осмонга етди. У бошлиғимнинг елкасига қоқиб қўйди-да, полициячилар ҳақидаги энг беозор латифаларини бирин-кетин айтиб берди. Кечки овқат пайтида эса унга айёrona нигоҳ ташлаб:

– Нега жўжанинг оёғини охиригача емаяпсиз? Бирор нимадан ташвишланаяпсизми, инспектор? – деб сўради.

**Инспектор Милнер жилмайгандай бўлди.**

– Ҳар доимгидек ичимдагини топдингиз, – деди у.  
– Ҳозир янги, bemаза бир иш билан шуғулланаяпмиз, она,  
– дедим мен.

– Фош қилинмаган жиноятми? – онамга жон кирди. У менинг ишларимга роса қизиқади, кўпинча жиноятни мендан анча илгари фош қиласди.

Э, фош киладиган жойи йўқ бу ишнинг, – дедим мен. –  
Қотиллик содир этилди, қотилнинг кимлигини биламиз; яқин орада хибсга олинса ҳам керак.

Инспектор Милнер чуқур уф тортди.

– Бўлақол энди, – деди онам, – бор гапни менга айтиб-кўнглингни бўшат.

Мен хўрсиндим-да, курсига жойлашиброқ ўтириб, гали бошладим:

– Хўш, аввал сизга профессор, аникроғи, собиқ профессор ҳакида гапириб беришим керак. Унинг фамилияси Патнэм. Ёши элликларда, у Жоан исмли қизи билан Вашингтон-сквер яқинидаги лифтсиз уйда, уч хоналиж каталакдай квартирада яшайди. Ўн йил бурун Патнэм энг машҳур коллежлардан бирида инглиз адабиётидан маъруза ўқиган. Айтишларича, зўр олим бўлган экан. Лекин хотини ўлгач, тушкунликка тушиб қолган. Соатлаб хонасидан чиқмай шифтга термулиб ётган. Маърузаларга кечикиб борган, айрим пайтлар кирмай кўйган. Декан Патнэмни учтўрт марта огоҳлантирган, лекин эришган ютуклари-ю оиласидаги жудоликни инобатга олиб, кўп ҳам бергайвермаган. Аммо орадан икки йил ўтгач, коллеждагилар бу ҳолатга чек қўйиш керак деб мисоблашгач, декан уни ишдан бўшатган.

– Қизи-чи, – деди онам, – ўшанда қизи неччи ёшда бўлган?

– Ўн еттида, – дедим мен, – коллежга эндиGINA кирган пайти бўлган. Отаси ишдан бўшатилгач, қизи ҳам ўқишни ташлаган ва профессорнинг қўл қовуштириб ўтирганини кўриб ишлаши кераклигини тушунган. Ҳарф териш ва стенографияни ўрганиб, адвокатлик идорасига котибаликка ёлланган ва пул топа бошлаган. Тўғри, ҳозир улар одмигина яшашади-ю, лекин тирикчиликлари ўтиб турибди.

– Қария ўша воқеалардан сўнг ўзини ўнглаб ололмадими? – сўради онам.

Инспектор Милнер яна чукур хўрсинди-да, мен бошлаган қикояни давом эттириди:

– Аксинча, борган сари ўзидан кета бошлади. Ишдан бўшатилгач, ичкиликка ружу кўйди. Ҳафтасига икки марта – душанба ва пайшанба кунлари кечки овқатдан кейин кўчага чикиб кетиб, уйига ярим тунда фирт маст бўлиб кайтадиган одат чиқарди.

– Бу ҳам майли, – дедим мен. – Профессор Патнэмни ишдан ҳайдашганда, у ҳамма айбни деканга тўнкаган. Декан Дакуорт – унинг тенгдоши, улар ёшлик даврларида коллежда бирга иш бошлаб, кўп йиллар қалин дўст бўлишган. Дакуорт Патнэмга ишдан ҳайдалганини айтганда профессор роса жанжал кўтарган, факультетда бу воқеани ҳалигача эслаб юришади. Патнэм декан унга ҳасад қилгани учун ҳам ишдан ҳайдаётганини, обрўйини бир пул қилганини, хотинининг ўлимига ҳам Дакуорт сабабчи эканини айтиб тинмай ўшкирган. Ўч оламан деб таҳдид қилган. Орадан ўн йил ўтган бўлса-да, профессор Патнэм декан Дакуортдан нафратланишини ҳалигача ҳеч кимдан яширмайди. Лекин яқинда бу машмаша мутлақо бошқача тус олди...

– Нима рўй берганини сезиб турибман, – деди онам. – Деканнинг ҳали уйланмаган, ёшгина ўғли бор, шундайми?

– Ё, тавба, – деб юборди инспектор Милнер. – Бунақа мия билан бизнинг бўлимимизга кўп фойдангиз теккан бўларди.

– Шундоқ ҳам анчадан бери фойдам тегаялти, – деди онам.

– Давомини эшитинг, – дедим мен, аслида энг чигал жиноятларни фош қилишда онам менга қанчалик ёрдам беришини инспектор ҳатто тасаввур ҳам килолмасди. – Ҳа, гапингиз тўғри, она. Дакуортнинг ўғли Тед ҳам ўша коллежда дарс беради. Ёши ўттизга бориб қолган бўлса-да, уйланмаган. Бир неча ой бурун у Жоан Патнэм билан

никоҳдан ўтган. Декан Дақуорт бундан жуда мамнун бўлган, лекин Патнэм яна жанжал кўтарган ва қизига: “Ҳаётимни барбод қилган одамнинг ўғлига эрга тегишингга йўл кўймайман”, деб айтган. Деканнинг ўғлини эса уйининг остонасига ҳам йўлатмаган. Ўтган ҳафта кечкурун Дақуортнинг уйига бостириб бориб, меҳмонларининг олдида жанжал кўтарган. “Ишимдан, хотинимдан, обрўйимдан жудо қилганинг етмаганидек, энди ёлғиз қизимни ҳам тортиб олмоқчимисан” деб роса ўшкирган. Кейин Дақуортни ўлдиришга қасам ичиб, “бу қотиллик эмас, қатл бўлади” деб айтган. Шундан сўнг Жоан Тед Дақуортни отаси ҳовуридан тушгунча тўйни бошламай туришга кўндирган.

– Кейин нима воеа рўй берганини тахмин қилиш қийин эмас, – гапда давом этдим мен. – Душанба куни кечки овқатдан сўнг профессор Патнэм одатдагидек ичгани кетган. Жоан уни кутган. Патнэм ароқдан бўкиб, гандираклаганча уйга тунги соат икки яримда қайтган. Тахминан шу вақтда полициячи Вашингтон-скверда Дақуортнинг мурдасини топган. Декан тилка-пора килиб ташланганди, ёнида эса қотиллик куроли – ароқ шишининг қолдиғи ётарди. Биз тонгда тиним билмадик. Деканнинг ўғли ва хотини Дақуорт бир яримда тунги газетанинг охирги сонини харид қилиш учун метрога йўл олганини айтишди. Лекин мурданинг ёнида газета йўқ эди, матбуот шоҳобчасидаги савдогар ҳам уни кўрмаган, демак, декан қотилга ўша ёққа бораётганда рўбарў келган. Айтмоқчи, миссис Дақуорт ва Тед деканнинг қайтишини бирга кутишган, шундай экан, жиноят содир бўлган вақтда иккаласи ҳам уйда бўлган. Тонгти соат олтида биз Патнэмнинг олдига бориб, ундан тунни қаерда ўтказганини сўрадик.

– Боякиш, – деди инспектор Милнер бош чайқаб. – Ҳеч нимага фахми етмай, бизга бақрайиб тураверди. Қизи уни

бир амаллаб уйғотди. Декан Дақуортнинг ўлдирилганини айтганимизда у ғапимизни тушунмаётгандек кўзларини мирпиратди. Кейин йиғлаб юборди.

– Унга раҳмим келиб кетди, она, – дедим мен ва Патнэмнинг аҳволи кўз олдимга келиб этим жунжикди. – Нихоят уни овутиб, тунда нима иш қилганини сўрадик. Патнэм жавоб беришдан бош тортди.

– Бош тортдими ёки маст бўлгани учун эслолмадими?

– “Эсимда йўқ” демади, “айтмайман” деди. Хўш, биз яима қилишимиз керак эди? Ҳали уни қотилликда расман айблаганимиз йўқ, сўрок қилгани полиция бош бошқармасига олиб бордик, холос. Ҳеч ким унга тегинмади. Аммо ўн икки соат роса сўрок қилдик. Патнэм айбига икрор бўлмади.

– Қотил Патнэм эканига ишончимиз комил эди, – дедим мен, – шунинг учун уни ўша куни ярим тунда кўрган гувоҳларни қидира бошладик. Патнэмнинг суратини олиб яқин атрофдаги барларга бирма-бир кириб чиқдик. Нихоят, Дақуортнинг уйидан уч кўча наридаги барнинг эгаси Гарри Слоун Патнэмни таниди. Охирги уч-тўрт йилда Патнэм ғанинг доимий мижози бўлган экан. Қотиллик рўй берган суни ҳам Гарри уни кўрган. Ярим тунда, тахминан соат бирдан ўн бешталар ўтганда Патнэм барнинг эшигини тақииллатиб, шовкин сола бошлабди. Бар ёпик дейишса ҳам ичкилик беришни талаб қилиб, пулинин кўрсатибди. Гарри зрок бериб тезрок кутулганимиз маъқул деб уни ичкарига киритибди. Бармэннинг айтишича, Патнэм ярим шиша зрокни сипкоргандан кейингина уларни тинч кўйибди. Бу пайтда соат иккidan ўн бештacha ўтган экан. Бардагилар Патнэм факат маст бўлиш учун ичгани йўқ, у нимадандир безовта эди дейишди. Миссис Слоун унинг афт-ангорида кўркув аломатини кўрибди.

– Лекин бу Патнэмнинг қотиллик қилганини исботламайди-ку?

– Тўғрику-я, лекин бошқа тафсилотларни ҳам ҳисобг  
олсак, бу анча ишонарли далил. Биринчидан, Патнэмниң  
котиллик килишига сабаби бор эди. Иккинчидан  
имконияти ҳам бор эди. Вақт ҳам шунга тўғри келяпти. Ўз  
икки яримда Дакуорт газета олгани кўчага чиқсан ва йўлда  
тасодифанми, йўқми, ҳарқалай Патнэмга рўбарў келган.  
Тахминан ўн бешта кам бирларда Патнэм кўлидаги шиши  
билан Дакуортнинг бошига туширган. Шундан сўнг нима  
иш қилиб қўйганини кўриб, қўркиб қолган Патнэм бўкиб  
ичиш учун яқинроқдаги барга юурган ва у ердан иккидан  
ўн бешталар ўтганда чиқиб уйига йўл олган. Қизи унинг  
икки яримда уйга кириб келганини айтди. Патнэмниң  
ўзини тутиши ҳам тахминларимизга мос келади – у  
Слоуннинг барида арок сўраб туриб олган, бунинг устига  
тунда нима қилганини айтишдан бош тортди. Бу ишни  
ёпилди деса ҳам бўлади, она.

– Ҳа, иш деярли ёпилди, – деди инспектор Милнер  
хўрсиниб. – Бу далилларни бошқача изоҳлашнинг иложи  
ҳам йўқ.

Орага жимлик чўкди. Кейин онам пўнғиллади.  
– Иложи бор, – деди у. – Ҳакконий изоҳлаш керак!  
– Йўқ, йўқ, – деди инспектор Милнер бош чайқаб. –  
Бошқача изоҳни топмоқчи бўлдим... боякиш қария... лекин  
бунинг имкони йўқ.

– Ҳозир топамиз-да, – деди онам. – Лекин аввал сизларга  
учта оддийгина савол бермоқчиман.

Мен дарров ҳушёр тортдим. Онамнинг “оддийгина  
саволлари” одатда одамни гангитиб қўяр, уларга ўзи жавоб  
бергунича каловланиб тураверардингиз.

– Бера қолинг.  
– Биринчи савол: декан Дакуорт ҳакида яна озгина  
маълумот берсанглар. У профессор Патнэмнинг  
пиёнисталигига қандай каарди? Пиёнисталикни  
оклармиди, йўқми?

**Саволни бемаъни деб ҳисобласам ҳам, жавоб бердим:**

– Ҳеч ҳам оқламасди. Ўзи бир қултум ҳам ичмасди, бунинг устига, талабаларни арокқа ружу қўймасликка ундар, ичкиликини тақиқлашга уринарди.

– Яхши жавоб бўлди, – деди онам мамнун жилмайиб. – Иккинчи савол: полиция бош бошқармасидаги сўроқни тутатиб, Патнэмни уйига, қизининг ёнига олиб борганинглардан кейин у нима қилди?

Бу савол ҳам бемаънидай туюлди, лекин барибир жавоб бердим:

– Билсангиз, бу ҳам бизга маълум, онажон. Патнэм қочиб қолмасин деб квартирага соқчи қўйгандик. Профессор кизи ва соқчимизнинг кўз олдида, диванда ухлаган. Тонгда уйғониб нонушта қилган. Пишириқ еб, апельсин шарбати ва кофе ичган. Икки дона қанд солган. Бу маълумотлар жиноятни фош қилишга ёрдам беради, деб ўйлайсизми?

Онам киноямга эътибор ҳам бермай, жилмайганча жавоб қайтарди:

– Миянгни ишлатсанг, албатта, ёрдам беради. Охирги савол: қотиллик содир бўлган ўша тунда якин атрофда “Шамолга совурилганлар” фильмини кўрсатишмаётганимиди?

Буниси энди ортиқча эди.

– Шу ҳам ҳазил бўлти-ю, она! Биз ҳар қалай қотилни қидирайпмиз.

– Ким ҳазиллашаяпти? – деди онам. – Саволимга жавоб берасизларми, йўқми?

**Инспектор Милнер одоб билан жавоб берди:**

– Бунинг қотилликка нима алоқаси борлигини билмадиму, лекин айнан ўша пайтда Лоу кинотеатрида “Шамолга совурилганлар”ни кўрсатишашётганди. Профессор Патнэмни сўроқ қилгани кетаётганимда кўзим тушувди.

– Мана, далил ҳам топилди, – деди онам хурсанд бўлиб. – Иш битди. Профессор Патнэм ҳеч кимни ўлдирмаган.

Ҳайратдан инспектор Милернинг кўзлари пирпираб кетди.

– Ростдан хам далилингиз борми?

– Ҳаммаси кундай равшан-ку, ахир, – деди онам кўлларини ёйиб. – Иш яна шўринг қурғур жияним Миллига бориб тақалаяпти.

– Жиянингиз Миллига?.. – деди инспектор ҳангуманг бўлиб.

Онам бош сермади.

– Ҳа, бояқиши Миллига. Бу аёл доим соғлиғидан нолирди. Юраги чаток эди, боши, оёғи, бели оғрирди, ошқозони безовта қиласди. Хуллас, оғримаган жойи йўқ эди, лекин дарди ҳар йили янгиланаарди. У эрга тегмагани учун бояқиши укаси Моррис Миллини бокишга мажбур эди. Укаси хам уйланмасди. Қизларга қараши биланоқ жияним Миллининг бирор касали кўзиб коларди. Бир куни Милли қазо қилди. Ошхонадаги жавондан сузмали пиширикни оламан деб курсидан кулади-ю, боши зарб еди. Мурдани кўздан кечирган дўхтири Моррисга бошидаги ғуррани ҳисобга олмаса, бу у кўрган жасадларнинг ичида энг соғломи эканини айтди. Лекин бу пайтга келиб бечора Моррис эллик етти ёшга кирган, соchlари тўкилиб, қорин кўйган, аёллар унга қайрилиб хам қарамасди.

Онам жимиб қолди, биз эса унинг гапни қаёққа бураёттанини тушунмай бошимиз қотди.

Нихоят, Ширлининг тоқати ток бўлди.

– Бунинг қотилликка нима алоқаси бор, ойи?

– Бу саволнинг жавоби шундокқина бурунларингнинг тагида турибди, – деди онам, – ҳамма гап кун тартибида.

– Қанақа кун тартиби?

– Профессор Патнэмнинг кун тартиби. Арокхўр профессор доим душанба ва пайшанба куни кечки овқатдан кейин уйидан чикиб, нуқул бир хил вактда, ярим тунга яқин ғирт маст бўлиб қайтиб келади, дединглар. Менимча, бу

жуда ғалати ҳолат. Чунки арокка пул топиш учун бўйинбоғини ҳам гаровга қўйишга тайёр турган одам ҳар дақиқада қўлидаги соатига қарайвермайди. Қараганда ҳам, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Бунинг устига, унинг айнан душанба ва пайшанба кунлари кечки овқатдан кейин то ярим тунгача йўқолиб кетиши менга бир нарсани – кинотеатрнинг кун тартибини эслатаяпти. Душанба ва пайшанба кунлари янги фильмлар қўйилади, катта кинодастур эса айнан кечки овқатдан ярим тунгача давом этади.

– Нима демоқчилингизни энди тушундим, она...

– Жим бўл, – жеркиб берди онам. – Бошидаёқ шунга ақлинг етмадими, энди гапимни бўлма. Профессорнинг кун тартиби ғалати туюлгани учун ҳам полициядаги ўн икки соатлик сўрокдан кейин Патнэм нима қилди, деб сўрадим. У ухлабди, уйғонгач, ионушта қилибди. Ароқ ҳакида ўйламабди ҳам! Ичкилик ҳам сўрамаган! Агар Патнэм ғирт пиёниста бўлса, ўн икки соатлик сўрокдан кейин бир стакан ҳам ароқ ичгиси келмайдими? Кечирасизлару, уни ароқхўр деганинглар ғирт сафсата. Шундай қилиб, илк шубҳам тўғри чиқди...

– Патнэм пиёниста эмас экан-да? – деди инспектор Милнер ҳангуманг бўлиб.

– Бу кундек равшан-ку, – деди онам. – Аслида у ичкиликни жинидан баттар ёмон кўрса керак. Ўзини пиёниста қилиб кўрсатади, холос. Патнэм ўн йил давомида кинотеатрга бориб янги дастурни бошидан охиригача кўрган. Кейин бир шиша ароқ сотиб олиб қўли ва ёқасига куйганда, қизи кўриши учун уйга гандираклаб кирган.

– Нега, ахир? – дедим мен. – Нега у шунча йил қизини аҳмок қилган?

– Жияним Миллидан саломлар, – деди онам жилмайиб. – Профессор ишини, ўзига бўлган ишончни, хаётга қизиқиши йўқотган одам. Унга қизининг ғамхўрлигидан

бўлак ҳеч нарса керак эмас. Шунинг учун қизининг эрги тегиб, ўзини ташлаб кетишидан доим кўрқади. Жоаний ёнида олиб қолиш учун эса ночорликдан таъсирироқ бирор баҳона керак. Мана шунинг учун ҳам Патнэм ароқхўрга “айланган”. Оқила, меҳрибон қиз пиёниста отасини ёлғиз ташлаб кета оларми? Профессорнинг бу ҳийласи иш берди. Жоан ҳам Морриснинг аҳволига тушиб қолди. Лекин, балки бу сафар ҳам вазиятни ўнглаш мумкиндир.

– Шошманг-шошманг, – деди Ширли ҳовлиқиб. – Сиз профессор ҳар душанба кинога бориб, дастур тугагандан сўнг ярим тунда қайтиб келган деяпсиз. Лекин қотиллик содир этилган куни у икки яримда уйига қайтган. Бу қотил Патнэм эканидан далолат бермайдими?

Онам кулиб юборди.

– Сен охирги саволимни унугибсан. Бу менинг тахминим тўғри чикқанини исботлайди, холос. Яқин-атрофдаги кинотеатрлардан бирида “Шамолга совурилганлар”ни кўрсатишган. Бу кино эса, одатдаги фильмлардан бир соат узок давом этади.

Ширли ҳайратдан сапчиб тушди.

– Мана, бу ишни ҳам бир ёқлик қилдик, – деди онам. – Ширинликни ким олиб келади? Ҳаммасига ўзим югуришим керак...

– Мен олиб келаман, – деб ошхонага қараб кетаётгандим, Ширлининг гапини эшишиб тўхтадим.

– Шошманг-шошманг, – деди у онамга ғолибона нигоҳ ташлаб. – Сиз, ахир, қотилнинг кимлигини айтмадингиз-ку. Профессор Патнэм пиёниста бўлмаса, унда декан Дакуортни ким ўлдирган?

– Ким ўлдирганини ҳалиям фахмламадингларми? – деди онам айёrona жилмайиб. – Профессорнинг пиёниста эмаслигини исботладик. Ароқхўр бўлмаса, у нима учун Гарри Слоуннинг барига тунда бостириб кириб, ярим шиша ароқни бир кўтаришда сипкорган? Нега Гарри Слоун билан

сотини Патнэм баримизга тўхтовсиз келадиган доимий мижозимиз, деб айтишди?

Инспектор иккаламиз сергак тортдик. Милнернинг пешонаси тиришди.

– Слоун билан хотини бизни алдашибди-да? – деди у. – Бу – аниқ. Деканни Слоун ўлдирган. Декан ичкиликбозликка қарши эди, талабаларга арок ичишни тақиқламоқчи бўлиб юрувди. Агар ниятига етганда, талабалар Дакуорт кўриб қолмасин, деб ичгани коллеждан узокрокқа кетишга мажбур бўлишарди. Слоуннинг асосий мижозлари талабалар, деб эшитганман. Декан уни касод қилиши мумкин эди – ҳозирги замонда бунинг учун одам ўлдириш ҳеч гап эмас. Менимча, Слоун аслида Дакуортни ўлдирмоқчи бўлмаган. Душанба куни кечқурун киттак отиб олган Слоун газета харид қилгани кетаётган деканни учратиб қолган-у, уни ичкиликбозликка ҳадеб қарши чикавермасликка ундалган, декан унамагач, қўлидаги шиша билан уни уриб ўлдириб қўйган. Кейин уйига қайтиб, бўлган воқеани хотинига айтган...

– Эртаси куни кечқурун Слоуннинг сувдан қурук чиқишига ўзимиз кўмаклашибмиз-да, – дедим хўрсиниб. – Унга Патнэмнинг суратини кўрсатиб қотиллик рўй берган вактда профессорнинг каерда бўлгани номаълумлигини айтганимиз-дан кейин Слоун билан хотини Патнэмга қарши гувоҳлик бериб қўя қолишган.

– Улар ҳозир ҳеч кимнинг эсига келмасди, агар... – қойил колган Милнернинг тили айланмай қолди.

Ширли менга маъноли қараб қўйди. Инспектор полиция бош бошқармасига кўнғироқ қилиб, эру хотин Слоунларни ҳибсга олишни буюрди. Мен эса ошхонага бориб, Ширли пиширган пирогдаги шамчаларни ёқдим. Пирогга учта шам тикилганди: биринчиси онамнинг ҳақиқий ёши учун, иккинчиси онам тан олган ёш учун, учинчиси баҳт учун. Пирогни дастурхонга олиб келганимдан сўнг биз “Туғилган

кунинг билан!” қўшигини куйладик ва онам ёш қизлардең кизариб кетди. Пиширикни ёнига қўйдик-да, Ширл иккимиз тилак тилаб шамларни пуфлашини сўраб туриб олдик. Лекин онам индамай инспектор Милнерга қаради.

– Сиз ҳалиям нимадандир безовтасиз, – деди у.

– Мени кечиринг, – деди инспектор жилмайиб, – бояқиц қария ҳеч кўз олдимдан кетмаяпти. Қизи бор гапдан хабағ топгач, эрга тегиб қарияни ташлаб кетади. Бечора бир ўзи қандай яшайди?

Инспекторнинг овози қайгули чиқди. Онамнинг жавоб эса ғалати бўлди.

– Қария? Қайси қария? – деди у саволга савол билав жавоб бериб. Кейин кўп гап айтиб юборгандек дарроғ пирогта уннади. – Демак, аввал тилагимни айтиб, кейин шамларни пулайман.

Онам кўзларини юмиб бир нималар деб пичирлади. Сўни кўзини очиб пирогта энгашди-да, пуллади. У нима тилаш тилаганини ўша оқшом ҳеч кимга айтмади.

*Рус тилида*  
*А.ОТАБОЕВ таржимаси*

## ЭЛЕКТР СТУЛДАГИ ТАВБА

Женисни ўлдиришга қачон қарор қылганимни аниқ айта олмайман. Албатта, бу ҳақда бир неча ойлар давомида ўйлагандим, аммо айнан қачон орзуларим пухта ўйлаб чиқилган режага айланганини эслай олмайман.

Эҳтимол, бу Женис менга индамай сотиб олган мўйнали пўстин учун ҳисоб варагини олиб келишганида юз бергандир. Деярли икки минг доллар – йиллик даромадимнинг бешдан бир кисмини сарфлашим лозим бўлган бу матохга кўз ташламоқчи бўлганимда эса у Бешинчи авенюдаги дўконларни айланиб чарчагани учун поездда келаётиб пўстинни унутиб қолдирганини айтиб мени ўлдираёзганди.

Балки бу анча олдинрок, ишдан ўлгудек чарчаб шахар марказидаги уйимизга қайтганимда Женис Коннектикутдан уй сотиб олганини айтганида бўлгандир. Биз энди Манхеттендаги тош деворлар ичida яшамас эканмиз. Кишлокнинг тоза ҳавоси бизга куч берар экан. Бундан ташқари, ҳар куни одатдагидан бир соат эрта туриб тонги поездда ишга боришим мен учун жудаям фойдали экан.

Балки ҳаммаси ўша куни, қишлоқдаги уйимизда харажатларимизни ҳисоб-китоб килаётиб кейинги яrim йилда банк кредитларини микдоридан ошириб юборганимиз учун тўлаган жарималаримиз ейиш-ичишимизга кетган пулдан ҳам кўпайиб кетганлигини билганимда бошлангандир. Бу ҳақда унга норозилик билдирганимда Женис хотиржамлик билан ҳамма айбни менга ағдарганди. Ростдан ҳам, у кутилмаганда сарфлайдиган пулларни вактида топиб беролмаганим учун уни айблаш мумкинми?

Балки гап унда эмасдир. Балки буларнинг барига Карен сабабчидир.

Карен, ох Карен! Нихоят, менинг лавозимим кўтарилди. Бу лавозим менга Жениснинг харажатлари учун кўпроқ пул, шу билан бирга шахсий кабинет ва котиба берди. Ва бу котиба Карен эди.

Умуман олганда, бу анча ғалати воқеа. Уйда доимий жанжаллар ва асабийлашишлар манбай бўлган хотин кутади. Ишда эса ақли, гўзал, гаплашсанг ҳаёт ташвишларини унугтирадиган котиба. Мен бора-бора иш кўпайиб кетганлигини баҳона қилиб шаҳарда узокроқ қолиб кетадиган бўлдим ва охир-оқибат ўша нарса юз берди. Биз Карен билан бир-биримизни севиб қолдик.

Бизнинг муносабатларимиз раҳбар ва котиба орасидаги ишқий ўйинга айланиши ҳам мумкин эди. Аммо Карен софдил қиз эди. Мен Женис билан ажрашишим ва Каренга ўйланишим кераклигини тушундим.

Аввалига ажрашиш ҳакида ўйладим. Мен Жениснинг бунга рози бўлишига шубҳа қилмасдим, чунки ўша пайтларда ажрашишлар урфга кирган, Женис эса замон билан ҳамнафас қадам ташлашга интиларди. Аммо кейин алимент эсимга тушиб қолди. Ажрашишга нима сабаб бўлмасин, ҳуқукий жиҳатдан мен жавобгар, Женис эса даъвогар бўларди. Бу эса алимент дегани. Мен Жениснинг пулга нихоятда ўчлигини жуда яхши билардим. Шундок ҳам иккимиз учун зўрға пул топардим. Бунга Каренни ҳам кўшинг, қарабсизки ярим йилда мен қарздорлик ботқоғига ботишим тайин.

Йўқ, ажрашиш фикри шу заҳоти четта сурилди ва қанчадир вакт бу муаммонинг ечими йўқдай туюлди. Сўнгра Женис машина сотиб олди ва мен уларнинг иккаласи – Женис ҳам, машинаси ҳам Мерит Паркуей атрофида мажакланиб кетишини Худодан сўрадим. Аммо вакт ўтиб борар ва ҳеч қандай баҳтсиз ҳодиса юз бермасди.

Уйимизнинг деворлари гиштли, ичи сувоқ килинган, демак, ёнғин эҳтимоли жуда кам эди. Поездлар баъзан

рельсдан чиқиб кетади, аммо Жениснинг поезд ҳалокатига учраб ўлишига умид қилишнинг ўзи кулгили эди.

Охир-оқибат, ҳаммасини ўз зиммамга олишга мажбур бўлдим. Женис Карен билан баҳтли ҳаёт кечиришимга тўсиқ бўлаётган экан, демак, бу тўсиқни олиб ташлаш керак.

Вақт ўтгани сари бу фикр мустаҳкамланиб борди, борған сари кучайди ва ниҳоят, мен Каренга оғиз очдим. Аввалига у бу таклифимдан қўркиб кетди. Лекин Женис тирик экан, биз ҳеч қачон турмуш кура олмаслигимиз ҳақида унга узоқ гапирганимдан кейин у менинг режамни қайғули зарурият сифатида қабул қилди.

Энди “қачон” ва “қандай қилиб” деган масалани ҳал қилиш керак эди. Ихтиёrimda қотилликнинг тўрт хил усули бор эди: баҳtsiz ҳодиса кўринишидаги қотиллик, ўз жонига қасд қилиш кўринишидаги қотиллик, табиий ўлим кўринишидаги қотиллик ва қотиллик кўринишидаги қотиллик.

Баҳtsiz ҳодисани дарҳол миямдан чиқариб ташладим. Женис учун турли хил баҳtsiz ҳодисалар ҳақида ойлаб бош қотирган ва охир-оқибат, уларнинг ҳаммаси ишонарсиз бўлиб чиқишини тушунгандим. Мен ишонмаган нарсага полициянинг ҳам ишониши қийин.

Ўз жонига қасд қилиш борасида эса Жениснинг барча дугоналари бир овоздан ундан баҳtli ва ўз ҳаётидан мамнун аёл бўлмагани, шунинг учун ўзини ўлдиришига ҳеч қандай асос йўқ эканлигини айтишларига шубҳа килмасдим.

Табиий ўлим ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмасди.

Қотиллик қилиш қолганди. Қотиллик кўринишидаги қотиллик. Мен шунга мос режа тушибга киришдим.

Имконият майнинг охирги чоршанбасида бўлиши мумкин эди. Ўша ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари Чикагода муҳим мажлис бўлиши режалаштирилганди.

Мажлис бизнинг энг йирик мижозларимиздан бирининг реклама компаниясига бағишиланган ва унда иштирок этишим зарур эди. Энди Карен мен билан бирга кетишини ташкиллаштиришим керак эди ва бу қийин кечмади. У менга ёрдамчи сифатида сафарга бирга чиқадиган бўлди. Режам аста-секин пишиб-етилди.

Режа қуйидагича эди: мен соат учда Чикагога йўл оладиган ва эртасига эрталаб 8:40 да у ерга етиб борадиган поездга чипта оламан. Карен ҳар икки чиптани ўзи билан олади ва поездга ўтиради. Биз иккаламиз ишхонадан туш пайти бирга чиқамиз ва ҳамманинг кўз ўнгида марказий шоҳбекатга йўл оламиз. Аслида эса, Карен марказий шоҳбекатга кетган пайтда мен 125-кўчадаги бекатга бораман ва 12:55 да Коннектикутга кетадиган поездга ўтириб, 2:10 да у ерга етиб келаман. Бу пайтда мен соҳта мўйлов, кўзойнак такиб олган, умримда киймаган шляпа ва пальто кийиб олган бўламан. Уйимиз бекатдан унча узок эмас. У ерга пиёда бораман. Женисни икки ҳафта илгари Ист-Сайдда номаълум бир шахсдан сотиб олган ўттиз иккинчи калибрли тўппончам билан ўлдириб, уйни ағдартўнтар киламан. Сўнгра соат бешдаги поездда шаҳарга қайтаман, оқшомни бирор ерда ўтказиб, 00:45 да Чикагога учадиган самолётта ўтираман. 3:40 да аэропортда бўламан, 8:40 да эса Каренни темир йўл шоҳбекатида кутиб оламан. Биз қайтиш учун олинган чипталарни Нью-Йоркка самолётда қайтишимизни айтиб, кассага топширамиз. Натижада, менинг кўлимда темир йўл компанияси томонидан тўлдирилган расмий қоғоз бўлади. Мутлақ алиби. Сўнг, кўмиш маросимларини ўтказгач, Каренга уйланаман ва биз бир умр баҳтли ҳаёт кечирамиз.

Шундай қилиб, ўша кун келди. Мен чамадонимни олиб ишга бордим. Туш пайти биз Карен билан ажралишдик ва мен йўл-йўлакай пальто ва шляпа сотиб олиб, 125-кўчага шошилдим. Чамадонни юк саклаш камерасида қолдириб,

поездга ўтирдим ва вагонлардан бирининг ҳожатхонасига кириб сохта мўйлов билан кўзойнак тақиб чиқдим.

Соат 2:15 да поезддан тушдим. Бекат одатда куннинг бу вактида бўм-бўш бўлади. Йўлда бирорта ҳам танишимни учратмадим. Мен чўнтағимдаги тўппончанинг оғирлигини ҳис қилганча аста уй эшигини очдим.

Женис меҳмонхонада эди. У янги, пули ҳали тўлик тўланмаган диванда ўтирас ва ҳеч шубҳасиз, менинг эшакдек ишлаб топган пулимни қандай қилиб тез ва самарали сарфлаш ҳақида маслаҳатлар берилган аёллар журналини ўкирди.

Аввалига у мени танимади. Фақат кўзойнак ва шляпамни олганимдан кейингина қичкириб юборди:

- Буни қара-я! Мен бўлсан сени Чикагода деб ўйлабман.
- Мен Чикагодаман, – дедим мен мўйловимни силаб ва пардаларни ёпиш учун дераза томонга қадам ташладим.
- Мўйлов нимага керак? – сўради у. – Умуман ярашмабди.

Мен унга ўтирилдим ва чўнтағимдан тўппончани чиқардим.

– Ошхонага кир, Женис.

Режамга кўра, талончи орқа эшикдан ошхонага кирган, Женис шовқинни эшлитиб у ерга мўралаган ва талончи уни отиб ташлаган бўлиши керак эди.

У тўппончага бакрайиб қаради, сўнг кўзларини катта-катта очганча юзимга тикилди:

- Фредди, нима бўляпти?..
- Ошхонага кир, Женис, – қайтардим мен.
- Фредди, – деди у жаҳл билан, – бу яна сенинг ҳазилларингдан бири бўлса...
- Мен ҳазиллашаётганим йўқ, Женис, – ўшқирдим мен.

Бирдан унинг кўзлари кувончдан порлади ва ҳар доим навбатдаги харидни мўлжаллаган пайтда қилганидек болаларча чапак чалди.

– Фредди, азизим! – қичкирди у. – Сен менга янги идиш ювадиган машина сотиб олибсан-да!

У ошхонага югургилади. Ҳатто умрининг охирги дақиқаларида ҳам у нарса сотиб олиш ҳакида ўйлаётганди.

Ошхонада у ҳайрон бўлганча менга ўтирилди:

– Идиш ювадиган машина йўқ-ку...

Мен унга қарата ўқ уздим. У чинқиришга оғиз жуфтлаган пайтда иккинчи ўқ уни йикитди.

Нақд уч сония жимжитлик ҳукм сурди. Тўртинчи сонияда эса бошим устида турган эшик қўнғироғи сукунатни бузиб жиринглади. Мен даҳшатдан қотиб қолдим. Нима қилишни билмасдим. Аввалига “келган одам қўнғироқ чалавериб зерикиб қайтиб кетгунича жойимда қотиб тураверсаммикин”, деб ўйладим. Аммо кейин Жениснинг машинаси ҳовлида турганини, бу эса унинг уйда эканлигини билдиришини ўйлаб фикримдан қайтдим. Агар эшикни очмасам, келган одам шубҳаланиб қўшниларни ёки полицияни ёрдамга чақиради ва у ҳолда бу ердан чиқиб кетолмайман. Шунинг учун мен эшикни очишга қарор килдим. Бу кўзойнак, сохта мўйлов ва ўзгарган овозимда түккан онам ҳам мени танимайди. Мен ўзимни хусусий шифокор деб таништиришим ва Женис касаллиги учун ҳеч кимни қабул қила олмаслигини айтишим мумкин.

Мен бу ҳақда ўйлагунимча нафақат даҳшатдан қотиб турган одамни, балки тош ҳайкални ҳам ҳаракатга келтирадиган эшик қўнғироғи иккинчи марта жиринглади. Тўппончани шошиб-пишиб чўнтағимга солдим ва эшик олдига бордим. Чуқур нафас олиб ва титроғимни сал босиб, эшикни қия очдим. Остонада жигарранг портфел тутган савдо агенти турарди. У ғижим кулранг костюм, оқ кўйлак кийиб, мовий галстук такиб олганди. У ўттиз икки тишини кўрсатиб илжайди.

– Хайрли кун, сер. Уй бекаси борми?

– У касал, – жавоб қайтардим мен овозимга бўғиқлик бериб.

– У ҳолда, сер, – бидирлади у, – балки сиз менга икки дақиқа вақт ажратарсиз, албатта, агар банд бўлмасангиз?

– Вактим йўқ. Узр.

– Лекин бу сизни қизиктиришига ишончим комил, сер. Мен таништирмокчи бўлган компания фарзанди бор ҳар бир оилани ўйлайди.

– Менинг болам йўқ.

– О! – Унинг табассуми йўқолди, аммо шу захоти яна пайдо бўлди. – Аммо менинг компаниям факат отоналарнигина ўйламайди. Бир сўз билан айтганда, мен “Универсал энциклопедия” нашриётиданман. Мен савдо агенти эмасман. Гап шундаки, биз маҳаллий бозордаги талабни ўрганиш билан шуғулланяпмиз ва...

– Кечирасиз. Бу мени қизиктирмайди, – унинг сўзини бўлдим.

– Лекин сиз энг асосийини билмайсиз! – қайсарлик килди у.

– Жин урсин! – Мен “агар Женисни икки дақиқа олдин отиб ташламаганимда, у мана шу “Универсал энциклопедия”ни сотиб олган бўларди”, дея ўйлаганча эшикни қарсиллатиб ёпдим.

Мен ишимни охирига етказишим лозим эди. Бутун уйни ағдар-тўнтар килиш, чамадонлар, жавонлардаги нарсаларни сочиб ташлашим керак эди. Сўнг эса поездимга қараб югураман.

Эндиғина ётоқхона томон қадам ташлаганимда телефон жиринглади.

Мен яна жойимда қотиб қолдим. Жавоб берайми ёки йўқми? Бу сафар ҳам жавоб беришга қарор килдим.

Гўшакни кўтариб саломлашганимдан сўнг қандайдир аёлнинг овози келди:

– “Мажилл” компаниясининг статистика бўлимидан безовта қилялмиз. Айни пайтда телевизор кўряпсизми?

Мен гўшакни қулоғимга тутганча қотиб туардим.

– Сер?

– Йўқ. – Гўшакни жойига қўйдим ва ётоқхона томон йўл олдим. Бу сафар у ерга киришга муваффақ бўлдим. Жавон ғаладонларини бирин-кетин суғуриб олдим ва полга ағдара бошладим. Бармоқ изларимга тупургандим. Ўз уйимда менинг бармоқ изларим бўлиши аник-ку. Полиция талончи қўлқопда кирган, деб тахмин қиласкеради.

Учинчи ғаладонни ағдариб, уч жуфт узук ва битта соатни чўнтағимга солган пайтимда яна эшик кўнғироғи жириングлади.

Уф тортганча эшикни очгани югурдим.

Бу сафар ташкарида bemânyi табассум қилганча семиз жувон туарди. Мени кўриб, у гап бошлади:

– Сал-лом! Мен Тернер хонимман, штат протестантлик черкови фойдаси учун автомобиль лотереяси сотяпман.

– Ҳеч қанақа лотерея керакмас, – жавоб қайтардим мен.

– Лекин бу автомобиль лотереяси, – деди у.

– Ҳеч қандай автомобильнинг кераги йўқ, – дедим ва эшикни ёпдим. Сўнг яна эшикни очиб, кўшиб қўйдим: – Машинам бор.

Ётоқхонага қайтарканман, сухбат миямда айланарди. Гапларим ғалати чиқмадими ишқилиб? Балки асабийлашганим учун менга шунақа туюлаётгандир?

Аҳамияти йўқ. Бирпасдан кейин бу ерни тарк этаман ва Нью-Йорк поездидаги хотиржам кетаман.

Ҳаяжондан бирин-кетин иккита сигарет чекдим ва яна ишга киришдим. Жавон ва столни бир ёқли қилиб, энди шкафга ўтмокчи бўлганимда телефон жириングлади.

Телефон кўнғироғининг овози бунчалик ўткир ва қулокни қоматга келтирувчи бўлишини илгари тасаввуримга ҳам келтирмаган эканман. Бунинг устига, узок

ва тез-тез жиринглайди. Э Худо, мен ўрнимдан туриб телефон олдига етиб боргунимча лаънати уч марта жиринглаб улгурди.

Гўшакни кўтаришим билан эркак кишининг овози янгради:

– Салом, Энди!

– Энди?

У яна қайтарди:

– Салом, Энди!

Ҳаммаси режадагидай кетмаётганди. Мен сўрадим:

– Ким керак?

У жавоб қайтарди:

– Энди.

– Рақам теришда адашибсиз, – дедим ва гўшакни кўйдим.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади.

Мен бир сакраб тушдим ва телефонни ерга тушириб юбордим. Телефонни жойига қўйгунимча эшик қўнғироғи яна чалинди.

Мен эшик томон ташландим ва эҳтиёткорликни ҳам унутиб катта очдим.

Рўпарамда соchlарига оқ оралаган, юзидан ўзига ишонч хисси билиниб турган киши турарди. У қора портфел ушлаб олганди.

– Жаноб Уит келдими?

– Ким?!

– Жаноб Уит, – деди у. – Келдими?

– Унақа одамни умримда эшитмаганман, – дедим. – Адашибсиз.

– Нимаям қиласардик, – деди у, – у ҳолда сиз билан ўзим гаплашишимга тўғри келади. – Мен нима бўлаёттанини идрок қилгунимча у ёнимдан сирғалиб ўтди ва меҳмонхонага кириб у ёқ-бу ёққа аланглай кетди. – Қойил! Ажойиб меҳмонхона!

– Эй, менга қаранг... – сўз бошладим мен.

– Семпсон, – деди у. – “Универсал энциклопедия”.  
Бекамиз күринмайдилар?

– У касал, – жавоб қайтардим. – Унга шўрва тайёрлаяпман. Товуқ... э-э-э... шўрва! Балки бошқа сафар...

– Тушунаман, – деди у ва худди ниманидир ўйлаётгандай қовоғини уиди, сўнг илжайди: – Майли, сер, сиз шўрвангизни тайёрлашингиз мумкин. Мен унгача таништирув учун ҳамма нарсани тайёрлаб оламан.

Кўз очиб-юмгунча у диванга астойдил жойлашиб олди. Оғзимни очмоқчи эдим, у мендан кўра чакқонлик қилди ва портфелини очиб, кўлинни елкасигача тикиб ичидан бир тахлам қоғоз чиқарди. Қоғозлардан бирига қора рангда катта ҳарфларда “Кутулинг!” деб ёзилганди. Яна бирига қизил рангда “Эҳтиёт бўлинг!” деб ёзилганди. Яна бошқасида “Уриниб кўринг!” деган ёзув туради.

Жаноб Семпсон энгашди ва ҳарсиллаганча қоғозларни гиламга бир текисда тера бошлади.

– Бу бизнинг янги дастуримиз, – тушунтирди у жилмайганча ва энгашиб имкони борича кўпроқ қоғоз ёйишга киришди.

**Мен унга анграйганча қараб турадим.**

У ўтирган дивандан атиги беш фут нарида, ошхонада хотиним Женис жонсиз ҳолда ётарди. Ётоқхона ағдар-тўнтар килиб ташланган эди. Мени шаҳардан олиб кетадиган поезд кетишига бир соатдан озроқ вакт қолганди. Бунинг устига, тўппончамни бирор жойдаги ахлат қутисига ташлашим керак. Кейин эса Чикагога учаман ва Каренни кўраман. Гўзал Каренни. Севгилим Каренни.

Мана бу лаънати лақма эса менга бемаъни энциклопедиясини ўтказмоқчи!

**Мен хотиржамлик билан дедим:**

– Йўқолинг.

**У илжайганча менга қаради.**

– Тушунмадим?

– Йўқолинг, – қайтардим мен.  
У жиддийлашди.  
– Лекин, э-э-э... сиз ҳали...  
– Даф бўлинг! – дедим бу сафар баландроқ овозда. Қўлим билан эшик томонга ишора қилдим. – Даф бўлинг!  
Туёғингизни шиқиллатинг!

У нимадир дейишга оғиз жуфтлади.

– Йўқол!!!

Мен унинг қоғозларини эзиб-тепкилай бошладим. Сўнgra эшик томонга югурдим. Эшикни очиб, полда ётган қоғозларни кучоғимга сикқанича олдим ва ташқариға улоқтирдим. Оёғим остига тўкилган қоғозларни суриб ташқариға чиқариб ташладим. Кўркувдан ранги оқариб кетган жаноб Семпсон ташқариға югурди.

Эшикни ёпдим ва чуқур уф тортиб сигарет туташтиридим. Кейин яна битта сигарет чекдим. Яхшилаб сўкиниб олгач, учинчисини тутатдим.

Кейин эса ёткоҳонага ўқдек учиб кирдим ва завқ билан кийим шкафини пачоқлашга тушдим. Уни синдиригач, каравотга ўтдим. Тўшак ва чойшабларни бурда-бурда килгач, хона ўртасига ўтдим-да қилган меҳнатимнинг “ҳосили”ни томоша қилдим.

Шу лаҳзада эшик қўнгироғи жиринглади.

– Агар бу яна жаноб Семпсон бўлса, – дедим ўзимга ўзим, –унга ўзинг ёрдам бер, эй Худо!

Яна жиринглаган овоз эшитилди. Менимча, эшигимиз қўнгироғининг овози жудаям баланд эди. Қизик, нима учун буни илгари пайқамаган эканман.

Эшикка етиб боргунимча қўнгироқ яна бир марта жиринглади. Ташқарида турган кимсага бақиришдан ўзимни зўрга тутиб қолдим. Эшик туткичини ушлаганимда ўзимни анча босиб олгандим.

Яшил кийимли жуссаси кичкинагина қиз қўлида пишириклар солинган кути билан турарди.

Шу лаҳзада мен ҳаёт жудаям мураккаб ва шафқатсиз эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

– Биз ҳамма нарсани сотиб олдик, қизалғим, – дедим ва эшикни секин ёпдим.

Шу пайт телефон жириングлаб қолди.

Мен эшик кесакисига суюнганча хаёлга эрк бердим. Бу менга ёқди, лекин айни пайтда вакт ўтиб бораётганини тушуниб турадим. Лаънати телефон тинмай жирингларди. Гўшакни кўтармагунимча у жиринглашдан тўхтамайди. Агар дарҳол олсам, лаънатининг овози ўчади.

Яхши фикр. Анчадан бери миямга яхши фикр келмай кўйганди. Мен бориб гўшакни кўтардим.

– Салом, қўшни! – қичқирди аллақандай эркак. – Мен “Кунлик кўнгилочар дастур”дан Денг Ўтулман. Бош қичкирувчи бўлишни истайсанми?

– Нима?

– Кўшни, наҳотки ҳеч нарсадан хабаринг йўқ? Бу ажойиб радиоўйин-ку! Ҳамма фақат шу ҳақда гапиряпти! Демак, агар сен ҳаммадан баланд қичқирсанг....

У бир нарсалар деб валаклаб кетди, лекин мен уни эшитмасдим. Гўшакни қўйиб қўйдим.

Мен яна битта сигарет чекмоқчи бўлдим, аммо вактида ўзимни тўхтатдим. Кейин эса ўзимни босиб олишга, фикримни бир жойга йиғишга ва вазиятни таҳлил қилишга уриндим.

Уйда менинг оғир нафасимдан бошқа ҳеч қандай товуш эшитилмасди.

Бир оз ўзимга келгач, полиция кўз ўнгида намоён бўлиши керак бўлган манзарага кўз ташладим. Ошхонада хотинимнинг жасади, қолган хоналар остин-устин қилиб ташланган. Энди ошхона эшиги кулфини бузсам бўлди эди.

Бу ёғига режамни амалга оширишим учун бошқа ҳеч нарса тўсқинлик қилолмасди. Мутлақо ҳеч нарса.

Ошхонага етай деганимда кутилмаганда режам амалга ошмаётганини тушуниб қолдим. Ҳаётнинг ўзи менга қарши фитна тайёрлаб қўйганини англаб етдим. Ва Жениснинг ҳаёти даҳшатли азоб-уқубатдан иборат бўлганини, у пул сарфлаш орқали ўзини бу азобдан чалғитганини шу пайтгача сезмаганимни тушундим.

Ошхона эшиги олдида атрофга қулок солдим ва “эшик қўнғироғи ёки телефон жиринглаб қолмасмикин” деган ўйда бирпас туриб қолдим. Аммо ҳаммаёқ жимжит эди. Шунда эшикни очдим.

Бирдан ортимга ўгирилдим. Ортимда қўлида чинни идиш ушлаганча қўшни кампир турарди.

У менга ҳайратланиб қаради, кейин эса нигоҳини ошхонада ётган жасадга бурди. Унинг кўзлари катта-катта очилди, чинқириб юборди, қўлидаги идишни ташлаганча ортига бурилиб қочди.

Унинг чинқириғидан жойимда қотиб қолдим. Мен худди сехрлангандай унинг қўлидан тушиб кетган идишга қараб турардим. Менга у ерга етиб боргунча худди соатлар ўтаётгандай туюлди. Идиш ниҳоят ерга тушиб парча-парча бўлиб кетди.

Менинг ҳам оёқларим букилди ва деворга суянганча ерга ўтириб қолдим.

Кейин эса жойимда ўтирганча ҳаммаси тугашини кутдим. Бу пайтда уйимга турли одамлар келиб-кетишиди – аҳолини рўйхатга олиш хизмати ходими ва почтачи; кирхона хизматчиси ва темир йўл компанияси ходими; кимёвий тозалаш хизматидан ва маҳаллий мерликка номзод; макалатура излаб юрган бир гурӯҳ ёшлар; хайрия учун пул йиғиб юрган қари аёл ва колледжга кириш учун пул тўплаш мақсадида журнал сотиб юрган йигитча; манзилда адашиб колган беш-олтита йигит ва полициячилар...

*Рус тилидан  
Дилшодбек Асқаров таржимаси*

– Ҳаммаям мұхаббатини изхор этиш учун ўн бир йилни ўтказиб юборавермайды, – деди Аликс асабийлашиб.

Йигит оқариб кетди.

– Мен сени бириңчи учратган күнимдан бери яхши күраман. Сен мени севсанг керак, деб ўйлардим.

– Мен ҳам шунақа деб ўйлаган әдим, – иқрор бўлди Аликс. Энди ўйлаб қарасам, мұхаббат ҳакида кўп нарсанъ билмас эканман. Дик аввал ялинди, ёлворди, ҳатто дўк-пўписа ҳам қилиб кўрди. Унинг ўрнини эгаллаб олган кимса билан ҳам талашиб-тортишди. Ўшанда Аликс яхши биламан, деб ўйлаган одамнинг ташки сиполиги остида яшириниб келаётган туйғулари туғёни уни ҳайратда қолдирди.

Аликс қүёшли тонгда дарчага суяңганича ўша сухбатни ёдга олди. Унинг турмуш курганига бир ой тўлган, ўзини беҳад баҳтиёр хис этарди бояқиш. Факат, ҳозиргини жонидан ортиқ кўргани, эри уйдан чиқиб кетгач, у ўзини тушуниксиз безовталиқ комида хис этди. Бу ҳаловатсизлик боиси эса, Дик Виндифорд эди.

У эрга текканидан бери уч марта айнан бир хил туш кўрди: Эри ўлиб ётганмиш, унинг тепасида Дик тиржайиб турармиш. Жувон эрининг қотили у эканини ани билармиш. Энг даҳшатлиси у эрининг ўлимидан хурсанд эмиш. Миннатдорчилик юзасидан эрининг қотилини табриклармиш. Туш ҳамиша бир хил, Дик аёлни ўз оғушига олиши билан тугарди.

Телефоннинг кўккисдан жиринглаши билан аёлнини хаёллари бўлинди. У уйга кириб гўшакни кўтарди.

– Нима дедингиз? Ким бу гапираётган?

– Аликс, овозингта нима қилди? Мен сени танимабман. Бу мен Дикман.

– Қ... қаердан телефон қиляпсан?

– “Сайёҳ тугроси” меҳмонхонасидан. Оти шунақа эди, шекилли. Сен шунақа меҳмонхона ҳакида эшитганмисан?

Мен факат дам олиш кунлари бу ерга балиқ овига келгандим. Бугун сизларникига борсам майлим?

– Йўқ, – деди Аликс қатъият билан. – Келмасанг яхши бўларди.

Жимлик чўкди. Дик яна тилга кирганида овози бошқачароқ чиқди:

– Илтимос, кечир мени, – деди совуқ оҳангда. – Энди сени умуман безовта қилмайман.

Аликс шошганча унинг гапини бўлди. Унинг бу муомаласи йигитта эриш туюлди чоғи. Чиндан ҳам ғалати гапириб кўйди-да. Шу боис аёлнинг асаблари чақнаб кеттандек бўлди.

– Мен факат.. айтмоқчийдимки... биз бугун банд бўламиз... – У ўз гапини янада табиийрок кўрсатишга тиришди. – Яххиси эртага кечки пайт кела қол.

Бирок Дик унинг овозидаги иносавимийликни дархол илғаб олди.

– Раҳмат, – деди бояги оҳангда. – Эртага бирор ёққа кетиб қолишим мумкин. Бу якин танишимнинг эртага келиш-келмаслигига боғлиқ. Хайр, Аликс, – у шоша-пиша бошқача товушда қўшиб кўйди, – баҳтли бўл, азизим.

Аликс гўшакни жойига кўяркан, енгил тин олди. “У бу ерга келмаслиги керак. Бу ерга келмаслиги керак, – дея ичида бир неча марта такрорлади. – Нақадар ахмоқман. Наҳот унинг келишини хоҳлаётган бўлсам? Йўқ, у келмаса мен хурсанд бўламан”.

У стол устида турған оддийгина шляпасини бошига илиб, яна бокқа чиқди-да, уйга кираверишда илиб қўйилган лавҳага кўз ташлаб қўйди: “Булбул ошиёни”.

– Жуда ғалати ном эканми, – дея сўраган эди у тўйдан илгари Жералддан.

– Асалим, – дея эркалаган эди у ўшанда эри. – Аминманки, сен шу пайтгача булбул хонишини эшифтмагансан, мен эса бундан хурсандман. Булбуллар

факат ошиқ қалблар учун куйлайдилар. Энди кечкурунлари билан булбул фигонини сен билан бирга эшитамиз.

У эшик олдида түхтаб булбул лаҳнини эшитган ва баҳтдан сархуш бўлган илк оқшомни ёдга олди.

“Булбул ошиёни”ни топган ҳам Жералднинг ўзи эди. Бир гал у ҳовлиқиб келган ва ўzlари учун зарур бошпанани топганини, бунака имконият ҳаётда бир марта берилиши мумкинлигини айтган эди. Уйни кўриб Аликс ҳам бунга амин бўлди. Рост, қоқ ялангликдаги уй билан бу орадаги энг якин қишлоқ орасидаги масофа камида икки мил чиқар, бироқ эскича услубда тикланган уйда ваннахона, иссиқ ва совук сув, электр, телефон каби зарур қулайликлар бор эдикни, Аликс буларга маҳлиё бўлиб, бошқа турар-жой ҳакида ўйламай ҳам қолди. Бироқ орада битта муаммо чикиб қолди – уйнинг эгаси уни ижарага бериш фикридан қайтиб қолди, факат нақд пулга сотишини айтди.

Жералд Мартиннинг топиш-тутиши яхшигина бўлса-да, ўзининг асосий сармоясига қўл теккизишни истамади. У нақд қўлга олиши мумкин бўлган сумма минг фунтни ташкил этарди. Уйни эса уч мингга баҳолашди. Аликс уйни жуда ёқтириб қолгани учун Жералдга кўмаклашмоқчи бўлди. У чек орқали ўзига тегишли пулни нисбатан осонроқ олиши мумкин эди. У ўз маблағининг teng ярмини уйни сотиб олишга ажратди.

Хуллас, уй уларники бўлди, Аликс эса бундан сира ҳам афсусда эмасди. Тўғри, эрининг қайсарлиги, ўзбошимчалиги хизматкорларга ёқмади, уларнинг ҳаммаси бу уйда кетиб қолишиди. Уй ишларини анча соғиниб колган Аликс эса, жон-жон деб бу юмушларни ўз зиммасига олди. Боғдаги анвои гулларни парваришлаш учун якин орадаги қишлоқда яшовчи кекса бир боғбон ҳафтада икки марта келиб турарди.

Уй тарафга қараб келаётган Аликс гулларга қараб юрган боғбон чолни кўриб ажабланди. У асосан, душанба ва жума кунлари келарди, бугун эса – чоршанба.

– Жорж, бу ерда нима қиляпсиз? – сўради унга яқинлашиб.

Чол қаддини ростларкан, пихиллаб кулди ва эски кепкасини тўғрилаб қўйди.

– Шуни сўрасангиз керак, деб ўтирувдим ўзим ҳам, бекам. Жума куни кудамиз зиёфат бергич эди. Ўзимча, жаноб Мартин ва унинг муҳтарама рафиқаси бир гал жума ўрнига чоршанба куни бориб ишлаб берсам, қарши бўлмаслар дедим.

– Албатта, – деди Аликс. – Ўзиям мириқиб кўнгил ёзсангиз керак?

– Бу аник, – деди чол соддалиқ билан. – Пулинни тўламаслигингни била туриб, тўйгунча еб-ичиш кимга ёқмайди? Айтганча, бекам, сиз кетиб қолгунингизча бошқа кўришмаслигимиз мумкин, менга бирор зарур топшириғингиз бўлса айтиб қўйинг, демокчи эдим. Ҳали қачон кетишингиз маълум эмасми?

– Мен ҳеч қаерга кетмоқчи эмасман.

– Ие, ҳали эртага Лондонга жўнаб кетмайсизларми? – ажабланди Жорж.

– Йўқ, бу гапни қаердан топдингиз?

Жорж елка қисди:

– Мен кеча кишлоқда хўжайнини учратиб қолдим. У эртага сиз билан Лондонга учиб кетаётганини айтди. Қачон кайтишимиз номаълум, деди.

– Шунга шунчами, – кулди Аликс. – Сиз унинг гапини бошқачароқ тушунган бўлсангиз керак.

У аслида Жералд ҳақиқатда чолга нима дегани билан астойдил кизиқаётганди. Лондонга бориш? У шу пайтга қадар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганди.

– Лондонни кўргани кўзим йўқ, – унинг оғзидан бехос ана шу сўзлар учди.

– А-а, мен чиндан ҳам уни бошқачароқ тушунган бўлсан керак, – деди хотиржам товушда Жорж. – Лекин у аник шунақа девди-да... Барибир сиз шу ерда қолаётганингиз учун ҳам хурсандман. Очиги, Лондон менга ҳам ёқмайди. У ерга бориб нима киламан. Ҳозир у ерда машиналар шунақа тикилиб кетган, дейишади. Ўзи одам машина олиши билан бир жойда тургиси келмай коларкан. Ана, менинг аввалги хўжайиним мистер Эймс, машина олмасидан аввал ажойиб, оғир-босиқ одам эди. Бир ой ўтмай уйини сотар бўлди. У уйни таъмирлади, ҳар бир хонага электр, газ, телефон олиб кирди. Унга бунча харажат ўзини қопламайди, десам, у “биласанми, мен бу уйни нақ икки минг фунтта пуллаляпман”, деди. Мана, айтганича бўлди.

– У уйини уч мингга сотди, – дея чолнинг гапини тўғрилади Аликс.

– Икки минг, – қайтарди Жорж. – Бу ҳакда неча марта эшитганман. Ҳамма биларди буни.

– Мен биламан-ку, уч мингни санаб берганмиз, – дея гапида туриб олди Аликс.

– Аёллар хисоб-китобда нўнокрок бўлишади, – деди Жорж ҳам қайсалик билан. – Сиз мистер Эймз айнан уч минг фунт сўраганини исботлай оласизми?

– У мен билан эмас, эрим билан савдолашган.

Жорж яна гуллар устига эгилди.

– Уй икки мингта сотилган, – дея ўз гапида маҳкам туриб олди.

Аликс у билан бошқа баҳслалиб ўтирмади. У узокроқдаги гуллар тури олдига бориб гулдаста тузабошлади. У гулларни бағрига босиб, уйга қайтаркан, йўлда, барглар орасида аллақандай тўқ-зангори рангли нарса ётганини кўрди. Авайлаб қўлига олди. Эрининг қайд дафтарчаси экан. Қизикиш билан очиб ўқишига тутинди.

Аликс тўйнинг ilk кунлариданоқ эрининг ўта хиссиётчан, табиатан қатъиятли ва фавқулодда тартибсеварлиги билан бошқалардан ажралиб туришини пайқаб олганди. Улар биргаликда овқатни ҳам айнан бир вақтда ейишар, у ҳар бир кунда қилинадиган ишлари учун ўз вақтини аввалдан тартиб билан ажратиб кўярди.

У дафтарчани варакларкан, мана бу ёзувларни ўқиб кулгидан ўзини тутиб туролмади: “Аликс билан никоҳ. Авлиё Пётр черкови, соат 2.30”

“Жиннивой”, деди жилмайиб Аликс бошқа саҳифани очаркан. Мана бугунги сана. Жералд хуснихат билан ёзганди: “Кечқурун, соат 9.00”. Шундан бошқа ҳеч гап ёзилмаган. “Кизик, у бугун соат тўккизда нима қилмоқчи экан?” ажабланди Аликс. “Агар Жералд бирорта аёлга илакишиб қолган дея гумон килинса, бу маҳфий дафтарчада бирор белги-аломат топиларди”, ўйлади Аликс сирли кулимсираб. Бироқ унда бирорта бегона аёлнинг исми битилмаган эди. Аликс эринчоқлик билан дафтарчанинг қолган бетларига ҳам қараб чиқди: аллақандай саналар, тушунксиз белгилар ва биргина исм – Унинг исми битилган эди бу ерда. У дафтарчани киссасига солиб уйига кириб кетди. Бироқ шу аснода унинг юрагига аллақандай хавотир оқиб кирганини ҳис этди. Кулоги остида Дикнинг гаплари аниқ-тиник такрорлангандек бўлди:

– У сенга етти ёт бегона-ку? Ахир, сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан-ку?

Рост. У ҳақда илгари ҳеч нарса билмасди-ку? Жералдинг ёши кирқда. Шу пайтгача бирорта аёл билан бирга бўлмаганлигига ким кафолат беради?

У булар ҳакида ўйлашни истамасди. Ҳозир бундан ҳам зарур ишлари бор эди. Дик Виндифорднинг кўнғироғи ҳакида эрига айтсамикин? У кишлоқда Жералд билан учрашиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шунда эри уйга кайтганида ўзи бу ҳақда гап очиб қолса, мушкулот ўз-

ўзидан ҳал бўлади. Очиги бу ҳақда Аликснинг ҳам эрига ҳеч нарса дегиси йўқ. айтгудек булса, эри Дикни меҳмонга чақиришдан ҳам тоймайди. Унақада Дикнинг ўзи келмоқчи бўлгани, Аликс эса бунга рўйхушлик бермаганини тан олиши керак бўлади. Жералд хотинидан бунинг боисини сўраб қолса нима бўлади? Анави алмойи-алжойи тушини айтиб берадими?

Хуллас, у хижолатдан қийналиб, охир-оқибат эрига бу ҳақда оғиз очмасликка қарор килди. Бу унинг эридан яширмоқчи бўлган биринчи сири эди.

Кечки овқат маҳали якинлашаётганда, у эрининг қайтаётганини эшлитиб, ўзининг хавотир ва ҳадигини яшириш максадида емак тайёрлашга уннаб кетди.

Афтидан у қишлоқда Дик билан кўришмаган эди. Аликс хотиржамлик баробарида алланечук нокулайликни ҳам ҳис этди. Ифорли оқшом ҳавоси оқиб кираётган дераза олдидағи эман стол атрофида икковлон кечки овқатни тановул қилиб бўлишгач, Аликс ҳалиги дафтарчани эслатди.

– Эрталаб гуллар орасидан топиб олдим, – деди у қўлидаги буюмни эрининг тиззасига ташларкан.

– Боғда тушириб кодирган бўлсам керак-да!

– Ҳа, энди сенинг анча-мунча сирларингни билиб олдим.

– Ҳеч қандай гуноҳим йўқ – дея бош чайқади Жералд.

– Бугун кечқурун соат тўққизда ким билан учрашмоқчи эдинг?

– Ҳа, гап буёқда дегин? – у аввал бироз довдираб қолди, бироқ шу заҳоти бирорта кулгили воқеани эслагандай илжайиб кўйди. – Жуда чиройли бир қиз билан учрашувимиз бор эди – Аликс билан. Унинг соchlари худди сеникидек кўнғирранг, кўзлари мовий.

– Тушунмадим, – деди Аликс ясама жиддият билан. – Нега гапни айлантиряпсан?

– Йўқ, биласанми, бугун бир-иккита негатив суратларимни окка кўчиришим керак эди. Шуни эсимдан чиқармаслик учун ёзиб кўйгандим. Унда сенинг ҳам ёрдаминг керак. Жералд Мартин ҳаваскор сураттир ҳам эди. Унингт эскироқ услубдаги, аммо ўткир линзали фотоаппарати бор эди, суратларни фотолаборатория вазифасини ўтайдиган ертўлада окка кўчиради.

– Шу ишни айнан соат тўққизда қилиш шарт эканми, – сўради Аликс ишончсизлик билан.

– Жонгинам, – деди унинг овози бироз титраб, – биласан, мен ҳамма вақт пухта режа асосида ишлайман. Шунда ҳамма ишлар ўз ўрнида бўлади.

Аликс анчагача эрига қадалиб жимгина ўтиради. Эри стул суюнчиғига суюнганича сигарет тутатди. Унинг ҳафсала билан қиртишланган юzlаридағи узун-узун чизиклар ғирашира ёруғда ҳам яққол кўриниб турарди.

Куттилмаганда аёлни мавхум бир ваҳима ўз исканжасига олди ва ичидан бир савол ёриб чиқди:

– О Жералд, сен ҳақингда кўпроқ, кўпроқ нарса билишни истайман.

Эр ажабланиб хотинига ўтирилди:

– Азизим, Аликс. Ахир мен ҳакимда ҳамма нарсани биласан-ку? Сенга Нортумберлендда кечган болалигим, Жанубий Африкада яшаганим, кейин ўн йил Канадада умгузаронлик қилганим ва ўша ерда ўзимга яраша бойлик ортирганим ҳақида сенга айтиб берганман.

– Бор йўғи шу холосми, – сўради Аликс илжайиб.

– Ҳа-а, сени нима қизиктираёттанини билдим, – дея куттилмаганда қах-қах уриб юборди Жералд. – Сиз аёллар ҳаммангиз бирсиз. Сизни бирорвнинг шахсий ҳаётидан бўлак нарса қизиктирмайди.

Аликс томоғи куриёттани ҳис этди ва паст овозда ғудранди:

– Ахир, сен шу пайттача барибир бегона аёллар билан бўлгансан-ку? Мен айтмоқчи эдимки... агар билганимда эди...

Жим қолди. Жералд қовоғини уйди:

– Аликс, сен ҳалиги... “Кўк соқол хосхонаси” ҳакида эшитганмисан? Тўғри, мен шу пайттача, аёллар билан бўлганман. Буни тан оламан. Инкор этганимда ҳам барибир ишонмаган бўлар эдинг. Бирок онт ичиб айтаманки, улар менинг қалбимда сенчалик чуқур ўрнашиб олмаганди.

Унинг овозидаги самимият оҳанги Аликсни бироз тинчлантириди.

– Кўнглинг жойига тушдими? – сўради жилмайиб Жералд.

Дафъатан унинг нигохida недир қизикувчанлик аломати зуҳур этди.

– Нимага бугун ғалати нарсалар ҳакида гапириб қолдинг?

– Ўзим ҳам билмайман. Кун бўйи асабийлашиб юрдим.

– Қизик, – деди Жералд ўзига-ўзи гапиргандек яrim овозда. – Жуда қизик.

– Нимаси қизик?

– Асалим, нега менга бунақа қарайпсан. Шуниси қизикки, сен илгари жуда беғам ва эркатой эдинг. Бугун бунақа...

Аликс зўрма-зўраки илжайди:

– Атайн қилгандай бугун ҳамма нарса менинг асабимга тегяпти. Анави қари Жорж ҳам эрталабдан Лондонга қачон кетасизлар, деб ғашимга тегди. У бу гапни сендан эшитганмиш.

– Сен уни қаерда кўра қолдинг? – Жералднинг овози туйкус жаранглаб чиқди.

– У бизникига бугун жума кунининг ўрнига ишлагани келибди.

– Лаънати қари тўнка, – деди Жералд тишларини ғижирлатиб.

Аликс Жералднинг афти ғазабдан бужмайиб кетганини кўриб ҳайрон бўлди. У эрини ҳечам бу киёфада кўрмаганди. Аёлнинг нигоҳидаги таажжубни кўрган Жералд дарров изоҳот беришга ўтди:

- Чиндан ҳам чолнинг эси оғиб қолганга ўхшайди.
- Ахир, сенам бирор нарса дегандирсанки, у...
- Менми? Ҳеч нарса деганим йўқ. Ҳа, дарвоке.. Ҳалиги...

Бўлди-бўлди, эсладим. Мен унга ҳазиллашиб Лондон боряпмиз, девдим, у овсар чин деб ўйлаган. Эҳтимол, нотўғри эшитгандир. Сен унга тушунтиргандирсан?

– Ҳ-ҳа.. Лекин у эшитганини қўймайдиган қайсар чоллар тоифасидан экан.

Аликс эрига Жоржнинг уй икки минг фунтга сотилган, деб туриб олганини ҳам айтиб берди. Жералд бир муддат жим қолди-да, пастак овозда шивирлади:

– Эймс икки мингни олдиндан санаб олди. Колган минг фунтни кейинроқ тўғрилаб берадиган бўлдим. Чол мана шу ерида янглишган кўринади.

– Мана, ҳаммаси ойдинлашди, – деди Аликс енгил гортиб. – У шундай дея деворга илинган соатга имо қилди, – Энди ишга киришсак ҳам бўлади. Беш дақика кечикибмиз ҳам.

Жералднинг юзида тушуниксиз табассум қалқиди:

– Мен ўйлаб кўрдим, – деди хотиржам товушда. – Бугун сураткашлик билан шуғулланмасак ҳам бўлади.

Аёл табиатан ўта қизикувчан. Аликс ухлагани кетаётганида хотиржам ва бехавотир эди. Унинг баҳти узра соя солаётгандек кўринган булутлар тарқалиб кетгандек эди гўё. Бироқ эртаси кечкурун у баҳтига яна кимдир, нимадир кўланка ташлаётганини ҳис этди. Дик Виндифорд бошқа кўнғироқ килмаган бўлса-да, назарида ундаги саросиманинг сабабчиси ҳам ўша эди. Унинг гапларини қайта-қайта эслади: “Бу одам сенга етти ёт бегона-ку! Сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан!” Шу чоқ унинг ёдига эрининг кечагина

айтган гаплари тушди: “Кўк соқол хосхонаси ҳакида эшитганмисан?” У бир пайлар ўта сирли, бешафқат ва айёр хотинбоз – Кўк соқол ҳакидаги эртакни болалигига ўқиганди. Ҳозир эри нега уни эсга олди? Бу билан менинг шахсий ҳаётимга аралашма, оқибати ёмон бўлади, демокчими?

Жума куни эрталаб, Жералд зўр бериб яширишга тиришаётган бошка аёли – “Кўк соқол хосхонаси” борлигига амин бўлди. Юрагида секин-секин уйғонаётган рашк уни тамомила маҳв эта борди. Ўша куни соат тўққизда у учрашув белгилаган! Сурат ишлаш эса, шунчаки ўйлаб топилган баҳона, холос.

Бундан уч кунча илгари у эрини ипидан-игнасигача билишига онт ичиши мумкин эди. Бугун эса, эри унга мутлақо нотаниш одам бўлиб кўриняпти. Унинг кекса Жоржга нисбатан уйғонган ўринсиз қаҳрини эсга олди. У аввалги қувноқ ва самимий Жералдга ўхшамай қолганди. Чиндан ҳам Аликсни ғафлат босгандир? Эҳтимол ҳакиқатан у эрининг кимлигини умуман билмас?

Жума куни у ул-бул харид қилиш учун қишлоққа бориши керак эди. Бу ҳакда Жералдга айтганида, эри мутлақо рад жавобини берди ва унинг боғда қолишини, қишлоққа ўзи бориб келишини айтди. Бу ҳам аёлнинг таажжубини ошириди. Қизик, нега эри унинг қишлоққа боришига тиштироғи билан қаршилик кўрсатяпти?

Балки Жералд унга бир оғиз гапирмасдан бориб Дик билан учрашиб келмоқчидир? Ахир Аликснинг шу пайтга кадар мудраб ётган рашки ҳам ҳозиргина уйғонди-ку? Жералдни ҳам шу туйғу қийнаётган бўлиши мумкин эмасми? Эри унинг Дик билан қайта учрашмаслиги учун қишлоққа юбормаётган бўлса-чи? Ана шу фикр аёлни бир мунча овунтирди, шубҳали ўй-хаёлларини нарирок сурди.

Вакт ўтгани сари бесар гумонлар яна уни қисти-бастига ола бошлади. У ана шу бемаъни ҳислар қуршовидан чиқиш

учун ўзини иш билан овунтирмоқчи бўлди. Кўлига латта олиб эрининг хонасини йиғиштиришга кириб кетди.

“Қанийди ишончим комил бўлганида, ҳамма азоблардан кутулар эдим”, дея шивирлади ўзига-ўзи.

У фақат иккита қутини қарай олмади: биттаси пастдаги ғаладон, иккинчиси ёзув столининг чап тарафида турган кичкина қутича. Аликс айни чоғда ҳеч нарсани мулоҳаза қилиб ўтирмади. У ана шу икки қутининг бирида эрини фош этиши мумкин бўлган ашёвий далил топилишига умид киларди. Шу аснода эри ўзига тегишли калитларни буфетнинг пастки тортмасига кўйишини эслади. У калитларни келтириб сандикчаларга солиб кўра бошлади. Учинчи калит ёзув столидаги сандикчага тўғри келди. Аликс ҳаяжондан қўллари қалтираб уни очди. Унда пуллар солинган қопчик турар, сандикнинг орқа бўлмасидан бир боғлам мактуб чиқди. Аликс нафаси тикилгудек бўлиб, тасмани ечди. Унинг юзлари шу заҳоти уятдан ловуллаб кетди ва хатларни жойига кўйиб тезгина қутини беркитди. Бу хатларни Жералдга тўйга қадар унинг ўзи ёзганди. У энди ғаладонга ёпишди – Жералдга нисбатан шубҳалари тамомила барҳам топгунча ҳамма нарсага тайёр эди. У кидирмокчи бўлган жойидан бирор нарса чиқишига кўзи етмаса-да, ҳамон асабий титроғи босилмаганди.

Аксига олиб, бирорта ҳам калит бу сандикقا тушмас экан, кўнгли ҳамон типирчилаб турган Аликс бир зум қайсиdir хонадан яна бир шода калит топиб келди. Ниҳоят, комод очилди. Бироқ у ерда ҳам вақт ўтиб, сарғайиб кетган, чанг-ғубор босган газета парчаларидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Аликс енгил хўрсинди. Уни энди фақат бир нарса – неча йиллардан бери сакланиб келаётган газет қийқимларигина кизиқтиради. Уларнинг деярли бари анча йил илгари чоп этишган Америка газеталаридан киркиб олинганди. Бу парчаларда ашаддий хотинбоз ва фирибгар Чарлз

Леметринг кирдикорлари ҳакида ёзилганди. Уларда айтилишича, Леметр ўз тўрига илинган аёлларни ўлдиришда айбланаётганди.

У ижарага олган уйнинг поли остидан аёл кишининг гавда суяги топилган, у “уйланган” аёллар ҳакида кейинчалик ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган.

У ўзига билдирилган айбловдан устомонлик билан химояланиш мақсадида АҚШнинг энг кучли адвокатларидан бирини ёллаб олганди. Шотландия ҳакамлик суди унинг ишини кўриб чиқиб, етарли асос топмагани боис, оқлашга мажбур бўлганди. Шу боис у асосий айбловдан эсон-омон қутулиб чиқди, бирок кичикроқ бир жинояти учун бир неча йил қамоқда ўтириб чиқди.

Аликс бу ҳакда эшитган, Леметр ҳақидаги шов-шувлар бир пайтлар Англияни ҳам таҳликага солган эди. Аёл бундан уч йил илгари Леметринг қаёққадир қочиб кетгани ҳакида ҳам эшитган эди. Уни тута олишмади. Бу мавхум кимсанинг шахси ва унинг аёллар устидан ваҳшиёна хукмронлиги узоқ муддат инглиз газеталарининг ҳам дикқат марказида турган эди.

Газета парчаларининг бирида Леметринг сурати босилганди. Аликс зиёлисифат соқол қўйган қонхўрнинг суратига анчагача дикқат билан тикилиб турди. У кимгадир ўхшаб кетарди. Бирдан унинг эсига Жералд тушди-ю, аъзори баданига қалтироқ югорди. Суратдаги одамнинг кош-кўзлари худди Жералдникidek эди. У сурат остидаги матнни ўкишга тутинди. Унда келтирилган айрим саналар Аликс тасодифан топиб олган дафтарчада қайд этилган рақамларга айнан мос тушардики, бу кунларни Леметр ўз курбонларини тинчтиши учун белгилаб қўйган эди.

Судда гувоҳ сифатида сўрок қилинган аёллардан бири ишонч билан қотилнинг чап билагида кичкина чандик борлигини айтган эди. Аликс қўлидаги қоғозларни

хаяжондан тушириб юборганини сезмади. Ахир Жералднинг ҳам худди чап билагида ана шундай чок бор эди-ку?

Бутун хона унинг назарида чархпалакдек айлана бошлади. Эс-ҳуши сал жойига келганида миясига урилган нарса шу бўлди: Жералд Мартин – бу Чарлз Леметр. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Худди жумбок суратнинг таркибий қисмлари сингари хотирасида айrim лавҳалар жонлана бошлади: уй учун тўланган пул... Бу пул уники, факат уники экан, эри ёнидан бир чақа ҳам қўшган эмас. Демак, кўрган туши ҳам бежиз эмас экан. Демак, у савқи табиий равишда Жералд Мартиндан хавфсираб, ундан халос истаб келган. Ва ёрдамни ҳам савқи табиий суратда Дик Виндифорддан кутган экан. Демак, у Леметрнинг навбатдаги курбони бўлиши лозим эди. Эҳтимол тез орада...

У дафтарчадаги “Чоршанба, кеч сат 9. 00” қайдини эслаб додлаб юбораёзди. Ёдига деворидан осонгина тош кўчириб олиш мумкин бўлган ертўла тушди. Демак, ҳаммаси кеча чоршанба кунига режалаштирилган. Лекин, тарки одат килинмай, бу фурсатни олдиндан ёзиб қўйиш... мантиқсизлик эмасми? Йўқ, ҳаммаси мантиққа асосланган. Жералд ҳамма нарсани аввалдан режалаштириб, белгилаб юрган. Қатл унинг учун шунчаки кўнгилхушликка ўхшаш оддий бир ишга айланиб қолган.

Бирок унинг устидан ўқилган ҳукм ижроси нима сабабдан орқага сурилди? Уни ким ёки нима кутқариб колган бўлиши мумкин? Энг сўнгти дақиқаларда?... Бўлди, эслади: Кекса Жорж! Нима сабабдан эри унинг номини эшитиши билан кўкариб кеттанини ҳам энди тушунди. Шаксиз, у режасини изсиз амалга ошириш учун пухта замин ҳозирлаган: кўзига кўринган одамга эртага Лондонга учамиз, деб юрган. Кутилмаганда Жорж боққа келиб колган, бу ҳақда Аликсни воқиф этган, аёл бу гапни инкор қилган ва ҳоказо. Ўша куни ҳукмни ижро этиш жуда

хатарли – чол аёлнинг галини эслаб қолган бўлиши мумкин эди. Демак, уни худонинг ўзи асрабди. Агар Аликс арзимасдек туюлган ўша сухбат ҳакида эрига оғиз очмаганида борми? Аликснинг эти музлаб кетди.

Ҳар дақиқка ғанимат эди. У эри келмай туриб бу ердан қочиб қолиши керак. Аликс шоша-пиша газет парчаларини жойига қўйиб, ғаладонни беркитди.

Аммо зум ўтмай у жойида қотиб колди. У дарчанинг гийқиллаганини, қадам товушларини эшитди: Эри қайтибди. Бир муддат Аликс ҳаракатсиз котди. Кейин у оёқ учиди юриб борди-да, парда ортидан ташқарига қаради. Чиндан ҳам эри. Илжайтганича аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб келарди. Аликс унинг қўлидаги нарсани қўриб қўркувдан юраги ёрилаётди. Яп-янги белкурак!

Аликс бу оқшом қандай мудҳиш фожиа содир бўлишига акли етди...

Бироқ кутулиб кетиш учун ҳали имкон бор эди. Жералд хиргойини ванг қўйиб уй тарафга бурилди. Аликс ҳам фурсатни бой бермай пастга отилди. Бироқ уйдан чиқмай туриб остоңада эри билан тўқнаш келди.

– Хелло, қаёқка шошиляптилар? – ажабланиб сўради Жералд.

Аликс ўзини ҳар доимгидек вазмин ва хотиржам тушишга тиришди. Ҳозир қочиб кетиш учун хеч қандай имконият йўқ, аммо сир бой бермай турса, бу имконият сал кечроқ туғилиши мумкин эди. Ҳатто, ҳозироқ...

– Мен манави сўқмок бўйлаб сайр қилиб келмоқчидим. Дарров қайтаман. – Аликс гаплари бироз сохта ва ишончсиз чиққанини сезди.

– Яхши, деди Жералд. – Мен ҳам сен билан бораман. – Йўқ, илтимос... шарт эмас. Жералд, мен... Бошим қаттиқ оғрияпти. Асабларим қақшаяпти. Бир ўзим бориб кела қолай.

Эри унга дикқат билан разм солди. Аёл унинг кўзларидаги шубҳани тезгина илғади.

– Нима бўлди сенга Аликс? Нега рангинг бунча оқариб кетган? Бунча қалтираяпсан?

– Ҳеч қиси йўқ. – Аликс бор кучини тўплаб табиийроқ жилмайишга тиришди. – Шунчаки, бош оғриғи-да! Битта айланиб келсам, ҳамаси ўтиб кетади.

– Сен ўзингни мендан опқочишга беҳуда уриняпсан, – тўнгиллади Жералд тиржайиб. – Хоҳлайсанми-йўқми, сен билан бирга бораман.

У қаттиқ туриб олмади. Агар эри унинг ҳамма нарсадан хабардорлигини билиб қолса, борми? У минг мاشақкат билан ўзини қўлга олишга ва одатдагидек сокин тутишга ҳаракат қилди. У саросима ичида эрининг унга тез-тез шубҳали кўз ташлаб қўяётганини сезди.

Улар уйга қайтишганида, эри уни ётишга кўндириди ва одеколон келтириб, хотинининг чаккасини артиб кўйди. У ҳар доимгидек меҳрибон ва самимий эди. Аёл ўзини худди жаҳаннамга қулаб кетаётгандай ожиз ва бечора ҳис этди.

Эри уни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмасди. Ҳатто, ошхонадан Аликс сал илгари тайёрлаб қўйган оддийгина кечки овқатни олиб келишга кетганида ҳам эри унинг кетидан қолмади. Дастурхон атрофига Аликснинг томогидан бирор лукма таом ўтмаса-да, ўзини мажбурлаб ул-бул нарса еган бўлди, ўзини имкон қадар кувноқ ва тетик тутишга тиришди. У айни чоғда хаёти учун курашаётганини биларди. У ҳозир ўз кушандаси билан юзма-юз турар, ҳеч каердан нажот кутиб бўлмас, кишлоқ эса бу ердан бир неча мил олисда эди. Факат биргина йўл бор эди, вактинча бўлсада, эрининг шубҳаларини ўлдириб, уни бир неча дақиқа ёлғиз қолдириш учун замин яратиш. Бу пайтда у залга тушиб телефон орқали нажот сўраши мумкин эди, холос.

Иттифоко, бошқа тарафдан халос топиш умиди туғилди. Шу онда у биринчи марта Жералднинг ўз фикридан кай

тариқа қайттани ёдига түшди. Бугун уларни киға Дик Виндифорд келмөкчи эканини айтса, нима бўларкин? У эндигина шунга оғиз жуфтлаганида, нимани дир ўйлаб, фикридан қайтди. Бу кимсага икки карра халақит бериш кийин. Унинг зохирий осудалиги замирида қандай айёrona сергаклик яширингани маълум. Бу гали билан аёл жиноят фурсатини янада яқинлаштириши мумкин. У шу заҳоти Аликсни ўлдириб, Дикка қўнғироқ қилади ва бамайлихотир шошилинч жўнаб кетяпмиз, деб айтиши ҳам мумкин. Эҳ! Ростдан ҳам Дик келиб қолсами эди?.. Шу топда унинг миясига ажойиб фикр келди. У фикримни кўзимдан ўқиб қолмасмикин, дея қўрқа-писа эрига караб қўйди. Унинг қалбida умид шуъла соча бошлагач, вужудига жасорат ва гайрат оқиб кирганини пайқади. У шу қадар осуда тусга кирдики, ўзи ҳам ҳайрон қолди.

У қаҳва қайнатиб, эр-хотин ҳар доим кечки пайт очик ҳавода гаплашиб ўтирадиган айвончага олиб келди.

– Айтганча, – деди қўккисдан Жералд. – Бугун сен билан сал кейинрок сурат ишлаймиз, бўлтими?

Аёлнинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди, бирок бефарқ овозда гап қотди:

– Бир ўзинг қилсанг бўлмайдими, шу ишни? Бугун анча чарчаган кўринаман.

– Ишимиз узокка чўзилмайди, – дея совуқ тиржайди Жералд. – Айтганча, сени ишонтириб айтаманки, ишимиз биттач, чарчоқни мутлақо ҳис этмай қоласан.

Бу гали унинг ўзига ҳам нашъа килиб кетди. Аликс бир қалқиб түшди. У ўз режасини ё ҳозир амалга ошириши мумкин ёки ҳеч қачон.

Шартта ўрнидан турди.

– Қассобга телефон қилишим керак, – деди беписандлик билан. – Унгача шу ерда ўтириб тур.

– Қассобга? Шу маҳалда-я?

– Жинни, ҳозир магазин аллақачон ёпилиб бўлди. Қассоб эса уйида бўлади. Эртага шанба. Тўқмокланган бузоқ гўштини бошқалар илиб кетмасдан буюртма бериб кўйишим керак. Бечора чол мени жудаям ёқтиради.

У шип этиб хонасига кириб кетди ва эшикни ёпиб олди. Орқадан эрининг “Эшикни очик қолдир”, деганини эшитди ва совуққонлик билан жавоб қайтарди:

– Очик эшикдан чивин учиб киради. Чивинни кўргани кўзим йўқ. Тентаккинам, сен ҳали мени ўша қассоб чол билан шакаргуфторлик қилади, деб ўйляяпсанми?

У хонада ёлғиз колиши билан “Сайёҳ тутроси” меҳмонхонасининг рақамини терди. дарров туша қолди:

– Бу мистер Виндифордми? Бошқа? Нима у кетиб қолдими? Уни чакириб бера олмайсизми?

Шу пайт унинг юраги кинидан чиқаётди. Эшик очилиб эри кириб келди.

– Чикиб тур, Жералд, – деди ранжиган товушда. – Телефонда гаплашаётганимни бирор эшитмасин, дейман.

Жералд кулимсираб стулга ўтирди:

– Ўзи ростдан ҳам қассоб билан гаплашаяпсанми?

Аликс қаттиқ ҳаяжонда эди. Унинг режаси барбод бўлганди.

Ҳозир Дик гўшакни олади. Балки таваккал килиб телефондан ёрдам сўраб қичқирсами? У асабийлашиб телефон ричагини бир кисиб, бир бўшата бошлади. Шу паллада унинг калласига янги фикр туғилди. Ричагни босиб турса, овоз нарига тарафга эшитилмайди.

“Бу ишни амалга ошириш жуда қийин бўлса керак, – ўйлади у. – Мен ўзимни факат қассоб билан гапираётгандек тутишим, ҳаяжонга берилмаслигим керак. Бу иш менинг кўлимдан келади, ишонаман”.

Шу чоқ гўшакдан Дикнинг овози эшитилди. У чукур нафас олиб ричагни бўшатганча гапира бошлади:

– “Булбул ошёни”дан миссис Мартин галирятти. Илтимос тезроқ етиб келинг. (Ричагни маҳкамасиб) эртага эрталаб олти бўлак яхшилаб тўқмоқланган бузоқ гўшти опкелинг. (Ричагни бўшатиб) Келишинигиз шарт. (Яна ричагни қисиб) Ташаккур сизга мистер Хексуорси. Ўйлайманки, бунча кеч кўнғироқ килаёттанимдан ранжимасангиз керак. Котлетни шунақа яхши кўраманки, у (ричагни бўшатиб) бўлмаса, ўлиб қолишим ҳеч гап эмас. (Яна ричагни босиб) жуда яхши – эртага кутаман-а? (Ричагни бўшатиб) Иложи борича тезроқ! – У гўшакни илиб, ух тортганича эрига юзланди.

– Қассоб билан ажойиб гаплашиб қўйдинг-да, а? – деди Жералд ундан кўз узмай.

– Одатдагидек, худди бошқа аёллар каби, – деди Аликс ўпкасини аранг босиб.

Жералд ҳеч нарсадан шубҳага тушмади. Дик эса ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да, етиб келиши аниқ.

Аёл ётокхонага кириб чирокни ёқди. Орқасидан эри кирди.

– Афтидан ҳозир кайфиятинг аъло бўлса керак? – сўради хотинига сирли тикилиб.

– Ҳа, – деди хотини. – Бошимнинг ҳам оғриғи қолди. У эрига табассум узатганича доимий жойидан, эри ўтирадиган курсининг қархисидан жой олди. У халос бўлди. Ҳозир саккиздан йигирма минут ўтди. Соат тўққизгача Дик етиб келади.

– Бугунги қаҳва менга унча ёқмади, жуда аччик дамлабсан, – шикоятланди Жералд.

– Бу қаҳванинг янги нави экан. Агар у сенга ёқмаган бўлса, бунақасидан энди олмаганим бўлсин, азизим.

Аликс қўлига итна олиб тўкишга ўтирди. Жералд мутолаага берилди. У бир неча саҳифани тугатиб, соатга қаради ва китобни бир четга иргитди:

– Саккиз ярим. Юр, ертўлага тушиб сурат ишлайдиган вакт бўлди.

Тўкиётган нарсаси Аликснинг кўлидан тушиб кетди.

– Йўқ, йўқ. Кел тўқлизгача кутайлик!

– Йўқ, асалим, соат саккиз ярим. Бу ишни кечиктириб бўлмайди. Шу вақтда белгилаб кўйганман. Сенам вақтлироқ ухлайсан.

– Негадир тўқлизгача кутгим келяпти.

– Ҳамма ишни ўз вақтидан кечиктирмасликка ўрганганимни биласан-ку. Кетдик, Аликс. Бир дақиқа ҳам кута олмайман.

Аликс унга қаради-ю, ранги бўздек оқариб кетди. Эри аллақачон ниқобини ечиб ташлаганди. Унинг кўллари асабий қалтирас, кўзлари бежо, куриган лабларини тинимсиз яларди. У энди ўз тугёнини тутиб туриш ҳолатида эмасди. “Рост-да, –ўйлади Аликс. – Ҳар қанча тоқатли бўлмасин, бундан ортиқ кутиб тура олмасди”. Жералд унинг ёнига келди ва елкаларидан тутиб ўрнидан турғизди.

– Қани азизим, ўзим сени у ёкка олиб бораман, – унинг кувноқ оҳангда айтилган бу гапларидан кишини даҳшатта солгувчи қабоҳат иси келарди. Аёл сўнгти кучини жамлаб эрининг кўлидан юлқиниб чиқди ва қўркувга ён бериб, беҳол деворга суюнди. У алҳол ҳеч нарса қилолмас, ҳеч қаерга қочолмас, эркак эса унинг устига бостириб борарди:

– Хўш, Аликс...

– Йўқ-йўқ!

У қичкирганча қўлларни ожизона олдинга чўзиб, ўзини химоя килишга чоғланди:

– Жералд, шошма. Сенга бир гапни айтишим... икрор бўлишим керак.

Эри бирдан сергак торгди:

– Икрор бўлмоқчисан? – сўради ажабланиб.

– Ҳа, икрор бўлишим керак.

У бир муддат ўйга толди-да, тезда тўлқинланиб, эрини қизиқтиришга давом этди.

– Нима, ўйнашинг бормиди? – сўради масхаромуз илжайиб.

– Йўқ, унақамас... Эҳтимол сен буни... сен буни жиноят деб аташинг мумкиндири?

У ўқ бориб нишонга текканини, эрининг қизиқиши ортиб бораётганини кўриб бироз тинчланди ва ўзини вазият хокими санаб гапида давом этди:

– Жойингда ўтириб олсанг тузук бўларди, – деди Аликс сокинлик билан ва ўзи ҳам хонанинг нариги кунжидаги столга ўрнашди. Ҳатто эгилиб, боя қўлидан тушиб кетган тўкув ишини ҳам олди. У зоҳирий сокинликни саклаган ҳолда ички таҳлика билан вактни нажот кучлари етиб келгунча чўза оладиган гапларни ўйлаб олиш учун бир мунча тараддулланди.

– Сенга аввал ҳам айтганман, – деди секин оҳангда. – Мен ўн беш йил стенографист бўлиб ишлаганман. Аслида жа унақамасди. Икки марта ишимда танаффус бўлган. Биринчисида йигирма икки ёшда эдим. Ўшандада ўзига яраша сармояси бўлган, кекса бир киши билан танишиб қолдим. У мени ёқтириб қолди ва турмуш қуришни таклиф килди. Унинг гапини ерда қолдирмадим. Оила курдик. – У бир муддат жимиб қолди. – Уни алдаб-сулдаб, ўз ҳаётини сугурта қилдиришга кўндиридим.

Шунда Аликс эрининг юзида катъий қизиқиш ифодасини илғаб олди. У энди ўзига ишонч билан ҳикоясини давом эттириди.

– Уруш пайтида оз муддат госпиталдаги аптекада ишлаганман. Ўшандада дори-дармон, ҳатто заҳарли моддалар билан ҳам ишлашга тўғри келган.

У бир нарсани ўйлаётгандек жим қолди. У эрининг эътиборини тамоман жалб эттанига шубҳа қилмасди. Қотилни қотиллик қизиқтиради-да! Аёл маҳорат билан ўз

ролида давом этарди. Ўғринча соатга қаради: йигирмата кам түккиз.

– Шунақа бир заҳар бўлади. Оппоқ кукунга ўхшайди. Бир чимдими одамни ўлдиради. Сен шунақаси ҳақида эшитганмисан?

У жавобни ҳадик аралаш кутганди. Агар тасдик жавоби олинса, гапнинг бу ёғини сал ўйлаброқ гапиришга тўғри келарди.

– Йўқ, – деди Жералд. – Билсам ҳам оз нарса биламан. Аликс қоникиш билан бош иргади:

– Унда гиостсиамин ҳақида эшитган бўлсанг керак. Бу заҳар ҳеч қандай из қолдирмайди. Ҳар қандай шифокор оддий юрак хуружи, дея ташхис кўйишидан нарига ўтмайди. Мен ўшандан озгина ўғирлаб олгандим ва уни ҳар доим ўзим билан олиб юрардим.

У куч тўплаш учун озрок тўхталди.

– Давом эт, – деди эри сабрсизлик билан.  
– Йўқ, қўрқаман. Сенга айтиб беролмайман. Бошка сафар.  
– Йўқ, ҳозир айтасан!

Турмуш қурганимизга энди бир ой бўлганди. Мен эримга жуда мулойим муомала қиласдим, у мени ҳар доим қўшниларга мақтарди. Ҳамма мени меҳрибон ва садоқатли аёл сифатида биларди. Кечкурунлари ўзим унга қаҳва дамлаб берардим. Бир куни кечки пайт унинг финжонига бир чимдим ўша заҳри қотилдан ташлаб юбордим...

Аликс эҳтиёткорлик билан игнага навбатдаги ипни ўтказа бошлади. У умрида сахнага чиқмаган эса-да, айни чоғда ер юзидағи энг моҳир актриса билан беллаша оларди. У ҳозир совукқон қотил ролини маҳорат ила ўйнаётган эди.

– Ҳаммаси жуда силлиқ кечди. Мен унинг қаршисида ўтириб кузата бошладим. У аввал нафас ололмай хириллай бошлади. Мен деразани очдим. Кейин у стулдан тура олмаёттанини айтди. Бир неча сония ўтгач, у ўлиб қолди...

У жилмайиб қўйди. Чораккам тўққиз бўлганди. Энди Дик улгурса керак.

– Суғурта полиси бўйича қанча пул олдинг?

– Икки минг фунт атрофида. Биржа савдоларига аралашиб, бор-будимдан айрилдим. Яна аввалги ишимга қайтдим. Бироқ у ерда яна узоқ қололмадим. Бошқа бир одам билан танишиб қолдим. Мен яна қизлик фамилиямга қайтганим учун у менинг турмушга чиққанимни билмасди. У нисбатан ёш, келишган ва анча бадавлат одам эди. Биз Сассексда никоҳдан ўтдик. У менинг номимга ўз ҳаётини суғурта қилишга кўнмади, бироқ бор давлатини менга мерос қолдиришини айтди. У худди биринчи эрим сингари қаҳвани унга ўз кўлим билан дамлаб беришимни ёқтиради.

– Аликс хаёлчанлик билан кулимсиради. – Қаҳвани жуда яхши дамлайман-да. Биз яшайдиган қишлоқда менинг танишларим кўп эди. Кунларнинг бирида эрим тушликдан сўнг юрак хуружи билан вафот этганини эшитиб, улар менга жуда ҳам ачинишди. Ҳатто аввалги ишимга қандай қилиб қайтганимни ҳам билмайман. Икки эримдан менга тўрт минг фунтта яқин мерос қолди. Бу гал биржа савдоларига аралашмадим. Сармоямни банкка жойлаштирудим. Мана, кўриб турибсанки...

У галини тўхтатишга мажбур бўлди. Жералд бўғриққанича бармоғини унга никтаб пишкира кетди:

– Қаҳва! Ў парвардигор! Қаҳва!

Аёл саросима ичидаги тикилди:

– Унинг бунчалик аччик бўлганини энди тушундим. Ах, сен иблис! Нималар қип қўйдинг? – У курсининг тутқичини маҳкам тутганча, хотинига ташланмоққа чоғланди. – Сен мени заҳарладингми, хали?

Аликс камин томонга қараб кочди. Кўркувдан у ҳамма гапим ёлғон демоқчи ҳам бўлди, бироқ тилини тишлиди. Бир лаҳзада эри унинг гирибонидан олиши мумкин. У бутун мадорини жамлаб эридан кўз узмай тураверди.

– Ҳа, сени заҳарладим. Заҳар ўз кучини кўрсатяпти. Сен хозир курсидан туролмай қоласан... Кимирилмай қоласан.

У эрини яна бир неча дақика курсида ушлаб туролса эди. Нима бу? Қадам товушлари! Дарича ғичирладими? Демак, улар келишди. Мана, дарвоза ҳам очилди.

– Сен энди жойингдан қимирилай олмайсан, – бор кувватини тўплаб қайтарди Аликс. У шу гапларни айтганидан кейин хонани тарк этди ва эс-хушини йўқотган ҳолда Дикнинг кўлига бориб тушди.

– Ў, тангрим, – қичкириб юборди Дик ва ўзи билан келган баланд бўйли полисменга ўгирилди. – Кетдик, қарайлик-чи, ичкарида нима гап экан.

Дик Аликсни эҳтиёткорлик билан күшеткага ётқизиб, унинг устига энгашди.

– Менинг кичкинтоим, – деди эркалаб, – менинг шўрликкинам. Сени не кўйга солишди?

. Аликс заиф товушда аранг унинг номини тилга олди. Дик полисмен унинг билагидан туртганидан кейингина ўзига келди.

– У ерда ҳеч нарса йўқ, сер. – Фақат курсида аллаким ўтирибди. У афтидан жуда қўркиб кетган кўринади...

– Кейин-чи?..

– У... ўлиб ётибди, сер...

Уларнинг иккови ҳам Аликснинг овозини эшишиб, сергак тортишди. У юмуқ кўзлари билан худди алаҳсираётгандек ғўлдиради:

– Унинг ўлганига анча бўлди. – У гуёки кимнингдир гапини қайтараётгандек эди.

*Рус тилидан  
Рустам Жабборов таржимаси*

## УНИНГ КҮНГЛИ ХОТИРЖАМ

Эрталаб Уоррен Каттлетон саксон учинчи кўчанинг гарбий томонидаги уйидан чикиб Бродвейга қараб йўл олди. Ҳаво очик, лекин салқинроқ эди. У ҳар доимгидек муюлишда сўқир газетафурушдан “Дейли миррор”ни сотиб олди. Газетафурушлар одатда доимий мижозларини танисада, бу кимсанинг овозини ҳам, қадам товушини ҳам ўткинчилардан фарқлай олишмасди. Уоррен газетани қўлтиғига кисиб қаҳвахонага кирди ва одатига кўра кофе ҳамда пишириқ буюрди. Кейин бўш столга ўтириб газета вараклаганча нонуштага киришди.

Аммо газетанинг учинчи бетидаги мақолага кўзи тушгач, Уоррен пишириқ билан кофени четта сурди. Бу мақола кеча кечкурун Марказий хиёбонда ўлиги топилган аёл ҳакида эди. Аёлнинг исми Маргарет Уолдек, Бешинчи авенюдаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишларкан. Навбатчиликдан сўнг ярим тунда уйига қайтаётганда хиёбонда кимдир тутиб чаваклаб кетибди. Мақолада жувоннинг кўкраги ва қорнига неча марта пичоқ санчилгани, шундан кейин бечоранинг ҳоли не кечгани ҳакида батафсил маълумот берилган, қонга беланиб ётган жасаднинг сурати ҳам илова қилинганди. Уоррен Каттлетон суратга узок тикилди.

У барини эслади.

Бу хотира худди тўғонни бузиб ўтган селдек Уорреннинг миясига қуюлиб келди. Мана, у хиёбонда юрибди. Ҳаммаёк қоп-қоронғи, жимжит. Унинг кўлида дами ўткир, узун пичоқ. Пичокнинг дастаси кафтидаги тердан намиккан. Мана у йўлканинг четида ўлжасини кутаётир. Узокдан қадам товуши эшитилгач, дараҳт панасига беркинди. Кейин аёлнинг оргидан ҳужум қилиб, уни ерга қулатди-да, кетмакет пичоқ урди. Жувоннинг чинқириғидан қулоги битсаям, пичогини санчаверди, санчаверди...

Уорреннинг боши айланиб кетди. Конга беланган пичокнинг ўрнида қўлида пишириқ бўлагини кўрди-ю, қаҳвахонада ўтирганини эслади. Махкам қисилган кафтини ёзган эди, егулик столга тушди. Ҳозир қусиб юборади. У ўқчишдан бир амаллаб тийилди.

– Ё, тангрим, – деди у хўрсиниб. Хайрият, гапини ҳеч ким эшитмади. Сигарет тутатмокчи эди, қўли титраб гугурт чўпи полга тушди. У чўпни оёғи билан босиб, яна чукур хўрсинди.

Ўша аёлни Уоррен ўлдирганди. Ўзи танимаган ва аввал бирор марта кўрмаган ўша бадбаҳт жувонни у чавақлади. Газетада ёзилган ваҳдий қотил, инсонийлик қиёфасини йўқотган газанда у эди. Яқинда полиция уни ҳибсга олади, кейин суд, хукм, узун йўлак бўйлаб панжара ортига саёҳат, ниҳоят, электр столи ва ўлим.

Уоррен кўзини юмиб қовокларига кафтини босганча чуқур-чуқур нафас олди. У нега бундай қилди? Унга нима бўлди ўзи? Нега одам ўлдирди?

У бирини тугатиб улгурмай бошқасини ёкиб, кетма-кет учта сигарет чекди. Кейин телефонли ҳужрага кириб, тиркишга ўн сентлик танга ташлади-да, таниш раҳматни терди.

– Салом, мен Каттлетонман. Бугун ишга боролмайман. Мазам йўқ.

Котиба тезроқ соғайиб кетишини тилагач, Уоррен раҳмат айтиб трукани илди.

“Барделл компани”даги йигирма уч йиллик фаолияти давомида Уоррен бор-йўги икки-уч марта тумов сабаб ишга чиқолмаган. У ишхонадагиларга сира ёлғон гапирмайди. Шундай экан, бугунги баҳонасига ҳамма ишонади. Аслида, буни баҳона дейиш ҳам нотўғри. Ахир, чиндан ҳам унинг тоби қочаяпти-ку.

У уйига қайтаётуб “Дейли Ньюс”, “Геролд трибюн” ва “Таймс” газеталарини сотиб олди. Хиёбондаги қотиллик

ҳакида “Ньюс”нинг учинчи саҳифасида суратли мақола беришибди. “Таймс” ва “Геролд трибюн”да эса шу мавзудаги мақола газетанинг олди-қочди хабарларга тўла иккинчи қисмида экан, Уоррен тополмай роса қийналди.

Кун ботгач, кўчага чиқиб “Жорнэл Америкен”, “Уорлд телеграф” ва “Пост” газеталарини харид қилди. “Пост”да Маргарет Уолдекнинг ўгай синглисидан интервью олишибди. Интервьюни ўкиб Уорреннинг кўзларига ёш келди. Маргаретга ҳам, ўзига ҳам ичи ачиdi.

Кечки соат еттида Уоррен энди аввалгидай яшай олмаслигини тушунди. Одам ўлдирдими, жазосини олиши керак. Бу қотилликни факат олий жазо – ўлим билан ювиш мумкин.

Лекин соат тўккизда жазодан кутулиб қолишга умид уйғонди. Газеталардаги мақолаларда полиция қотилнинг изига тушолмагани, айтарли далил йўқлиги ёзилган, бармок излари ҳакида эса ҳеч нима дейилмаганди. Унинг бармок изи ҳеч қайси архивда йўқ – буни Уоррен яхши биларди. Агар қотиллик жойида уни ҳеч ким кўрмаган бўлса (коронги хиёбонда ким ҳам кўтарди), Уорреннинг айборлигини исботлай олишмайди.

Ўша куни кечкурун Уоррен босинкираб, ухломай чиқди. Аёлнинг қадам товуши, хужум, кон, хиёбондан қочиб чиқаётгани – бари тушига қайта-қайта кираверди. Ҳар сафар додлаганча терга ботиб уйғонар, кейин яна мудраб даҳшатли тушнинг давомини кўтарди.

Энди босинкирашлардан кутулолмаслигини у яхши биларди. Уоррен восвос эмас. Қилган иши ёвузлик эканини тушунади. Йўқ, одам ўлдирганини била туриб энди тинч яшолмайди. Айбини тан олиши керак.

У кўчага чикиб, газета харид қилди. Терговчилар ҳамон қотилнинг изига тушишмабди. “Миррор”да Маргарет Уолдекнинг кичкина жияни билан интервьюни ўкиб, Уоррен яна йиғлади.

Авваллари полицияга сира иши тушмагани учун уйидан уч-тўрт даҳа нарида жойлашган маҳкамани узок кидирди. Ичкарига киргач, кимга мурожаат қилишни билмай довдиради. Ниҳоят, навбатчи зобитни учратиб, Уолдекнинг қотилини қидираётган изқуварга гали борлигини айтди.

- Қайси Уолдек? – деди зобит.
- Хиёбонда ўлдирилган аёл бор-ку.
- Ҳа, уми? Қотиллик ҳакида бирор хабар етказмокчимисиз?
- Ҳа, – бош иргади Уоррен.

Зобит Уолдек иши билан шугулланаётган изқуварни топгунча у ёғоч ўриндикда кутди. Ниҳоят, навбатчи унга иккинчи қаватга кўтарилиб, зобит Рукерга учрашишни тайинлади.

Рукер деганлари хўмрайган бир ёш йигит экан. У аввал ёндафттарчасига Уорреннинг исм-фамилиясини ва манзилини ёзиб олди.

– Хўш, – деди изқувар дафттарчасини четга қўйиб. – Нима гапингиз бор?

– Айбимга икрор бўлмоқчиман, – деди Уоррен товуши титраб. – Маргарет Уолдекни мен ўлдирганман.

Изқувар ёнидаги шериги билан уни бошқа, торроқ хонага олиб ўтишиб саволларга кўмиб ташлашди. У энтика-энтика, йиғлагудек бўлиб ёдида қолган барча тафсилотларни айтиб берди.

Кейин яна саволлар ёғилди.

- Пичоқни қаердан олдингиз?
- Дўкондан.
- Қайси дўкондан?
- Колумбус-авенюдаги дўкондан.
- Номи ёдингиздами?

Уоррен растанинг ёнига келганини, сотувчи аёлни. пичоқнинг пулинин тўлаб олиб кетганини эслади. Лекин дўконнинг номи ёдида қолмабди.

- Маргаретни нега ўлдирдингиз?
- Негалигини ўзим ҳам билмайман.
- Нима учун айнан уни ўлдирдингиз?
- У... йўлимдан чиқиб қолди.
- Нега аёлни пичоқладингиз?
- Одам ўлдиргим келди... ўзимни бошқаролмай қолдим.
- Лекин нега?
- Сабабини билмайман деяпман-ку. Лекин ўлдирганим аниқ. Пичокни уни ўлдириш учун сотиб олгандим.
- Демак, қотилликни олдиндан режалаштиргансиз.
- Шундай десаям бўлади.
- Пичоқни қаерга яширгансиз?
- Уни зовурга ташлаб юбордим.
- Айнан қаерга ташлаганингиз ёдингиздами?
- Йўк, эслолмайман.
- Кийимингизда қон юки қолган бўлиши керак. Ўша оқшом аёлнинг қони дарё бўлиб оқкан. Қотилликка чиқсан кунги кийимингиз уйдами?
- Ташлаб юборганман.
- Зовургами?
- Рей, айбини тан олишга келган одамни шошириб нима қиласан? – деди изқуварнинг шериги.
- Кечирасиз, мистер Каттлетон. Жиноят вактида кийган уст-бошингизни қаёққа ташлагансиз? Бир эслаб кўринг-чи?
- Уорреннинг хотирасига алланималарнинг тутаб ёнаётгани келди.
- Чикинди ёқиладиган ўчок.
- Уйингизда шунаقا ўчок борми?
- Йўк, уйимнинг яқинидаги бир бино ёнида. Ўша куни уйга келиб, уст-бошимни алмаштирганимни аниқ эслайман, қон сачраган кийимларни елим халтага солиб ташқариға

олиб чиқдим-да, чиқинди ёқиладиган ўчоқقا ташладим. Кейин ювиндим. Тирнокларим остидаям қон юки қолганди.

Изкуварлар Уорренни белигача ечинтириб унинг кўлларини, кўксини, юзини ва бўйини синчилаб кўздан кечиришди.

– Ҳеч қаери тирналмаган, – деди зобит Рукер. – Курбон эса қотилни роса тимдалаган. Аёлнинг тирноғида тери излари қолган.

– Балки Маргарет Уолдек ўзини-ўзи тимдалагандир? – деди изкуварнинг шериги.

– Балки. Ёки мистер Каттлетоннинг ярлари итникидай тез битармикан? Қани ортимдан юринг-чи.

Уорренни бошқа хонага киритишиб суратга туширишди ва бармоқ изларини олишди. Кейин зобит Рукер унга қотиликда гумон қилинаётганини ва адвокатига сим қоқиш хукуқига эга эканини уқтириб камерага қамади.

Темир эшик қарсилаб ёпилиб қулф солингач, Уоррен камерадаги эски курсига чўнқайиб сигарет тутатди. Энди унинг кўллари титрамаётганди.

Аммо орадан тўрт соат ўтгач, зобит Рукер дўсти билан кириб келди.

– Сиз аёлни ўлдирмаган экансиз. Нега бизга ёлғон гапирдингиз, мистер Каттлетон? – деди Рукер ўқрайиб.

Уоррен ҳеч нарсага тушунмай анқайиб қолди.

– Ўша оқшом сиз саксон учинчи кўчадаги “Лоув” кинотеатрида икки серияли фильм томоша қилгансиз. Кассир аёл суратингизни таниди. Соат ўн яримда ундан чипта олган экансиз. Назоратчи ҳам сизни эслади. Эркаклар хожатхонасига кираётиб қоқилиб кетганингизни кўрган экан. Кинотеатрдан ўн иккidan ошганда чиқиб тўғри уйга қайтгансиз. Пастки қаватдаги кўшнингиз йўлак бўйлаб келаётганингизни кўрган. Сиз билан ёнма-ён турадиган киши эса соат бирга яқин квартирангизга кириб, ўн беш дакиқадан сўнг чироқни ўчирганингизни айтди. Хўш, нега

килмаган жиноятиңгизни бүйнингизга олајпсиз, мистер Каттлетон?

Уорреннинг боши қотди. У ҳеч қанака кинони эслолмасди. Чипта олгани-ю, ҳожатхонада қоқилганим ёдида йўқ. Тунги зулмат, қадам товушлари, ҳужум, аёлнинг додлагани, қон – хотирасида фақат шулар қолганди. Кейин пичокни зовурга ташлаб, қон теккан кийимини ўчокда ёқди, тирноғининг остидаги қон юқини тозалади...

– Биз ҳакиқий қотилниям топдик, – деди Рукер. – Исми Алекс Канстер. Аввал ўғирлик қилиб, икки марта қамалиб чиқсан. Пичокни уйига яширган экан, юзлари тирналган. Гаров ўйнайман, яқинда шу нусха Уолдекни ўлдирганини бўйнига олади. Сиз эса бизни лақиллатаяпсиз, мистер Каттлетон. Нега полицияни чалғитиб ёлғон кўрсатма бераяпсиз?

– Ёлғон гапирганим йўқ, – деди Уоррен тутакиб.

Рукер бир нима демокчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, кейин ўзини босди.

– Уни полиграфда текшириб кўрсак-чи, Рей, – деди изкуварнинг шериги.

Довдираф қолган Уорренни бошқа хонага олиб ўтиб. “полиграф” деган асбобнинг симларини оёқ-қўлига улаштида, саволга тутишди. Исмингиз нима? Неча ёшдасиз? Каерда ишлайсиз? Маргарет Уолдекни ўлдиргансиз? Тўрт карра тўрт неччи? Пичокни қаердан олгансиз? Иккинчи исмингиз нима? Кийимни каерга беркитдингиз?

– Полиграф ёлғон тополмади, – деди коғоздаги чизикларни кўздан кечиргач Рукернинг шериги. – Айтаётган ёлғонига унинг ўзиям ишонади, Рей.

– Баъзиларни полиграф ҳам аниқлай олмайди ўзи.

– Нотўғри жавоб бериб кўрсин-чи.

– Мистер Каттлетон, ҳозир учга тўртни қўшса неччи бўлади деб сўрайман. Олти деб жавоб беринг, хўпми?

– Етти бўлади-ку?

– Олти деяверинг.

– Хўп.

– Учга тўртни кўшса неччи бўлади?

– Олти.

Бу сафар полиграф ёлғонни кўрсатди.

– Бояги ёлғон кўрсатмаларига ўзиям ишонади, Рей. У бизни лақиллатмоқчи эмас, Уолдекни ўлдирганман, деб ўйляяпти. Баъзан тасаввур одамни қай кўйга солишини биласан-ку. Гувоҳлар ҳам кўпинча ўзи тўкиган тафсилотларга ишониб ёлғон кўрсатма беради. Мистер Каттлетон қотиллик ҳақидаги мақоладан қаттиқ таъсиrlаниб, Уолдекни мен ўлдирганман, деб ўзини ишонтириб кўйган.

Шундан сўнг Рукер билан шериги Уорренни тўғри йўлга солиш учун узоқ насиҳат қилишди. Уларнинг айтишича, Уорренда айборлик ҳисси кучли экан. Онг остида яширган аллақандай қилмиш ҳақидаги хотира уни бошқа одам килган қотилликни бўйнига олишга мажбур этганмиш. Дастлаб Уоррен буларнинг эси жойидами, деб ўйлади. Лекин изқуварлар Маргарет Уолдекнинг ўлимига унинг ҳеч кандай алокаси йўклигини далиллар билан исботлашгач, Уорреннинг фикри ўзгарди. Балки улар ҳақдир? Ахир, шунча далил келтиришди-ку.

Хуллас, охир-окибат Уоррен Маргарет Уолдекни ўлдирмаганига ишонди. Демак, хотираси панд берибди. Рухшуносга кўриниши керак.

– Эсим оғиб қолибди, деб ўйлаётгандирсиз, – деди зобит Рукер худди унинг фикрини ўкиётгандек. – Ташвишланманг, мистер Каттлетон. Сиз соппа-соғсиз. Ҳар сафар газетада қотиллик ҳақида ёзишса сизга ўхшаган айбсиз айборлардан камида беш-олтитаси икрор бўлиш учун олдимизга келади. Айримлари одам ўлдирганига чиппа-чин ишонади. Сиз ҳам қачонлардир одам ўлдириш ҳақида ўйлагансиз, шу хотира онгингизга ўрнашиб қолиб

айбдорлик хиссини уйғотади. Бу қотилликни бўйнингизга олишингизнинг сабаби шу. Бунақа ҳолатлар бизда кўп учрайди. Жинни бўлиб қолибман, деб хавотирланманг, мистер Каттлетон. Шунчаки шуурингиз сал чалғиган.

— Инсон мияси сир-синоатта тўла, — деди Рукерниң шериги.

— Агар бир кун келиб яна шундай ҳолатга тушсангиз ваҳима қилманг, — гапида давом этди изқувар. — Эсингизда қолсин: сиз ҳеч кимни ўлдирмагансиз. Илтимос, кейинги сафар маҳкамага келиб бизга халал берманг.

Уоррен шўхлик қилиб гап эшиتاётган боладек бош эгиб туар, лекин энди унинг кўнгли хотиржам эди. Электр курсидан кўрқмасаям бўлади. Чунки у ҳеч кимни ўлдирмаган!

Кечкурун у алаҳсирамай, тошдек қотиб ухлади.

\* \* \*

Ўша воқеа март ойида юз берганди. Орадан тўрт ой ўтгач, июлда яна такрорланди. Уоррен уйғониб кўчага чикди, муюлишда “Дейли миррор”ни харид қилди, сўнг қаҳвахонага кириб кофе ва пишириқ сотиб олди-да, столга ўтириб, газетани очди. Учинчи саҳифада кеча уйига қайтмаган ўн тўрт ёшли қиз ҳакида ёзишган экан. Кечкурун ўша қизни кимдир жинкўчага олиб кириб устара билан бўғизлаб кетибди. Мақолага кекирдаги тилиниб ётган мурданинг сурати ҳам илова қилинганди.

Уорреннинг миясига хотиралар қуюндеқ ёпирилиб келди. Ҳаммаси ҳозиргидек кўз олдида. Унинг бир кўлида устара иккинчиси билан типирчилаётган қизни маҳкам ушлаб олган. Бечора қиз ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Кейин бояқишининг бўғиздан тизиллаб қон сачради...

Наҳотки, яна хотираси панд бераётган бўлса? Бўлиши мумкин эмас! Ахир, қотилликнинг ҳар бир лаҳзаси ёдида-ку. Анави изқувар яна шундай ҳолатга тушсангиз, қилмаган

ишингизни бўйнингизга олишдан тийилинг деганди. Бўлмағур хотираларни миясидан чиқариб ташлаши керак.

Уоррен ўзини чалғитиш учун ишга борди. Лекин идорадаям хаёлини бир жойга жамлолмади. Сандра Житлерни бўғизлаётгани кўз олдидан кетмасди. Ҳамкасларидан бири тобингиз жойидами, деб сўради. Компания вице-президенти шифокорга учрашишни маслаҳат берди. Соат бешда Уоррен шалвираганча уйига қайтиб, туни билан алаҳсираб чиқди. Йўқ, полицияга борищдан бошқа чора йўқ. Агар ростдан ҳам ўша қизни ўлдирган бўлса қамашади. Ўтган сафаргидек хотираси чалғигани аниқланса, изқувар далиллар билан айбсиз эканини исботлаб, кўнглини жойига туширади.

Эртаси куни Уоррен маҳкамага кира солиб, зобит Рукернинг хонасига қараб юрди.

– Салом, мистер Каттлетон, – изқувар уни дарров таниди.  
– Яна қотилликни бўйнингизга олиш учун келдингизми?  
– Сизни безовта қилмоқчи эмасдим. Лекин газетада ёзилган жиноятни мен қилганман. Куинз туманида ўша қизни қандай ўлдирганим аниқ ёдимда.

Зобит Рукер уни бошқа хонага олиб ўтди-да, ўзи ташқарига чиқиб кетди.

– Куинз тумани полиция маҳкамасига қўнғироқ қилдим,  
– деди изқувар қайтгач. – Қотилликнинг газетада ёзилмаган айрим тафсилотларини етказиши. Айтинг-чи, мистер Каттлетон, қизнинг корнига устара билан нима деб ёзганингиз ёзингиздами?

– Аниқ эслолмаяпман.  
– Унинг қорнига “Мен сени севаман” деб ёзгансиз, энди эсингизга тушдими?

Ха, Уоррен эслади. Қизнинг корнига худди шу сўзларни устара билан тилганди.

– Йўқ, мистер Каттлетон, – деди изқувар ачиниб. – Қотил Сандра Житлернинг қорнига айтиб бўлмайдиган сўкиш

сўзларни ёзган. Шунинг учун ҳам бу тафсилот газеталарда берилмади. Сиз эса менинг гапимга ишониб чалғидингиз. Сиз кизни ўлдирмагансиз. Ўша жойда ҳатто бўлмагансиз ҳам. Шунчаки газетани ўқигач, хотирангиз ўтган сафардагидек яна панд берган.

Уоррен бошини ҳам қилиб узок ўтирди.

– Сандра Житлерни ўлдирмаганимни биламан, – деди у ниҳоят. – Лекин ўзимни шунга ишонтиrolмаяпман. Қотилликнинг ҳар бир лаҳзаси кўз олдимда қайта-қайта жонланаверади, ахир! Тушларимдаям шуни кўриб босинкираб чиқаман. Ҳар сафар одам ўлдирмаганимни кимдир далил билан исботламагунча кўнглим жойига тушмайди.

– Исбот керак бўлса, бугунгидек тортинмай тўғри олдимга келаверинг, – деди Рукер жилмайиб. – Мен аҳволингизни яхши тушунаман. Сизга ёрдам беришга доим тайёрман.

Уоррен изкуварнинг кўлини маҳкам сикиб миннатдорчилик билдириди-да, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб маҳкамадан чиқди. У кечкурун хуррак отиб ухлади.

\* \* \*

Сентябрнинг сўнгги кунлари. Эрталабки ёғингарчиликдан сўнг офтоб чиқди. Ишдан қайтаётган Уоррен Каттлетон кўйлакларини олиш учун хитойликларнинг кирхонасига кирди. Кейин Амстердам авенюдаги дориҳонадан аспирин ҳарид қилиб, ҳўжалик дўконининг ёнидан ўта бошлади.

Шу пайт унга нимадир бўлди.

Уоррен худди масофадан туриб бошқарилаётган роботдай нима қилаётганини ўзи ҳам тушумай дўкониги кириб бигиз сотиб олди.

Уйига қайтгач, кўйлакларини кийим жавонига жойлаб икки дона аспирин ичди-да, бигизни кафтида ўйнатиб

томуша килди. Дастанси мустаҳкам, учи пўлатдан экан. Бармоғини теккизиб кўрди. Ўткирлигини қаранг!

У бигизни чўнтағига солиб уйидан чиқди ва сигарет тутатиб Бродвей томонга кетди. Саксон олтинчи кўчада метрога тушиб, Вашингтон-Хайтсда ташқарига чиқди. Бекатнинг ёнида хиёбонда ярим соатча ўтиргач, Дикман-авенюдаги ресторанга кириб бузоқ гўшти, қовурилган картошка ва кофе буюрди. Иштаҳа билан маза килиб овқатланиб кўчага чиқканда аллақачон коронғу тушганди.

Ов вақти келди. Уоррен зимистон бир бурумга кириб ўлжасини кута бошлади. Ён томондаги кўчадан машиналар гизиллаб ўтар, йигит-қизлар, аёллар, қариялар – хуллас, ҳар хил одамлар изгишарди. Булар унга керак эмас. Уоррен икки соатлардан кейин кўча бўшаб қолганда уйга ёлғиз қайтадиган бирор аёлни кўлга тушириш умидида эди.

У тунги совукда сабр билан узоқ кутди. Ва ниҳоят сукунни пошналарнинг тўқиллаши бузди. Бошига қалпоқ қўндирган, қадди-қомати келишган, қора сочли ёш бир қиз тез-тез юриб келарди. Бу оғатижон энди ундан қочиб кутулолмайди!

Қиз яқинлашгач, Уоррен қоронғу муюлишдан югуриб чиқди-ю, йиртқич ҳайвондек уни зимистонга тортиб кетди. Бошини асфальтга ургач, қиз чинқиришгаям мажоли етмай сулайиб қолди. Шунда Уоррен бигизни унинг юрагига санчди...

Ўлжасининг танаси совугач, у бигизни зовурга ташлаб, уйига қайтди-да, хеч нима бўлмагандек ётиб ухлади.

Эрталаб уйкуга кониб уйғонган Уоррен хуш кайфиятда ишга отланди. Кўчага чиққач, муюлишдаги сўкир газетафурушдан ҳар доимгидек “Дейли Миррор” олиб, нонушта вақтида вараклади. Учинчи бетда кеча ярим тунда Вашингтон-Хайтсда Мона Мур деган раккоса киз ўлдириб кетилгани ёзилганди.

Кечаги воқеалар лоп этиб унинг ёдига тушди. Қизга ҳамла қилиб, бигизни юрагига санчгани, кейин қуролни зовурга ташлагани – барини Уоррен бошини чангллаганча эслади. Йўқ, бўлиши мумкин эмас! У одам ўлдирмаган! Яна хотираси панд бераяпти, эси оғаяпти. Балки руҳшуносга учраш керақдир? Бу хотира энди унга тинчлик бермайди. Рукернинг олдига боришдан бошқа чора йўқ.

– Мен Каттлетонман, – деди у ишхонасига кўнғироқ қилиб. – Бугун ишга кечроқ бораман. Шифокорга учрашишим керак.

Ха, зобит Рукер энди унинг учун шифокордай гап. Фақат шу одам Уорреннинг миясидаги бўлмағур хотираларни даф қила олади.

– Ие, яна ўзлари-ю, – Рукер уни худди эски қадрдонлардек жилмайиб қарши олди. – Бугун келишингизни кўнглим сезганди. Кечаги котиллик сизнинг услубингизга айнан мос тушади.

Уоррен нигоҳини олиб қочди.

– Мен... ҳалиги Мона Мурни...

– Бу стриптизчи қизлар ғалати исмларни яхши кўради ўзи. Мона Мур. Французчасига “севгилим” дегани.

– Йўғ-э?

Зобит Рукер бош иргади.

– Хўш, мистер Каттлетон. Мона Мурни қандай ўлдирдингиз?

– Уни ўлдирмаганимни биламан, лекин...

– Сизга маслаҳатим – газета ўқиши бас қилинг, – деди Рукер бош чайқаб. – Юринг, миянгизни шубҳа-гумондан тозалаймиз.

Улар доимгидек кичкина хонага киришди.

– Киз бигиз билан ўлдирилган. Бигизни қаердан олдингиз?

– Хўжалик моллари дўконидан.

– Дўкон қаерда жойлашган?

- Амстердам-авенюда.
- Нега айнан бигиз олдингиз?
- Чунки жуда бежирим матоҳ экан. Менга ёкиб колди.
- Ҳозир у қаерда?
- Зовурга ташлаганман.
- Ҳар доимгидек, – деди Рукер. – Айтинг-чи, қизга бигиз санчганингизда кўп қон оқдими?
- Ҳа, ҳамма ёғим қон бўлди. Тезда уйга қайтиб устбошимни алмаштирдим.
- Қон сачраган кийимни қаёққа ташладингиз?
- Чиқинди ёқиладиган ўчокқа, – деди Уоррен овози титраб.
- Тушунарли, – Рукер кафтларини бир-бирига ишқади. – Энди менинг гапимга қулоқ солинг. Қотил бигизни қизнинг юрагига санчган. Қурбон шу лаҳзадаёқ жон берган. Унинг кўксидаги миттигина яра колган, холос. Бир томчиям қон оқмаган. Хуллас, сизнинг кўрсатмаларингиз лофдан бошқа нарса эмас. Энди кўнглингиз жойига тушдими?

Уоррен секингина бош ирғади.

- Лекин бари ҳозиргина бўлгандек кўз олдимда турибди.
- Афсуски, шундай, – деди зобит Рукер маъюс жилмайиб. – Сизга жуда раҳмим келаяпти, мистер Каттлетон. Қизик, бу алаҳсирашингиз яна қанча давом этаркан? Охири икковимиздан биримиз жинни бўлиб қолмасак гўрга эди.

*Рус тилидан  
А.Отабоев таржимаси*

## БУВИ

Болалигимда Нани Ҳомботс содир этган қотиллик ҳақида кўп бор эшитганман. Узундан узоқ қиши кунларида катталар қалтираб-титраб ана шу мудхиш воқеани ҳикоя қилишар, биз болалар ухлаётган қиши бўлиб, кўрпага ўралганча, юрагимиз музлаб уларнинг гапига қулоқ солардик.

Бу биринчи Жаҳон уруши пайтида юз берган. Нанининг эри урушга кетган, ёшгина жувоннинг бир парчагина томорқасидаги ишларига қарашиш учун унга бир асири бириктириб кўйишган. Асири, катталарнинг айтишича, сочи, кош-кўзлари қоп-қора, кўшиқ айтиш ва соз чертишда тенги йўқ итальян йигит экан. Унинг учун яқиндагина эрини ҳарбий хизматга жўнатган, ҳали тўшак лаззатини унута олмаган ёш жувоннинг бошини айлантириб олиш кийин кечмаган. Қизчаси туғилган пайтда эри урушда бўлган.

Кутилмаганда эри Кечевеш уйга қайтади. Ўша оқшом жувон ва асири уни ўлдиришади. Жасадни аравага солишадида, устини пичан билан ёпиб, Рабу дарёсига элтиб ташлашади. Кимдир уни кўриб қолгудек бўлса, таниб олинмаслиги учун калласини кесиб олишади ва яқин орадаги гўнгтўдага кўмиб кўйишади.

Кейин уруш тугади, асиrlар, шу жумладан итальян йигит ҳам юргига қайтди. Кечевеш уйига қайтмагани учун, хотини унинг жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани, ҳатто унга анчагина ёрдам пули жўнатилгани ҳақида гап тарқатди.

Нани Ҳомботс асири кетганидан кейин дала ишларига қарашиш учун мардикор ёллади. Улардан бири далага гўнг чиқараётib, бош чаноғини топиб олди ва полис идорасига хабар килди. Барча шубха-гумонлар ҳақиқатга айланди.

Ўша куниёқ аёлнинг кўлига кишан солиб обкетиши, кейин уни умрбод озодликдан маҳрум этишиди.

Нани Ҳомботснинг беш яшар кизи аввал қайсиdir қариндоши қўлида ўси, у ўлгач бечора Аннуш Кечевеш яккаю ёлғиз қолиб кетди. Аннушни мен ҳам яхши танирдим, у бизнинг кўчамизда қишлоқнинг энг чеккасида, томи қамиш билан ёпилган, йиқилай деб турган кулбада яшарди. Аннуш ҳакида турли вахимали гаплар юрар, биз болалар далага овқат олиб бораётганда, унинг уйи ёнидан ўтишга ҳайикардик. Албаттаки, унга ҳеч ким уйланмаган, шундай эса-да, кимлардандир иккита бола орттиришга улгурганди. Ахир Нани Ҳомботснинг кизига ким ҳам уйланарди?

Аниқ эслайман, у жуда ишchan, меҳнаткаш ва соғлом аёл эди. У билан бирга бўлган эркакларга осон кечмагандир? Кимдир унга уйланмоқчи бўлганида, Аннушнинг худди онасига ўхшаб, эрининг калласини кесиб олиши, кейин уни гўнгтўдага кўмиб кўйиши мумкинлигини даҳшат ичида кўз олдига келтирган бўлса керак.

Баҳорнинг илиқ тонги эди. Иккита болакай ҳовлида ўйнаб юришарди. Петике беш, Марнике икки ярим ёшга кадам қўйганди. Улар кечаги ёмғирдан кейин намланган ер зра тунука парчаси билан турли шаклларни чизишарди.

Үй кулфлаб кетилганди. Эшик олдида бир шохи бўронда иниб тушган, бир тарафга қийшайиб қолган қари нашвати қарахти тагида аллақачон ўз умрини яшаб бўлган эски устол ғижирлаб қолган харрак жойлашганди. Устолнинг устида ўолаларнинг кундалик емаги – бир кўзачада сув ва усти катакли рўмолча билан ўртилган нон туарди.

Ҳовлининг ярми кўча билан кўшилиб кетган, орқа гомони эса томорқа билан туташганди. Қачонлардир ҳовли девор билан ўралган бўлса-да, ёғин-сочин натижасида унинг ярми ивиб адo бўлган, қолган қисми ўтин йўғида ўтга

қаланган, факат дарвозани тутиб туришга мўлжалланган иккита чирик устун қолганди, холос.

Кўчадан ўтиб бораётган бир кампир ҳовли ёнида тўхтаб. кичкинтойларга диккат билан қараб қолди.

Болалар шу пайтта қадар бунака ғалати кампирни кўришмаганди. У кўшни Роза холаникига ўхшаб кичкина рўмолнча ўраб олмаган, унинг қалин ва оқарган соchlари елкаларига тушиб турарди. У худди гадойларга ўхшаб таёк учига кичкина бир тугунни илиб олган, ҳали йиртилиб улгурмаган қора кўйлаги худди биронникидек унга ярашмай турарди.

Кампир бироз букилиб, ҳовлига тикилганча туриб қолди.

Петике хеч нарсадан қўркмасди. У эрта баҳордан кузгача уйда ёлғиз қолишга кўнинкан, факат Марике баъзида бўлар-бўлмасга ариллаб, унинг ғашига тегарди. Бола шу пайтгача онасидан бирор марта карокчилар, котиллар, болаларни ўғирлаб сотадиган тиланчилар ва ажиналар ҳакидаги кўркинчили зартакларни эшитмаган эди. Петике ҳатто коронғидан ҳам қўркмасди. Ҳозир ҳам у қизиқсиниб. нотаниш кампирга яқин борди.

– Онам уйда йўқ, – деди жиддий караш билан.

– Кимнинг ўғли бўласан? – сўради аёл. Унинг овози Роза хола сингари кампирларнинг товушига ҳечам ўхшамасди.

– Анна Кечевеш, – деди болакай ва кампирнинг мовий кўзларидан ажинлари бўйлаб оқа бошлаган ёшларни кўриб хайрон бўлди.

– Отангнинг исми нима? – сўради кампир энтикиб.

– Менинг отам йўқ, – жавоб кайтарди бола куруқкина оҳангда. – Кингига ўхшаган болаларнинг отаси бўлади. Онамнинг айтишича, унинг бизга кераги ҳам йўқ.

– Бу сенинг синглингми? – суради акасидан анча узоқда бегона аёлдан ётсираб турган кизчани кўрсатиб ва ўзи ҳовли ва кўча ўртасидаги кўринмас чегарани босиб ичкари кирди.

– Ҳа, – деди бола, – Марике. У ҳали жудаям кичкина.

– Кўряпман, – деди аёл ва ҳовлиниңг ичкари тарафида, қизчанинг рўпарасида уюб қўйилган шох-шабба ғарамига суяниб қолди. У уннишиб кетган дастрўмолчasi билан кўзларини артар, бироқ кўзёшларнинг кети кўринмас, чунки у ҳар гал хиралашган нигоҳларини уйнинг ғарибина томига, қийшайиб турган нашватига, болаларга, шипшийдам ҳовлига қаратганида ўзини йиғидан тўхтата олмасди.

Болалар унга кўркув аралаш қараб турашарди. Петике унга ҳеч ерингиз оғримаяптими. Шувегеш амаки ҳар қандай қасални тузатади, демоқчи бўлиб турганида кампирнинг ўзи тилга кирди:

– Онанг қаерда?

– Улар далага патинжон эккани кетишиди.

Кампир бирданига сергак тортди:

– Ким билан кетди?

– Фабиан амаким ойимга ёрдам беряпти.

– Тушунарли... У... Фабиан амакинг анчадан бери сизлар билан яшайдими?

– Йўқ, мавлуд байрамида йўқ эди. Онам уни бозордан олиб келди.

Кампир болаларга жимгина қараб қолди. Беихтиёр юзларига табассум югуrdi. Шунинг баробарида юзларидаги ажинлар кўпайиб кетди, лекин кўзларида севинч порлади. Унга жавобан Петике ҳам жилмайди, Марике эса, тортинчоклик билан ерга тикилиб туради.

– Бувингиз бўлишини хоҳлармидингиз? – сўради кампир ўша табассум билан.

– Бизнинг бувимиз йўқ, – бидирлади Петике, – Кингининг иккита бувиси бор.

– Шунинг учун сўрайпман, сенинг ҳам бувинг бўлишини истайсанми?

Пегике ўйланиб қолди.

– Кингининг бувиси унга ҳар доим олма беради. Ҳатто қишида ҳам.

– Мен буни билмаган эканман. – Аёл ўзини оклагандай ғудраниб, тиззалари устида турган тугунчасини оч бошлади. Болалар қизикиб унга яқинлашишди. Унинг ували тугунчасида қора чарм кармон, катта қизғиши салиб думалок тароқ ва кўзгу бор эди.

Кичкина яшил қопламали кўзгунинг орқа тарафида узун соchlарни тараётган елкалари очиқ аёлнинг тасвири бор эди.

Ойна фавқулодда яраклаб туради. Петике бироннинг нарсасига тегмасликка ўргангани учун индамай қараб тураверди. Уйда ҳам ана шунака ойна бор, факат у болаларнинг кўли етмайдиган жойда илиб қўйилган.

Петике кампир меҳрибонлик билан узатган кўзгуни журъатсизлик билан кўлига олди, унда ўз аксини узок томоша қилди ва Марикенинг оғзи йиғлашга мойил тарзда кийшаш бошлагач, кўлидагини унга кўрсатди.

– Ўғлим, исминг нима?

– Петике.

– Шошма Петике, – Кампир боланинг қўлидан кўзгуни олди-да, уй томонга юрди. Шу чокда уйнинг нашвати сояси тушиб турган деворида югуриб кетаётган куён тасвири пайдо бўлди. Болакайлар девордаги ғалати тасвирни қизикиш билан кузата бошлашди. Аёл кўзгуни шундай ушлаб турилса, унинг акси соя тушиб турган деворга аник тушишини тушунтириб, уни Петикенинг кўлига тутқазди.

Болалар ўйин билан андармон бўлиб қолишгач, кампир уйиб қўйилган хазон атрофида юра бошлади. Болалар бу ғалати ўйинни ўйнаб зерикишди шекилли, яна ўзларида қизикиш ўйғотган кампирнинг ёнига югуриб келишди. Кампир уларга караб маҳзун жилмайди:

– Бувингиз бўлишини истармидингиз? – дея аввалги саволини қайтарди. Петике нима деб жавоб қайтаришни билмасди.

– У ҳар доим сиз билан бирга бўларди. Тушлик тайёрлаб берар, Қорқиз ва етти пакана, Бўғирсок, иккита уришқоқ эчки ҳақидаги эртакларни айтиб берарди.

– Зўр-ку, – деди ҳар куни кечга яқин онасини соғинганидан хархашасини бошлайдиган синглисидан безор бўлган Петике.

– Мен сизнинг бувингиз бўламан, – деди кампир нуроний табассум билан.

Петике бунга жон-жон деб рози бўлса-да, бир нарсага тушуна олмасди:

– Нимага шу пайтгача бизнинг бувимиз бўлмагансиз?

Аёл ёлғондакам қовок уйди:

– Мен жуда узокда эдим, ўғлим.

– Амриқода эдингизми?

– Амриқода эдим. Ҳатто ундан ҳам узокда эдим, болам...

Қўшни аёл Роза хола туш маҳали Анна Кевечешнинг ҳовлисида ҳазонлар устида ўтирган оқсоч аёлнинг ўз ёшига номуносиб тиник ва чиройли овозда болаларга қўшик ўргатаётганини кўриб ажабланди.

Роза хола нима бўлаётгани билан қизикса-да, қўшни ҳовлига ўтгиси келмади. Нани Ҳомботснинг кизи ким эдики, унинг уйига келган нотаниш мөҳмон ким бўларди? Роза хола ҳатто ўз невараларини ҳам қўшни болалар билан ўйнагани қўймасди. Кинга ўзбошимчалик билан қўшни ҳовлига ўтиб қолса, дарров уни чақириб олар ва яхшилаб таъзирини берарди.

...Катта Оқ Салиб ёнидаги Комло водийси катта йўл ёқасига туташиб кетган. Йўлнинг бир тарафи қишлоққа, иккинчи томони Аннуш ишлайдиган далаларга уланган. Кеч тушиб, кекса нашвати сояси ҳовли бўйлаб чўзилган маҳалда Фюге эринчоклик билан кавш қайтариб ётар, Петикени эса сигир экинзорни беҳуда топтамасин учун уни оғилга эртарок киритиш ташвиши ўйлантиради. Кейин эса, у

синглисининг кўлидан тутганча, катта Оқ Салиб тагига онасини кутиб олиш учун чиқади.

Аннуш Кечевеш болаларини узокдан илғай олади. Ўша ондаёқ унинг вужудини ёқимли бир ҳис чулғайди. У далада ишлашни, айниқса, баҳорнинг ана шу палласини, унинг елкани куйдирадиган қуёшини ёқтиради, янги экилган патинжон кўчатлари баравж ўса бошлагани, қишида насибалари мўл-кўл бўлишини ўйлаб кўнгли тоғдек кўтарилади. Бироқ уйда ёлғиз қолган болаларимга ҳеч нарса бўлмадимикин, деган таҳликали савол бу қувончни бир зумда ювиб кетади.

Даладан Катта Оқ Салибгача ўн дақиқалик йўл. Йигирма беш ёшли, кучли ва соғлом аёл бу фурсатни иккига бўлиб, далада қолган эркакка ва уни кутиб ўтирган болаларига тақсимлаган.

Аннуш вижданан ишлашни севар ва бунинг уддасидан чиқа оларди. Бироқ саккиз таноб ерни бир ўзи эплай олмасди. Бунинг учун камида иккита одам керак бўларди. Унинг хизматкор саклашга қурби етмасди, чунки иккита боласи билан қишидан аранг жон саклаб чикар, ортиқча нонхўрни бокишнинг ўзи бўлмасди. Ҳатто савр ойига бориб уларнинг қуруқ жўхори нондан бўлак егулиги қолмасди. Бу пайтда жўхори сўтасидан бошқа емиши қолмаган Фюге ҳам сутдан тўхтарди.

Аннуш ютоқиб зоғора нон кавشاётган болаларини кўрганида, кечкурун уларнинг сўлғин баданини ишқаб чўмилтираётганида юраги эзилиб кетарди. Шунда у чўчқа сотиб олиш учун йиғиб қўйган пулни оларди-да, гўшт, ёғ ва кўпроқ шакар сотиб олиш учун дўконга югурмокчи бўлар, бироқ бу пайтда дўкон ёпик бўлишини ўйлаб, ҳафсаласи пир бўлар, эрталаб уйғонганида янаги йил учун битта чўчқача олиб қўймаса бўлмаслигини англаб, пулга теккиси келмасди.

У энди тирикчилик ҳақида унча қайғурмаса ҳам бўлади. Ёнида Фабиан бор. У Аннуш Кечевеш кимнинг қизи эканини билган такдирда ҳам уни ташлаб кетмайди.

У бир ой илгари Фабианни мардикор бозоридан ёллаб келганди. У озғин, ўйчан чехрали, мулоҳазакор йигит эди. Унинг хўрлик ва ситамларга кўнишиб кетган нигоҳларида ишончсизлик ва чукур қайғу акс этиб турарди.

Аннуш йигитнинг қисматида ўзиники билан ўхшашик борлигини пайқади. У етимлик, ёлгизлик нима эканини яхши билади. Улар икки ҳафта давомида бир далада меҳнат килишди. Аннуш биринчи кунданоқ йигитнинг ота-онасини ҳам кўрмагани, очкўз ва кўпол қишлоқилар кўлида етимликда ўсгани, шу пайтга қадар бирор марта бирор кишидан ширин гап эшитмаганини сўраб билиб олганди.

Бугун туш пайти аёл яна баҳтнинг сархуш этгулик титроғини бутун вужуди билан хис этди. Улар тол сояси остида биргаликда нон ва қарзга олинган чўчқаёғ ейишли, шунда Фабиан айтдики:

– Бекам, мен қудукдан тозароқ сув опкелай.

Аннуш ўз-ўзини енгишга харакат қилди:

– Фабиан, мени бекам демагин, Аннуш деявер.

Йигит унга тикилди, аммо дарров бошини эгиб олди, лабларига титрок югурди.

– Тилим бормайди, – дея шивирлади у.

Аёл унга яқинроқ келди ва иягидан кўтариб ўзига қаратди:

– Аннуш дегин, – майнлик билан ўтинди аёл.

Улар узоқ муддат бир-бирига тикилиб қолишли.

– Шу пайтга қадар ҳеч ким мени севмаган эди, – деди йигит ва бирдан унинг нигоҳлари тундлашди.

– Мен... Мен сени севаман, Фабиан! Сен буни биласан. Биласан-ку, тўғрими?

– Мен ҳам сизни севаман, – деди Фабиан хўрсиниб.

Унинг сўзларини аранг эшитиш мумкин эди.

– Сизни эмас, сени дегин!

Фабиан Аннушнинг юзига узок термулди: унинг дудоқлари атрофига майин табассум ёйилган, кўзларида самимийлик акс этарди, йигит эса анчадан буён ичида тўпланиб қолган йиғи тўфонини аранг ушлаб турарди.

– Сени, – деди оҳиста энтикиб.

Улар қанча вақтгача қучоқлашиб туришганини ёлғиз худо билади. Кейин Фабиан қархисида илк бор бетакрор мўъжизани куриб тургандек енгил ва ҳайратомуз жилмайганича сўради:

– Кудукдан муздек сув олиб келсам майлим... Аннуш?..

...Аннуш чўккалаб болаларини бағрига босди, уларнинг юз-кўзларидан қайта-қайта ўпди. Унинг лаблари жигарбандларининг юз териси ҳар кунгидек эмаслигини дарров пайқади, аммо дастлаб бунга эътибор бермади, – э худо, бу етимчалар учун куннинг ўтиши бунчалар кийин бўлмаса? Ўтган ёзда Марика ҳали кўкракдан ажралмаган пайтда кечкурун уни кўриши билан “онна, онна” дея кийкира бошларди. Ҳа, Аннуш уларнинг “онаси”. Улар онасисиз яшай олмайди, шуни хис этишнинг ўзи қанчалар катта бахт. Ахир у фарзандларини айнан ўзи учун дунёга келтирмадими?

У кизчани қўлига кўтариб олди, ўғлининг қўлидан тутди. Улар торгина сўқмокдан уйга қайта бошладилар. Петике одатдагидек шоша-пиша кун бўйи юз берган воқеаларни “шарҳлашга” ўтди, онаси эса унга ҳорғинлик билан қулок тутарди: күшнинг ини... Марике йиғлади... Улар дўкон-дўкон ўйнашди... Бирдан аёл сергакланди:

– Нима дединг, ўғлим?

– Бувим келдилар, – деди бола қувончи ичига сиғмай, шундагина онаси унинг қўлида турган думалоқ кўзгучага эътибор берди, – қаранг, бувим менга манавини бердилар.

– Қанақа буви, қаердан келади? – ажабланди Аннуш.

– Амриқодан.

Наҳотки болаларидан бирининг отаси ўз фарзандини олиб кетиш учун онасини юборган бўлса?.. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ахир бўйнимга осилиб олмоқчи, деб ўйламасин учун у биронта йигитта ундан ҳомиладорлигини айтмаганди-ку?

– Бувим бизга эртаклар айтиб бердилар. Бирга қўшиқ айтдик, ўйнадик, – ҳикоясини давом эттирди Петике.

Аннуш миясида чарх ураётган нохуш фикрларни ҳайдамоқчи бўлар, бироқ ундан қутула олмасди. Шунда бетоқатлик билан ўғлига қичкирди:

– Одамга ўхшаб бир бошдан гапир, қанака буви, қайси буви?

Бола бироз шошилиб қолди-ю, беш ёшли боланинг имкони даражасида бор гапни айтиб берди.

– Қаерда ҳозир ўша аёл? – сўради у сабрсизлик билан.

– Уйда.

– Нима қиляпти?

Петике йиғлагудек бўлди:

– Фюгени соғиб, кечлик тайёрлайтилар.

– Сен унга калит пичанхонанинг токчасида туришини айтдингми? – ўшқирди онаси. Бола энди барадла йиғлаб юборди:

– Йў-ўқ, – деди алам билан хириллаб, – ўзлари биларканлар. Ҳар доим калит мана шу ерда турарди, дедилар.

Аннуш тахтадек котиб қолди. Ҳолсизланиб қизчани ерга кўйди. Юраги ўрнидан кўзғалиб, бўғзига қадалгандай бўлди, ҳозир бўғилиб ўламан, ўйлади Аннуш. Болалар унга даҳшат ичидаги қараб туришарди. Ана шунда Аннуш болаларнинг оёқ-кўллари ҳар кунгидек кир-чир эмас, топтоза ювилганини кўрди. Кечагина ўғлининг иштончасидаги йиртиқни уйда ип йўқлиги учун ямай олмаганди, ҳозир эса, ўрниям билиммайди. Петикенинг енглари, қизчанинг

эгнидаги чит кўйлак ҳам ювилган, ҳозирги иссиқда ҳамма нарса тез куриб қолади.

У болаларини судраганча уйга томон ошиқди. Тепаликларнинг сояси водий бўйлаб ёйила бошлаган эди. Аёл ошхонасининг эшиги туйнугидан шуъла таралмаётганини узокданоқ пайқади. Ичида хира умид яллиғанди: эҳтимол кетиб колгандир? Балки унинг ўзи умуман бўлмагандир. Петике у ҳақдаги гапларни шунчаки алаҳсираб айтган бўлса-чи?

Шу пайт чўка бошлаган шом пардаси ортидан унинг кулоғига майин ва сокин бир қўшиқ эшиналди. Қўшиқ оҳанги яқинлашган сари Аннушнинг вужудига титроқ кира бошлади. Бу овоз, бу қўшиқ унга таниш, лекин улар йилларнинг залворли қатида қолиб кетган, лекин хотирасининг қайсиdir пучмоғида занг босиб ётганди. Ҳозиргина аёлнинг назарида алланима зарб ила портлади-ю, бу олис хотиралар қайта жонланди. Унинг кўз унгига заррин сочли, кўзлари чакнаб турган, навқирон ва меҳридарё аёл сиймоси пайдо бўлди...

Унинг алланечук парда қоплаган нигоҳлари кийшик нашвати остида турган аёл гавдасини зўрга илғай олди. Жўхори ситиб ўтирган аёл Аннушни кўриши билан илкис кўзғалди-ю сехрлангандек бир зум қотиб қолди, кейин унинг паст ва ўтинчли овози эшиналди:

– Жон кизим, мени ҳайдама!

Аннуш вужудидаги сўнгги журъатни тўплаб:

– Қолверинг, она, – дея олди, холос ва унинг ўксик йиғисини ҳеч ким эшилмасин учун ўзини жон ҳалпида уй ичига урди.

“Қолаверинг... Қолаверинг?.. Йўқ, уни эртагаёқ жўнатвориш керак. Ҳар ҳолда яrim кечаси қувиб юборса бўлмас”.

Аннушнинг ўт чакнаган кўзлари коронгилик бағрини ёриб турарди. Онаси ҳам ҳозир уйғоқ эканин ич-ичидан ҳис

қилди. Бечора кун бўйи хориб-чарчаб кетгандир? Ахир Аннушнинг ҳамма ишларини бажариб қўйибди-ку? Бунинг устига яна ётиш олдидан болаларни ювинтириб, жойига ётқизди, яна эртаклар айтиб берди. У қандай бўлмасин, фойдаси тегиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлган-да! Ана шуни ўйлаб Аннушнинг кўзлари ёшга тўлди.

Хонада нафас олишнинг иложи йўқдек эди, ҳаво гўё тошметинга айланган, уни ҳатто болта билан ҳам майдалаб бўлмасди.

– Нега бунака қилдингиз, она, – унинг қўқкисдан янграган хитоби ёнгинасида ухлаб ётган қизчасини ҳам қалқитиб юборди.

Кўшни тўшакдан ҳадеганда жавоб эшитилавермади:

– Кўй, қизим, ўтган ишга салавот. Ярамни янгилаб нима қиласан?

– Шунака дeng, – деди қизи заҳарханда билан, – Демак, бу яра сиз учун эскирибди-да? Бўлиши мумкин, чунки сиз қилмишингизга яраша жазо топдингиз. Мен-чи, мен ким учун, нима учун азоб тортиб юрибман? Менинг ҳаётимни кўрдингизми? Бунга ким айбдор?

Онаси жавоб бермади. Қиз ҳам жавобни кутмаётган эди.

– Мени қишлоқда ким деб чақиришларини биласизми? Нани Ҳомботснинг қизи. Факат шу, холос. Мени тушуна олган, меҳнатим, ҳалоллигимни қадрлай олган бирорта инсон тополганимда, унинг хоки пойини кўзимга суртардим. – Аннуш бўғзига қадалган йигини ютиш учун оғир хўрсинди. – Мен одамлар наздида йўлини йўқотган саёқ бир қизман! Ахир қотил онанинг фарзандига бирор хайриҳоҳ назар билан боқармиди? Мен... ҳатто мана шу болаларни ҳам кимгадир меҳр қўйиш учун туғдим...

Аннушнинг товуши йигига кўшилиб хириллаб қолди. Шундай бўлса-да, умрида илк бор ичидаги дарду аламини бирорнинг олдида тўкиб солаётганди.

**Анчадан кейин орадаги жимликни онанинг маҳзун овози бузди:**

– Бу ишни мен килганим йўқ, ўша италиённинг иши эди бу!

**Аннуш жим қолди.**

– Мен бу ҳакда сенга оғиз очмоқчи эмасдим. Ҳатто маҳкамада ҳам менинг гапларимга ҳеч ким ишонмаганди, – дея гапида давом этди кампир. – Ҳаётимда ҳамма нарсадан азиз бўлган икки норасиданг ҳаққи қасам ичаман, сенга бор гапни айтяпман.

**Аннуш секин инграф қўйди:**

– Гапираверинг, қулоғим сизда.

– Мен севиб қолгандим. Ўша италиённи деб эс ҳушимдан айрилган эдим. Нима килаёттанимни басир ақлим ҳам идрок этолмасди... Саратоннинг ilk оқшоми эди. Ҳудди мана шу тўшакда ёттандик, туйкусдан деразани кимдир чертди. Сапчиб ўрнимдан туриб кетдим: “Ким бу?”, “Бу мен – Андриш”. Эрим қайтиб келганди. Қўркувдан ўзимни тамомила йўқотиб қўйдим. “Жузеппе, – дедим италиёнга қараб, – бекин, каравотнинг тагига кирасанми шкафами, эшикнинг орқасига ўтасанми, яширин!” Жузеппе бамайлихотир ўрнидан туриб, шалварини кийди: “Нега бекинарканман, сен менинг хотинимсан, ўша сўтак сенг энди кўлинини ҳам теккиза олмайди!” Мен ундан бекинишини сўраб тиз чўкдим, ялиндим-ёлвордим. Унинг эса бир туки қилт этмади. Эрим эса бу пайтда эшикни гурсиллатиб тепе бошлаганди. Ё раббий, энди нима қиласман? Шу пайт шовқин-сурондан сен уйғониб кетдинг.

– Ўшанда мен неча ёшдайдим, – сўради киз какрагаи лабларини ялаб.

– Бир ярим яшар... Сени кўтариб олдим-да, эшикни очдим. Эрим ҳовлиқа кетди: “Вой, сен қанжик,вой фохиша Демак, ҳаммаси рост экан. Сен ҳакингдаги гап-сўзлар, ҳатто муҳорабага етиб борган, манжалаки!” У мен тарафга муш-

отди. Аммо унинг залворли муштуми сенга тегмасин учун елкаларим билан сени тўсиб қолдим. Бир пайт эс-хушимни бир ерга тўплаганимда, улар мендан анча узокда ёқалашиб ётишарди. Уларнинг иккиси ҳам йиртқич кепатасига кирганди... Бир пайт италиён ўрнидан туриб, хорғин ух тортди, отанг ерда чалқанчасига ҳаракатсиз ётар, унинг бўғзидан тинимсиз қон отиларди.

Кампир кийинчилик билан ютиниб олди.

– Мен тамоман қотиб қолгандим. Оёқ-қўлларимдан мажол кетиб, қимираётмай қолгандим. Италиён мени эшик олдидан ичкарига итариб киргизди ва жасадни ташқарига судраб чиқди. Шу кеттани билан тонгта яқин қайтиб келди. Мен ҳамон эшик оғзида турар, сени қачон жойингга ётқизганимни ҳам эслолмасдим. “Нима қип қўйдинг, Жузеппе, нималар килдинг”, сўрадим қақшаб. У таҳдид билан ўшқирди: “Унингни ўчир, маржа, биз шунчаки жанг майдонида тўқнашиб қолдик, иккимиздан биримиз ўлишимиз аниқ эди”. У агар бу ҳакда бирорга гуллайдиган бўлсан, мени ҳам сени ҳам ўлдиришини айтиб кўркитди. “Агар ўлдиrolмасам, – деди у, – ҳамма ишни сенинг кўрсатманг билан килдим, дейман”.

– Сиз индамай юравердингиз...

– Уруш вақти эди, болам. Уруш одамларни шафқатсиз килиб қўяди, ҳатто аёлларни ҳам.

– Кейин нима бўлди?

– Икки ҳафтадан кейин уйимизга иккита миршаб келиб эримни сўради. Уни қаерда эканини айтишимни талаб килишди. Агар ўзлари топиб олишса, жойида отиб ташлашларини айтишди. У пайтларда қочқин аскарларни сўрамай-нетмай отиб ташлашарди. Жузеппе миршабларнинг орқасидан менга тикка караб турарди. Мен эрим уйга қайтмаганини, уни мутлақо кўрмаганимни айтдим. Уруш тугаб ҳамма асиirlар, жумладан, Жузеппе ҳам Ватанига қайтди.

– Сиз... ўшандан кейин ҳам.. у билан яна...

– Унга қаршилик кўрсата олмасдим. Бироқ унга нисбатан хисларим аллақачон сўниб бўлганди... ундан қўрқардим. холос. У мени масхаралар, таҳкирларди. У мухорабада нечтасининг миясидан отгани, яна қанчасининг қорнини ёриб ташлагани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берарди.

Аннуш бу гаплардан музлаб кетди: инсон шу қадар ваҳшийликка бориши мумкинми? Кимнингдир қорнини ёриб ташлаш Фабианнинг ҳам қўлидан келармикин? Ёки кимдир Фабианнинг... Ох, йўқ, йўқ!!!

– Мен бирор марта ҳам италиёндан эримнинг... жасадини нима қилгани ҳақида сўраганим йўқ. Бироқ эртами кечми бу сир, албатта, очилишини ҳис этардим. Мен кеча-ю кундузни кўркув ичида ўтказардим. Сир фош бўлгач... анча енгил тортгандек бўлдим.

– Маҳкамада ҳамма гапни айтиб берганмисиз?

– Айтганман. Ишонишмади. Ҳақиқий айбдор эса, бу ерда эмасди. Уни қидириб кўришди. Италияга ҳам мактуб йўллашди, аммо бундай одам ҳеч қаерда йўклигини маълум қилишибди. Менинг устимдан ҳукм ўқилди. Барчасига чидадим. Мен фактат ўзимни эримга хиёнат қилганим ва қотилликдан вокиф бўла туриб хабар бермаганим учун айбдор санарадим, холос. Бошқа ҳеч қандай гуноҳим йўқ эди... Менга ишонасанми?

Кизи оғир тин олди:

– Ишонаман, она!

Кампирнинг кўксидан ўлик бир оҳ ва аллақандай мавҳум товуш отилиб чиқди. Кейин бирдан нафаси ичига тушиб кетди. Энди унинг товуши сокин ва сўник тус олди. Унинг овози ҳамон ёшлик пайтидагидек тиниқ эди.

– Сени жуда кўп эсга олдим. Йил санадим. Мана, олти йил тўлди. Етти йил... Ё раб, кизим мактабга бораётгандир. Энди... ўн бешга қадам кўйди. Эҳтимол йигитларнинг кўз

остига тушиб қолгандир? Оқшомги базмларда уни раксга таклиф қила бошлашгандир?

– Базм... ракс... – дея енгил хўрсинди Аннуш.

– Ўша йили агар мен ўзимни шу тахлит яхши тутиб бораверсам, яна ўн йилдан кейин мени озодликка чиқаришларини айтишди. Оҳ, бу ўн йил! Шу пайтгача мен ҳеч нарсадан умидвор эмасдим ва шуниси яхши экан қайтага. Мен шу пайтга қадар тирик мурда эдим, танамга жон киргандай бўлди. Мен эрк аталмиш бир кенглик борлигини эсладим яна. Очик осмон остида қолган қадрдон кудугимизни, бир тарафини яшин уриб кетган нашватимизни, ҳар тонг тепалик ортидан кўтариладиган куёшимизни, сенга сут ичирадиган сирли дўлчани, ҳамма-ҳаммасини соғингандим. Уларнинг бари меники эди. Баъзан ўша кунларга ета олмасам-чи, деб кўрқардим. Даҳшат! Сен бу пайтда ёруг оламда бўлмасанг-чи? Мен боргунимча уйимиз ёниб култепага айланган бўлса-чи? Кудук куриб қолган бўлса-чи? Ана шундай ҳадик ва ҳаяжон ичида кечди сўнгти ўн йил.

Аннуш онасининг гапларидан кейин танаси фалажланиб бораётганини ҳис қилди. Кампир ҳамон ҳикоясини давом эттиради:

– Катта Оқ Салибдан уйгача бўлган йўл ўша азобли ўн йилдан ҳам узокрок давом этди.

– Бас, – дея чинқирди бундан ортигини эшитишга юраги дош беролмаслигини сезган қизи тишини-тишига босиб.

Хонага ўлик сукунат чўкди. Анчадан кейин Аннуш секин кимирлади:

– Она, – овоз берди у шивирлаб, – онажон, ухляпсизми?

Жавоб бўлмади. Аннуш оҳиста устидаги кўрпани четга сурди-да, оёқ учida юриб ташқарига чиқди. Кампир унинг ортидан маҳзун қараб қолди:

– Фабиан, – пицирлади аёл. – Тур, кетишинг керак.

- Аннуш, сенмисан? – деган уйқусираган товуш эшитилди.
- Ха, менман, кўзингин оч, кетадиган вақтинг бўлди.
- Дарров-а, – бироз норози оҳангда ғўлдиради йигит. – Патинжон экишга борамизми?
- Йўқ, сен энди менинг уйимдан бутунлай кетишинг керак, Фабиан.
- Нимага?.. ахир...
- Сабабини сўрама, кетишинг керак!
- Нима, сен энди севмайсанми мени?
- Вой, Худойим!
- Узоқ жимлиқдан сўнг йигит ғамгин пичирлади:
- Ўзимам ишонмагандим. Ҳаммаси туш экан. Бирлаҳзалик туш. Мени ҳеч ким севмаган экан.
- Фабиан, бу ҳечам туш эмасди, мен сени жонимдан ортиқ кўраман. Лекин... ҳозироқ кетишинг керак, тушун мени!
- Ҳечкурса, сабабини айтарсан?
- Ҳозирча мен сени ҳайдашга қобилман. Кейинчалик... кейинчалик мени ташлаб кетганингда мен бунга чидаёлмаслигим мумкин.
- Сени нега ташлаб кетарканман? – ҳаяжонда сўради йигит.
- Ахир, сен мени билмайсан, – оғир уҳ тортди Аннуш.
- Биламан, сениям болаларингният яхши биламан севаман ҳаммангизни!
- Аёл индамади.
- Майли, Аннуш, эрталаб кетганим бўлсин.. Факат йиглама...
- Фабиан, жоним, сени севаман!..
- У пичанхонада, йигитнинг ёнгинасида уйқудан кўз очди Ҳаммаёқ ёришиб кетганди. У бирдан ўзини йигитдан четтг тортди. Чўчиб ўйғонган Фабиан худди чўкиб кетадигандай аёлнинг елкаларидан тутиб қолди. У йигитнинг кўлларини

четта суриб уйга отилди. Онаси ётган ўрин бўш турарди. Унинг кўйлаклари ҳам, ҳассаси ҳам, бўхчаси ҳам кўринмасди. Аннуш уйни, боғни, ҳовлини, ҳаммаёкни айланиб чиқди. Онаси йўқ. Балки кўчага чикқандир?

Роза хола бир қучоқ хашакни кўлтиқлаб, даладан қайтаётган экан.

– Роза хола, сиз кўрмадингизми?

– Нимани, – ажабланди Роза хола.

– Ҳалиги... оқсоч бир аёлни кўрмадингизми?

– Ҳа, анув, кеча болаларинг билан қўшиқ айтиб юрган кампирними? Катта Оқ Салибнинг тагида учратгандек бўлувдим. У қишлоқдан чиқиб кетди. Йўл-йўлакай қандайдир қўшиқни куйлаб кетди. Уни нимага сўраяпсан, бирон нарсангни ўтирлаб кетдими?

*Рус тилидан  
Рустам Жабборов таржимаси*

## БҮЛМАҒУР КАСБ

Бу каталакдай хонада деворга илингаян ёғоч хочдан бўлак нарса йўқ эди. Пружиналари чиқиб ётган пачоқ диван, бўёғи кўчган стол ва бир жуфт қийшиқоёқ курси ичкарига кирган одамни ё қўркитар, ё кўнглини беҳузур қиласарди. Алмисоқдан қолган бу жиҳозлар хонага келтирилгунча юз ийл қўлма-қўл сотилганга ўхшарди.

Бузук телевизорнинг устига батартиб тахлаб қўйилган кулранг костюм ва сочиқни хисобга олмагандан хонада бирорта янги буюм кўзга ташланмасди. Стол ёнида Хоган исмли ўрта ёшлардаги барзанги киши револьверини тозалаб ўтиради. Столдаги спорт саҳифаси очилган газета устига мой солинган идиш, беш дона ўқ ва қуролни тозалашда ишлатиладиган майда-чуйда асбоблар қўйилганди. Хоган тез-тез қуролини ёрукка тутиб ствол ва ўқдонининг ичидаги кир ва зангни артарди. Бу девклебат нусха сира шошилмайдиган, тепса тебранмас одамга ўхшарди.

Эшик тақиллади.

– Ким? – деб ўшқирди Хоган ишдан бошини кўтармай.

Эшик яна тақиллади.

– Кираверинг:

Худди мафия ҳакидаги эски фильмлар қаҳрамониде кийинган йигирма беш ёшлардаги йигит ичкарига кирди. Эгнида қора костюм, бўйнига қиммат бўйинбоғ тақилга олифта йигитнинг уни учли учли пойабзали ялтираб туарди. Ҳенарсадан тап тортмайдиган устомонлардек ясаниб олга бўлса-да, унинг қўлида бит ҳам ўлмаслигини бир қарашдаёс сезиш кийин эмасди. Йигит бўсағада бир оз талмовсира турди-да, кейин эшикни ёпиб столга яқин келди.

– Эшикни қулфламабсиз-ку? – олифтанинг асабий овоз шанғиллаб эшитиларди.

- Кулфлаб нима қиласан? – Хоган пинак бузмай револьверини артаверди.
- Агар ҳозир мен эмас, анави кириб келганда нима бўларди?
- Анави деганинг ким? – деди Хоган йигитга кўз қирини ташлаб.
- Ким эмиш! Бизга гумдон қилиш буюрилган одамни айтаяпман! Ахир у каллакесарларнинг ичида энг ёшаддийси-ку. Тирик афсона!

Хоган елка қисди.

- Ажали етса афсоналар ҳам ўлади.
- Мендан олдин келиб сизни тинчитганда-чи?
- Ўзингни бос, болакай. Унака одамлар доим вактида келади.

Шунча гапдан кейин йигит ниҳоят Хоганга қўл узатди.

- Менинг исмим Жимми.
- Ҳеч қачон исмингни бегоналарга айтма, – деди Хоган. – Бизнинг ишда янгимисан дейман?
- Ўқ узишни ўрганганимга анча бўлган, – Жимми ердайиб хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. – Бу ерда ичадан бери ўтирибсизми?
- Ҳа, сени Мэнни ёлладими?
- Бошқа ким ҳам ёлларди?
- У сенга мижоз ҳакида нима деди?
- Мижозларинг ҳам сизлар қиласидиган иш билан шуғулланади. Лекин у каллакесарларнинг орасида энг зўри, деди.
- Хўш, биз нима иш билан шуғулланарканмиз?

Жимми масхараомуз хиринглади.

- Ўзингизни гўлликка солманг. Биз муаммоларни ҳал иламиз. Кераксиз одамларни йўқотамиз. Яқинда Мэйсон ёган бир яусхани ўзим тинчитдим.
- Ие, Мэйсонни сен ўлдирган экансан-да?
- Ҳа-да. Қандай ўлдирганимни эшигандирсиз?

– Мэйсоннинг ўлими ҳақида бутун шаҳар эшилди Айтишларича, қотил тап тортмай унинг тансоқчилари орасига кириб боёкишни отгану, ҳеч нима бўлмагандек нари кетган эмиш. Мэйсоннинг тансоқчилари эса қимирашга ҳам ботина олишмаганмиш.

– Худди шундай бўлган. Совукқонликда менга тенг келадигани йўқ, – Жимми дарз кетган ойнага қараб бўйинбоғини тўғрилади. – Бугун биз ўлдирадиган одам эса Мэннини алдаб кетган.

– Шунақа де?

– Ҳа. Тафсилотлари менга номаълум. Лекин Мэннининг жаҳлинин чиқарган экан, демак, уни дарров гумдон қилиш керак. Хуллас, Мэнни сиз билан мени ёллади... Манави костюм билан сочиқнинг нима кераги бор?.. Эҳа тушундим! Яхши ўйлабсиз!

Хоган мийигида кулиб қўйди.

– Куролингизни артишингиздан тозаликни яхши кўришингиз сезилиб турибди, – бидирлашда давом этди Жимми. – Эгнингиздаги кийимга қон сачраса, манови костюмни киясиз, шундайми?

Хоган жавоб қайтармай унга тикилиб тураверди.

– Ҳар сафар одам ўлдиргач, кийим алмаштирасизми? Одатингиз шунақами дейман?

– Кўп гапирмай куролингни тозаласанг-чи.

Жимми костюмининг остига қўл солиб автоматик тўппончасини чиқарди.

– Менинг қуролим доим тоза ва шай.

– Ундей бўлса, дуруст. Бугунги мижозимиз анойиларда эмас. Ўзинг айтганингдек – тирик афсона.

– Тўғрисини айтсан, Мэнни кўрсатган расмда мен уни таниёлмадим, – деди Жимми тўппончасини белидаги филофга солиб.

– Болакай, агар бизнинг ишимизда сени ҳамма тани бошласа, ажалингдан беш кун бурун ўласан.

Лекин олифта йигит Хоганнинг гапига эътибор бермай яна хонани гир айланишга тушди.

– Шунака уйдаям одам яшарканми-а? Бу вайронанинг эгаси ким ўзи?

– Эгасини танимаганинг маъкул.

– Мижозимизни Мэнни бу ерга янги буюртма бериш учун чақирган, – деди Жимми кафтларини бир-бирига ишқаб. – Аммо бу сафар овчининг ўзи ўлжага айланади! Биз эса уни ов қиласиз! Зўр-а? – У тоқатсизланиб соатига қаради. – Тезроқ кела қолмайдими энди.

– Бўзчининг мокисидай гир айланавермай ўтиранг-чи.

Шу пайт Жиммининг кўзи столга тушди.

– Ие! Бу ахир...

У столдаги револьвер томонга қўл чўзган эди, Хоган бир зумда уни йикитиб, бўғзига пичок тиради.

– Г-газетангизда “Никс” жамоаси ғалаба қозонгани ёзилган экан... Шуни кўрмоқчи эдим, – деди йигит кўзи ола-кула бўлиб.

Хоган хато қилганини тушуниб Жиммини қўйиб юбордида, пичоғини яшириб, яна револьверини арта бошлади.

– Узр, болакай. Мен сени ҳалиги... ўзинг тушунасан-ку.

Жимми титраётган қўллари билан бўғзини пайпаслади.

– Шуям инсофданми? Биз ахир шериклармиз-ку!

– Сен тажрибали каллакесарсан, шундайми?

– Шундай.

– Кўп одам ўлдиргансан, тўғрими?

– Тўғри.

– Унда нега чакагинг тинмай бунча жаврайсан?

Жи...ми диванга ўтириб бирпас жим қолди.

– Тил бўлгандан кейин гапираман-да. Айтинг-чи, сиз нега револьвердан фойдаланасиз? Ахир унга бор-йўғи бешта ўқ сиғади-ку?

– Бир сафар автоматик тўппончам ишламай қолиб, нариги дунёга равона бўлай деганман.

- Менинг тўппончамда ўн тўртга ўқ бор.
  - Агар отишма пайтида қуролинг ишламаса, ўқинг юзта бўлсаям отолмайсан. Ўз ишининг устаси барини олдиндан режалаштириши керак.
  - Ҳали кўрасиз, бир кун келиб менинг номим тилларда достон бўлади! – деди Жимми завқланиб.
  - Йўғ-э, шунчалик чапдастмисан?
  - Бўлмасам-чи.
  - Кўп пул топсанг керак-а?
  - Сўраманг, – Жимми чўнтағидан “Лаки страйл” кутисини чикариб сигаретни ёқди.
  - Бу ерда чекиш мумкин эмас.
  - Ҳазиллашнаяпсизми?
  - Мен касалхонада чириган ўпкам бўғзимга тикилиб ўлмокчи эмасман. Ундан кўра ўқ еб ўлганим яхши.
  - Жин урсин! – Жимми ғижиниб сигаретни ўчирди. Шу пайт ташқаридан қадам товуши эшитилди-ю, у ўрнидан сапчиб туриб қуролини қўлга олди. Хоган эса пинак бузмай револьверини тозалайверди. Қадам товуши узоклашиб, нихоят эшитилмай қолгач, Хоган ёш шеригига масхараомуз илжайди ва Жимми қуролини яшириб, яна жойига ўтирди.
  - Балки эшикни қулфлаганимиз яхшидир? – деди йигит тутакиб. – Анави нусха хозир кириб келса, ғафлатда қоламиз... Менга қаранг, револьверингизни артавериб тешиб қўйманг тагин.
  - Бизнинг ишда иккита қоида бор, болакай. Биринчиси – қуролингта зътиборли бўл. Иккинчиси – рақибингни хурмат кил.
  - Шунинг учун ҳам эшикни қулфлаш керак деяпмай-да.
  - Йўқ. Эшик очик туриши керак.
  - Ахир...
- Шу пайт Хоган бошини кескин буриб ичкари хоналарга олиб ўтувчи тор йўлак томонга қаради-да, кўрсаткич бармоғини лабига босди.

- Жим!
- Нима бўлди?
- Ичкарида нимадир тикирлади. Сен эшитмадингми?
- Жимми ўрнидан турди.
- Йўқ...
- Эрталаб келганимда ичкаридаги хоналарни текширишни унтибман, – деди Хоган елка қисиб.
- Жин урсин!

Жимми тўппончасини чиқариб йўлакка кириб кетгач, Хоган ҳам револьверини ўқлаб шайланиб турди. Бир пайт Жимми ранги докадек оқариб додлаганча хонага қайтиб келди.

– Ваннада мурда ётибди! Ҳаммаёғи қон! Эшитаяпсизми?

Хоган бир ҳамлада йигитнинг қалтираётган қўлидан тўппончани юлиб олди-да, бошига револьвернинг дастаси билан уриб, уни ерга қулатди.

– Қимирлама!

Жиммининг тўппончасини ўзининг камарига таққач, Хоган унда бошқа курол йўқлигига амин бўлиш учун устбошини титкилаб чиқди-да, ортга чекинди.

– Ҳаммасига энди тушундим, – деди тиз чўкиб турган йигит шошиб. – Мижозимиз мендан аввал келган ва сиз уни ўлдириб ваннага тиққансиз. Мэнни берадиган иш ҳакини фақат ўзингиз олмоқчисиз, шундайми? Мен розиман! Мэннига кеч қолдим, шеригим мижозни ўзи гумдон қилди, дейман. Фақат илтимос, мени ўлдирманг!..

– Ҳеч нарсани тушунмадинг, болакай, – деди Хоган унга куролини ўқталиб. – Сен билан бугун бирга ишлаш учун келган шеригингнинг мурдаси ваннада ётибди. Мен эса сизлар ўлдирмоқчи бўлган каллакесарман.

– К-қанақасига?.. Бўлиши мумкин эмас!

– Рақибингни доим ҳурмат кил, деб айтдим-ку сенга. Тузокқа илиндингми, энди мендан ўпкалама...

– Ўтинаман! Ундай қилманг!

– Ҳаётда шунақаси ҳам бўлади, ошна. Баъзан ўзинг кўйган тузокқа ўзинг илинасан. Ҳафа бўлма. Қийнал маслигинг учун тўғри миянгта ўқ узаман. Дарров жон берасан. Тўғри, юрагинг яна уч-тўрт дакиқа уриб туради-ю, кейин тананг совиб, омонатингни топширасан.

Жимми ўкириб йиглаб юборди.

– Менга раҳмингиз келсин!.. Пул бераман! Ҳамёнимни олинг!..

– Мен учун одам ўлдириш пашша ўлдиришдек гал. Биласанми, айримлар кўзини чакчайтириб жон беради, бошқалар кўзини юмади. Сен қайси нисини танлайсан?

– Худо ҳаққи, менга шафқат қилинг!

– Болакай, кўнглингта оғир олма. Айтаяпман-ку, ишим шунақа. Бугун мен сени ўлдирмасам, эртага сен мени ўлдирасан.

– Ўлдирмайман! Сизни бошка безовта қилмасликка қасам ичаман!

– Сендай тажрибали қотилнинг қўлидан ҳар иш келади. Ахир сен, кимсан Мэйсонни тинчитгансан-ку!

– Айтганларимнинг бари ёлғон! Мен умримда одам ўлдирмаганман! Каллакесар амакимга ҳавас килиб бугун биринчи марта бу ишга кўл ургандим. Ўтинаман, мени кўйиб юборинг! Қайтиб қорамни кўрсатмайман!

– Гапларингта ишонаман, болакай. Чунки... агар билсанг, Мэйсонни мен ўзим ўлдирганман.

– Ё, худо!

– Ўшанда тўппончам ишламай қолгани учун унга манави револьвердан ўқ узганман. Шундан бери фақат револьвердан фойдаланаман... Демак, сен ҳали қўлидан ҳеч иш келмайдиган ҳаваскор экансан. Бу жуда ёмон. Келажакда менга ўхшаган тажрибали мерган билан ишлаб, ҳаммасини расво қилишинг мумкин. Мен бунга йўл кўйлмайман.

Жимми уввос солиб йиглашга тушди.

– Онамнинг қабри билан қасам ичаман! – деди у дир-дир титраб. – Қайтиб қўлимга қурол олмайман! Ҳамёнимни олиб, мени қўйиб юборинг!

– Агар ваъдангда турмасанг-чи?

– Агар қасамимни бузсам, ўзингиз мени отиб ташлайсиз. Ўтинаман, мени қўйиб юборинг!

Хоган револьверини секин туширди.

– Унда гапимни қулогингта қўйиб ол, тирранча. Агар яна қўлингга қурол олганингни эшитсам, ўзим сени тинчитаман, тушундингми?..

– Тушундим, – деди йигит юм-юм йиглаб.

– Бу ердан қорангни ўчиришинг учун сенга икки сония вакт.

Жимми ўрнидан иргиб турди-да, ташқарига отилиб чиқиб, жон ҳолатда югура кетди. Унинг қадам товуши тингач, Хоган револьверини ғилофига жойлаб, столдаги ашқол-дашқолларни кутига сола бошлади. Шу пайт ичкаридан кийим-боши шалаббо, ҳаммаёғига қонга ўхшаш кизил суюклик суртилган Блейк чиқиб келди.

– Анави лаънати ваннада яна беш дақиқа ётганимда чўкиб кетишим аниқ эди, – деб тўнғиллади у ва телевизорнинг устидаги сочиқни олиб артинди. – Энди бошим касалдан чикмайди. Диванда ётаверсам ҳам бўларди-ку, Хоган?

– Ишончлироқ чиқсин дедим-да.

– Ҳа, жуда ишончли чикди, – деб кесатди Блейк. – Сенинг шарофатинг билан оёғимдан сочимгача помидор қиёмига булғандим.

– Агар диванда ётганингда у сени ростдан ҳам ўлганми, йўқми деб текшириб кўриши мумкин эди. Ваннада ўз қонига беланиб ётган мурдани текширишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди.

– Ўргиллим сендақа билағон режиссёрдан, – Блейк кийимларини ечиб уст-бошларини тозалашга тушди. –

Умримда биринчи марта мурда ролини ўйнашим. Сен ҳам бирор марта мурда бўлиб кўрганмисан?

– Ҳеч қачон, – деди Хоган.

– Анави мишиқининг ҳамёнини нега олмадинг? Ўзи тақлиф қилди-ку?

– Мен талончи эмасман.

– Бергандан кейин олавериш керак-да, – Блейк аксирди. – Ана, кўрдингми? Ҳалитдан тумов тутаяпти. Агар билсанг менда тиббий суғурта йўқ, сенда-чи?

– Мендаям йўқ, – деди Хоган столдаги газетани чиқинди челягига ташлаб.

– Иккаламиз суғуртагаям пул тополмаймиз. Биз бугун кўрқитган мишиқи эса яқинда коллежга кириб, эрта-инди миллионерга айланади. Алам қиларкан-да одамга, – Блейк телевизорнинг устидаги тоза костюмни кийиб диванга ёнбошлади. – Анави Мэнни бугунги меҳнатимиз учун кўпроқ тўласаям бўларди.

– Ёш болани котилликдан қайтариш учун ҳар биримизга минг доллар берди. Менимча, бу кам эмас.

– Агар билсанг, ўша ёш боланинг амакиси Мэннига бизни ёллаш учун бундан анча кўп тўлаган.

– Мэнни қанча пул топгани билан нима ишим бор. Ўзи бу ғалва менга бошиданоқ ёқмаёттанди, – деди Хоган хўмрайиб.

– Нега?

– Мен профессионал актёрман. Бунақа расво томошаларда қатнашиш жонимга тегди. Мен ўзимни бошқа одам қилиб кўрсатдим, тушунаяпсанми? Анави болани алдадим! Ўзимни худди суюқоёклардек хис килаяпман.

– Агар ёқмаса, бугунги иш ҳақингни менга беришини мумкин, – деди ойнанинг олдида жингалак сочини тараёттган Блейк. – Менга қандай йўл билан пул топишнинг фарки йўқ. Мухими – чўнтак қаппайсин.

– Мениям аnavи Жиммидек бирор ёшлигимда бу касбдан қайтарса эди.

– Қанақа касбдан?

– Ўзимизнинг бўлмагур касбдан-да.

Блейк бошини буриб, ҳамкасбига қараб қўйди-да, яна аксига разм солди.

– Сени нима жин урди, қария? Мишики хаёлингни буздими, дейман. Мэйсонни боплаб ўлдирганман, деб алдагани учун ҳам унинг ҳамёнини тортиб олиш керак эди.

– Мэйсонни ростдан ҳам боплаб тинчтишган, – деди Хоган ўзи билан ўзи гаплашаётгандек. – Ҳеч қандай из колдиришмаган.

Блейк “Бунинг томи кетганми”, дегандек кўрсаткич бармоғини чаккасига тираб буради-да, тароғини чўнтағига солди.

– Хоҳласанг, шу ерда ўтиравер, ошна. Мен кетдим.

Шериги ташқарига чикқач, Хоган қуролни тозалашда ишлатиладиган асбоблар солинган кутини олди-да, эшикка қараб юрди.

– Қани энди Мэйсонни гумдон килган ўша чапдастнинг ўрнида бўлиб қолсам, – деб шивирлади у револьверининг дастасини силаб. Кейин ортига ўтирилиб, хонага яна бир бор қаради ва эшикни беркитиб, кўчага чиқди.

*Рус тилидан  
А.Отабоев таржимаси*

## МЕРОСХҮР

Жон Флисон ҳашаматли уй айвонида олий сифатли шотланд вискисидан ҳўплаб ўтиради. Ҳаво ажойиб эди. Флисон ҳаётда ҳамма нарсага бирданига эришиш қийин эканлигини тушунарди. Хотин масаласида унинг омади ҳам юришган, ҳам юришмаган эди. Кора қирқ беш ёшлардаги, тўладан келган, шаллаки бир аёл эди, аммо унинг отасидан колган миллионлаб долларлари унинг бу камчиликларини ёпиб турарди. Жондаги ҳамма нарса, тўғрироғи, у фойдаланиши мумкин бўлган ҳамма нарса Корага тегишли эди. Қанчалик аччик бўлмасин, Флисоннинг ўзи ҳам буни тан олишга мажбур эди.

Унинг истагини бажо келтиришга шай бир неча хизматкорлари бўлган бу уйни асрга тенгдош эман дарахтлари қуршаб олганди. Соҳилда оппок яхта сузишга тайёр ҳолда чайкалиб турарди. Гаражда ойнадай ялтировчи тўртта қимматбаҳо машина бор эди. Қасрмонанд уй ёнидаги улкан боғни эса Коранинг уйинга келадиган меҳмонлар “дунёнинг саккизинчи мўъжизаси” деб аташарди.

– Жон!.. – Унинг хаёлларини хотинининг йўғон, кулокни коматта келтирувчи овози бузди. Кора ундан бир неча қадам нарида ўтирганча сурат чизаётганди. – Жон!..

– Ҳа, азизам, – шу заҳоти жавоб берди Флисон овозига майинлик ва меҳрибонлик оҳангини беришга тиришиб. – Бирор нарса керакми?

– Жон, менга муздай чой олиб кел.

– Кора, уйда шунча хизматкор бор, – ўзини тутолмади Жон. У ўзини оғир-босик киши деб ҳисобларди, аммо босиклиги иш бермади. – Ўшаларга айтсанг бўлмайдими?

– Мен билан бунақа оҳангда гаплашма, Жон, – совук табассум билан уни тўхтатди Кора. – Хизматкор – хизматкор, эр эса эр. Агар чой олиб келсанг яхши бўлади.

Кора шу сўзларни айтгач, яна чизаётган суратига ўгирилиб сухбат якунланганини ва эри унинг илтимосини бажариши лозимлигини билдириди. Аникроғи, илтимосини эмас, буйруғини. У эри чой олиб келишига шубҳа қилмасди, шунинг учун ҳал бўлган масалани мухокама қилиб ўтиришни вақтни бехуда ўтказиш деб ҳисоблади.

Жон Флисон ичида сўкинди. У оғир хўрсиниб ўрнидан турди ва чой олиб келгани кетди. Жон ғазабдан титрарди. Ошхонада ўзига келгач, у кўзларини юмди ва ичида ўнгача санади. Флисон ўзининг ҳам худди анави чизилаётган сурат каби Корага тегишли эканини яна бир марта тан олишга мажбур эди. Хотини унга майда-чуйда харажатлар учун ҳафтасига юз доллар берар, қартада ютқазиб қўйса тўлар, аммо жиддий харидлар қилишига йўл қўймасди. Улар беш йилдан буён бирга яшашса-да, у ҳалигача янги туфли ёки қўйлак учун хотинидан пул сўрарди.

Жон яна бир марта оғир хўрсинди ва бу ўйин қанчалик оғир бўлмасин, чидаши шартлигини хаёлидан ўтказди. Бунга чидаши шарт. У хотинининг васиятномасини кўрганди. Агар Кора вафот этса, унинг барча миллионлари зрига, яъни Жонга ўтади. У хотинидан ўн ёш кичик бўлиб, саломатлиги ҳам жойида эди. Бунинг устига, унинг аниқ мақсади бор эди – атрофидаги ҳамма нарсанинг қонуний эгасига айланиш.

Жон чой келтирди ва хотинининг олдидағи столчага кўйди. У кўзларидаги қаҳрни билдириб қўймаслик учун хотинига қарамасликка ҳаракат қилди.

– Раҳмат, азизим, – миннатдорчилик билдириди Кора. – Асабинг бузилмадими?

Жон Флисоннинг унинг товоқдек башарасига боплаб туширгиси келди, аммо ўзини қўлга олиши шарт эканлигини биларди. Бироқ барибир ўзини саволдан тия олмади:

– Бўшманми? Кетсам бўладими?

– Сенинг ўрнингда бўлганимда бундай оҳангда гапирмаган бўлардим, – дарҳол қовоғини уйди аёл. – Ўзинг яхши биласан, Жон, сен менинг биринчи эрим эмассан. Охиргиси бўлмаслигинг эҳтимоли ҳам бор. Илтимос, буни эсингдан чиқарма.

Кора ажрашиш ҳақида биринчи марта таҳдид қилмаётганди. Бир ойда икки-уч марта у истаган вақтида ажрашиши ва уни ҳеч нарсасиз қолдириши мумкинлигини айтишини канда қилмасди. Жон ҳам машина, уй, хизматкорлар каби оддий буюм эканлигини, шунинг учун ўзини муносиб тутиши кераклигини эслатиб турарди.

Флисон бу гапларга кўнишиб қолганди. Албатта, бу таҳдидлар қурук сўзлар эди. Шунчаки, Корага уни таҳқирлаш, уйда ким хўжайн эканлигини эслатиш, ўз қудратини намоъниш этиш ёқарди. Шунинг учун Жон гоҳ чойга, гоҳ лосонга ёки қандга, хуллас, хотини нимани ўйлаб топса шунга югуради. Ва ҳар сафар Жон Флисон ғурурини бир четга суриб кўйиб, ўзига ўзи хотинининг ўлимига гувоҳ бўлишини ва барча бойликларнинг эгасига айланишини айтарди.

Унинг бундай умид қилишига асос бор эди. Докторлар доимий равишда Корани камроқ овқат ейиши лозимлигини айтиб огоҳлантиришарди. У парҳез қилиши шарт эди. Унинг юраги зўриқиб ишлаётгани, бу кетишда юраги зўриқиши кўтаролмаслигини айтишарди. Корага эса, табиийки, бундай гаплар ёқмасди. У тажрибали докторларни худди кўлқопдек алмаштиради ва охир-оқибат, катта пул учун унинг барча истакларини маъқулловчи бир фирибгарни топиб олганди. Ҳозир у илгаригидек истаганини ер ва хоҳлаганча ерди.

Жонга хотинининг янги доктори жудаям ёқди. У виждан ва бурч деган нарсалардан анча йирокда эди. Бу нусха юрак бунчалик улкан гўшт уюмига қон етказиб беролмай колишини бирор марта ҳам айтмади. Флисон Корани кўмиб келганидан сўнг уни яхшилаб мукофотлашни дилига тугиб кўйди. У бу кунга оз қолганига умид қиласарди...

Жон Флисоннинг боши узра қора булутлар пайдо бўла бошлади. Афтидан, бу сафар Кора ажрашиш ҳакида жиддий гапираётган эди. Якшанба куни у тушликка Оскар Вутенни таклиф этганда Флисон ишлари чаппасига кетаётганини тушунди. Унда худди кинотеатрда ўтириб бундан беш йил олдин кўрган филмини қайтадан кўраётгандек таассурот уйғонди. Жон Кора – у пайтларда унинг фамилияси Бартон эди – уни тушлик қилишга олиб келган якшанбани жуда яхши эсларди. Ўшанда Генри Бартон унга мўлтираб қараб кўйгани ҳам ёдидан чиқмасди. У ҳаттоки Коранинг ўша пайтдаги эрига қараб нималарни хаёлидан кечирганини ҳам унумаганди. Ўшанда Бартон унга қўшнининг безори боласига ўйинчоғини олдириб кўйган болакайга ўхшаб кўринганди.

Ўшанда, беш йил олдин Жоннинг тушликда пайдо бўлиши ва ажрашиш ҳакидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши орасида икки ҳафта ўтганди. Бу икки ҳафта давомида Генри Бартон худди бурчакка қисилган жонивордек аллақачон ўзига тегишли бўлди деб ўйлаган миллионларни бурнининг остидан олиб кўйишаётганини ноchorлик билан кузатиб турганди.

Жон Флисон беш йил илгариги воқеаларни жуда яхши эслади ва Коранинг янги эрига навбатни бўшатиши кераклигини англади. Ўттан беш йил ичида у Коранинг феъл-атворини яхши билиб олганди. Хотинининг ўзини тутишидан у бир ҳафтача вакти қолганини сезди. Агар унинг бошига ҳам Бартоннинг қисмати тушишини истамаса, зудлик билан нимадир қилиши шарт...

Бу қарор душанба куни эрталаб Флисон газета ўқиб ўтирган пайтда миясига келди. Тунда яқин атрофда жойлашган турмадан бир неча нафар хавфли жиноятчилар кочишганди. Уларнинг ҳаммаси ўта оғир равища қотиллик содир қилишгани учун умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилганлар эди.

– Майлс, – чакирди Жон эшикбонни, – сиз турмадан кочган жиноятчилар ҳакида радиодан бирор нарса эшитдингизми?

– Ҳар соатда янгиликларда бериб туришибди, сер. Полиция уларни бизнинг ҳудудимизда яширинишган деб ҳисобламоқда. – Майлс кўрғонни ўраб турган қалин ўрмонга нигоҳ ташлади ва қўшиб қўйди: – Улар ҳозир ўрмонда бизни кузатиб турган бўлишлари мумкин. Ҳа, қўшнилар борасида омадимиз келмаган.

– Раҳмат, Майлс. – Жон унга кетиши мумкинлигини билдириб бош ирғади ва чукур ўйга чўмди.

“Афтидан, такдирнинг ўзи менга совға тайёрлади, – ўйлади Жон Флисон. – Турмадан кочган маҳбуслар, бундан зўрини ўйлаб топиш қийин! Кўлга тушмаслик учун ҳеч нарсадан тоймайдиган қотиллар! Айнан режам учун қулай”. Тушликдан сўнг Кора билан Вутен ҳовузда чўмилгани кетишиди. Улар ўйга қайтишганида Оскар Жоннинг ёнига келди ва кинояли илжайди:

– Ичасизми, Флисон?

Жон Флисон уни уриб юборишдан ўзини зўрга тўхтатиб қолди. Бу аглаҳ ўзини аллақачон бу ернинг хўжайинига айлангандек тутаётганди.

– Раҳмат, Вутен, – деди Жон. – Виски... Биласизми, Оскар, – деди у Вутеннинг илжайганча стаканларга виски куйишини кузатиб туаркан, – Кора билан беш йиллик турмушимиз давомида шотланд вискисига ўрганиб қолдим. Илгари умуман виски ичмасдим, ҳозир эса кунига беш-олти стакан ичмасам ухломайман.

– Менимча, яқинда сизда уйқусизлик касали бошланади, Флисон, – ошкора унинг устидан кулди ракиби ва стакан узатди.

Жон эндигина жавобга оғиз жуфтлаганди, аммо унга Майлс халақит берди.

– Жаноб Флисон, – деди у Жонга, – сизни безовта қилмоқчи эмасдим, аммо бу жуда мұхим. Радиода айтишди, кочоқ жиноятчилар Уинслоу-Жанкшы яқинида бир кишини отиб ташлашибди. Ўлдирилган одам фермер экан. Улар фермага келиб пул ва озиқ-овқат талаб қилишган, у бечора эса қаршилик күрсатишга уринган. Кечки газетада уларнинг суратлари чикибди. Одам эмас, йиртқич дейсиз, – эшикбон унга газетани узатди ва деди: – Улар шу атрофда, сер. Ҳамма нарсага тайёр туриш керак.

– Барча эҳтиёт чораларини күринг, – деди Жон Флисон. – Коровулга курол беринг. Огоҳлантириб қўйганингиз учун раҳмат.

Эшикбон чиқиб кеттагач, Жон соатга қаради. Тўккиз ярим. Уинслоу-Жанкшы бу ердан етти мил нарида. Ўрмон орқали бу масофани икки-уч соатда босиб ўтиш мумкин. Демак, Кора ярим тунда ўлиши керак. Вутен бу пайтда уйига кетган, хизматкорлар эса донг қотиб ухлашаётган бўлади.

Кечки овқатни айвонда қилишди. Кора билан Вутен Флисонга эътибор ҳам бермай тинмай валаклашди. Беш йил олдинги худди шундай воқеа эсига тушган Жон кутилмаганда кулиб юборди.

Кора унга ажабланиб қаради ва сўради:

– Нимадан хурсандсан, Жон?

Флисон индамай елкасини кисди ва кулишдан тўхтади. Овқатдан сўнг Майлс бренди келтирди. Кора ва Оскар Вутенниг табассумлари Жонниг бу даргоҳни тарқ этиш вакти етиб келаётганини англашади.

Соат ўн бирда Оскар Вутен ўрнидан турди ва хайрлашди.

– Кўришгунча, Кора, – деди у. – Ажойиб кун учун раҳмат...

Хайрли тун, Флисон.

– Хайрли тун, Вутен, – жавоб қайтарди Жон. Сўнг унинг ортидан бориб эшикни ёпди. – Истаган пайтингизда келаверинг.

Бир неча дакиқадан кейин Оскар Вутенning машинаси кўздан ғойиб бўлди.

– Бугун ўзингни ғалати тутдинг, Жон, – деди Кора совук оҳангда. – Бугун ўзингнинг хонангда ётасан.

– Нимага?

– Наҳотки шуни ҳам тушунмасанг, Жон? Аҳмоқ эмассанку.

– Муносабатларимиз тугади, демокчимисан? Мени ҳайдамоқчимисан?

– Ҳа. Бу ҳакда эртага гаплашамиз.

Кора ўз хонаси эшигини ёпди. Жон Флисон бренди қўйди ва майдалаб ҳўплай бошлади. Эшикбон кирди.

– Хизмат йўкми, жаноб Флисон?

– Йўқ, кетишингиз мумкин, Майлс, – жилмайди Жон. – Хайрли тун.

– Хайрли тун, жаноб Флисон.

Эшикбон ва хизматкорлар кўрғондан уч юз метр наридаги уйда яшашарди. Уйда Флисон ва Корадан бошқа ҳеч ким қолмади.

Жон шошилмасдан яна бир қадаҳ брендини бўшатди ва ўн бир яримда хонасига кирди. Деворда осиғлик турган милтиқни олди ва ўқлади. Сўнг латта олиб чўнтағига солди.

Чирокни ўчиригач, Флисон дераза орқали айвонга чиқди. Осмонда юлдузлар чаракларди.

“Корани чакириш керак”, ўйлади Жон. Хотинини чакиришдан олдин у бир четда ётган занглаған тиканли сим бўлагини қўлига олди. Симда бармоқ излари қолмаслиги учун Флисон қўлига латтани ўраб олди.

– Кора! – чақирди Жон Флисон. У хотини эшигиб турганини, аммо атай жавоб қайтармаётганини биларди. – Кора, тезроқ бу ёққа! – бакирди у ташвишли овоз билан.

– Қаердасан, Жон? – ниҳоят овоз берди хотини.

– Хонамдаман. Тезроқ кир.

Флисон айвонда кутиб турарди.

– Қаердасан, Жон? – яна сўради Кора айвонга чикиб. – Нима бўлди? Ним...

Жон Флисон хотинининг ортидан келиб бўйнига тиканли симни ташлади ва бор кучи билан ўзига тортди. У тиканли сим хотинининг ёғдан иборат томоғига осонлик билан ботаётганини роҳатланиб ҳис қилди.

Коранинг кўллари юкорига кўтарилди. У симни бўйнидан олиб ташлашга уринди, аммо кучлар тенг эмасди. Жон ёшроқ ва кучли эди. У сиртмоқни янада қаттикроқ тортди. Бир неча сониядан сўнг хотини типирчилаганча жон берди.

Жон милтикни кўлига олди ва ўрмон томонга ўқ узди. Милтикни бўшаттгач, у телефон олдига борди ва шерифнинг рақамини терди.

– Шерифнинг идорасими? – қалтироқ овозда сўради Флисон. – Бу Жон Флисон... Ҳа, Коранинг эри. Фалокат юз берди. Хотиним ўлди. Уни турмадан кочган жиноятчилар бўғиб ўлдиришибди. Уларни тута олмадим. Уларга ўқ уздим, аммо коронгида... нима? Ҳа, албатта, улар эканлигига ишончим комил. Ўқим бирортасига тегдими-тегмадими, билмайман. Келасизларми? Яхши. Кутаман. Фақат тезроқ келинглар.

Жон гўшакни аста жойига қўйди ва мамнун илжайди. Ҳаммаси режадагидай кетаётганди. У Коранинг ўлимини кочоқларга ағдаришига ишонарди. Унинг режаси пухта ишланган, ҳар бир майда-чуйдани эътиборга олганди.

– Жаноб Флисон! Радио... – Хонага Майлс югуриб кирди. – Жаноб Вутен...

– Майлс, нима гап?

– Радиода... – Эшикбон нафасини ростлади. – Улар...  
қочоқ жиноятчилар жаноб Вутенни... ўлдиришибди. Үн  
бирдан кирқ беш дақыла үтганида. Уни бу ердан үн мил  
наридан топишибди...

Жон Флисон айвонга қаради.

Кора юзтубан ҳолда ётарди. Жонга у худди  
илжаяётгандек туюлди.

*Рус тилидан  
Дилшодбек Асқаров таржимасы*

## ЧАНДИКЛИ КИШИ

Дастлаб юзидаги чандиги туфайли у менинг эътиборимни тортганди. Чандик энли ва қизғиши бўлиб, унинг иягигача тушганди. Чандик хунук жароҳатдан далолат берар ва уни қилич ёки снаряд парчасининг иши бўлса керак, деб ўйлагандим. Бу ерларда унинг тўладан келган, кулимсираб турадиган юзи кўзга ғалати кўринарди. Унинг юз бичими корувли гавдасига номутаносиб эди. Келбатидан ўрта бўйли одамларга қараганда кучли кўринарди. Уни доимо кўп кийилган кулранг костюмда, мошранг кўйлак ва соябони катта эски шляпада кўрардим. Афт-ангори хийла кир эди. Ҳар куни одам гавжум пайтида у Гватемала Ситидаги Палас Отелга келар ва лотерея билетларини сотишга уринарди. Ҳеч қачон бу билетларни бирор сотиб олганини кўрмаганман, аммо гоҳи-гоҳида унга ичиш учун бирор нарса таклиф қилишаётганига кўзим тушарди. У столлар орасидан юрар, бироз кулимсираган қиёфада ҳар бир стол олдида тўхтаб, лотерея билетларини таклиф килар ва ўзига эътибор беришмаган пайларда худди шундай табассум билан нари кетарди. Назаримда, у кўпинча ширакайф юрарди.

Бир куни кечкурун танишим билан қовоқхонада ўтирганимизда ўша чандикли киши бизнинг олдимизга келди. Адашмасам, бу ерга келган пайларимдан бери йигирманчи мартадир, у менга лотереяларини чўзди. “Йўқ” деган маънода бошимни чайқадим. Лекин ҳамроҳим илтифот билан унга салом берди.

- Ишлар қалай, генерал?
- Унча ёмон эмас. Бизнес юришмаяпти, лекин бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди.
- Нима ичишни хоҳлайсиз, генерал?
- Брэнди.

У брэндини ичди ва қадаҳни қайтиб пештахтага қўйди.  
Ҳамроҳимга қараб бош иргади.

– Раҳмат.

Шундай деб у ортига бурилди ва биздан нарирокда турган одамларга лотереяларини таклиф қила бошлади.

– Дўстинг ким? – сўрадим мен. – Юзидағи чандиги жуда вахимали-ку.

– Ҳа, чандик унинг хуснiga ҳусн қўшмаган, тўғрими?.. У никарагуалик қувғинди. Йўлтўсар ва босқинчи бўлгани билан барибир ошна сифатида ёмонмас. Гоҳи-гоҳида мен унга озроқ чақа бераман. У исёнда қатнашган, қўзғолончилар қўшинида генерал эди. Агар ўқи тугаб қолмаганида, ҳукуматни ағдарарди ва ҳозир у Гватемалада лотерея сотиб юриш ўрнига ҳарбий министр бўларди. Уни штаби билан бирга кўлга олишиб, ҳарбий судда суд қилишди. Ўзинг биласан, бу давлатларда бунақа ишларни ҳаш-паш дегунча тинчтишишади. У тонгда отувга ҳукм қилинди. Назаримда, кўлга олингандаёқ у ўзини нима кутаётганини билган. Ҳукм ижро этиладиган пайтгача у вақтни турмада ўтказди. Қамоқхонада улар жами беш киши эди, ҳаммалари вақтни покер ўйнаб ўтказишли. Ютуқни ҳисоблашда улар гугурт чўпларидан фойдаланишли. Айтишича, хаётда ҳеч қачон бунчалик омадсизликка учрамаган: у кетма-кет, бутун ўйин давомида ютқазган. Тонг отиб, аскарлар қамоқхонадан уларни қатл қилиш учун олиб чиқишига келишганларида, у бир одам ҳаётида ишлатиши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ гугурт чўпини бой берганди.

Улар қамоқхона ҳовлисига олиб чиқилди ва бешови ҳам ёнма-ён, деворга тираб турғазилди, куролланган гурух уларга юзма-юз туради.

Орада озрок танаффус бўлди ва ошнамиз гурухни бошқараётган офицердан нима учун уни кутишга мажбур қилишаётганини сўради. Офицер қўшин қўмондони –

генерал қатлда иштирок этишга хоҳиш билдирганини ва унинг етиб келишини кутишаётганини айтди.

– Демак, битта сигарет чекиб олишга вактим бор экан, – деди бизнинг ошнамиз.

Бироқ у эндиғина сигаретини ёндириганида генерал ҳовлига кириб келди. Одатдаги расмиятчиликлар бажарилди ва генерал маҳкумлардан: “Қатл ижро этилишидан аввал қандай тилакларинг бор?” деб сўради. Беш кишидан тўрттаси “йўқ” дегандек бошларини чайқашди. Лекин бизнинг ошнамиз:

– Ҳа, мен хотиним билан видолашсам дегандим, – деди.

– Яхши, – деди генерал. – Бунга эътиrozим йўқ. У қаерда?

– Қамокхона эшиги олдида кутиб турибди.

– Беш минутдан кўп вакт бермайман.

– Бу вакт етиб ортади, жаноб генерал.

– Уни четга олиб чиқинглар.

Иккита аскар олдинга чикди ва маҳкум исёнчи уларнинг ўртасида кўрсатилган жойга юриб борди. Генерал бош ирғаб розилик берганидан сўнг қуролланган гурухни бошқарувчи зобит отишга буйруқ берди ва тўрт киши йиқилди. Улар ғалати тарзда, бирин-кетин, бесўнақай ҳаракатлар билан йиқилишди. Худди жонсиз қўғирчокдай. Офицер уларга яқинлашди ва битта чалажон маҳкумнинг устига келиб, револверини бўшатди. Бу пайт ошнамиз сигаретини чекиб бўлди.

Дарвоза кия очилди. Аёл ҳовлига тез-тез юриб кирди, кейин кўқкисдан қўли кўксида, тўхтади. У йиғлаб юборди ва қўлларини узатганча олдинга югурди.

– Жин урсин, – деди генерал.

Аёл қора кийимда, соchlарида тўр, юзи эса мурданикидек оппоқ оқариб кетган. У бўй етган қиздан бироз каттароқ кўринар, кичкина чиройли юзли ва катта қўзли ҳурилико эди. Югурганида оғзининг хиёл очилгани ва чиройли юзи-

даги изтироб унга шундай назокат бағишлардики, ҳатто қараб турган беэътибор аскарлар ҳам ҳайратдан “эх” деб юб oriшди.

Исёнчи уни қарши олиш учун бир-икки қадам олдинга юрди. Аёл ўзини унинг қўлларига отди ва “жоним” деган эҳтиросли ҳайқириқ билан исёнчи лабларини унинг лабларига босди. Шу пайт у йиртиқ кўйлаги ичидан пичок чиқарди, ҳайронман, қандай қилиб у пичокни яшириб юришни уddaлаган экан ва аёлнинг бўйнига пичок урди. Кесилган шоҳтомирдан тиркираб қон отилди ва исёнчининг кўйлагини бўяди. Кейин у қўллари билан аёлни маҳкам ушлаб, лабларини унинг лабларига босди.

Бу шунчалик тез рўй бердики, кўпчилик нима бўлганини англамай ҳам қолди, лекин бошқалар даҳшатдан бакириб юб oriшди: аскарлар олдинга сакрашиб, уни ушлаб олишди. Қизни эса ерга ётқизиши, бироқ энди конни тўхтатишнинг иложи йўклигини билишарди. Бироздан кейин қизнинг олдида тиз чўкиб турган офицер ўрнидан турди.

- Қиз ўлди, – пичирлади у. Қўзғолончи чўкиниб олди.
- Нима учун бундай килдинг? – сўради генерал.
- Мен уни севардим.

Тўпланиб турган одамлар “оҳ” тортиб юб oriшди ва таажжуб билан қотилга қараши. Генерал сукут сақлаб, унга бироз тикилиб қаради.

– Бу мардлик, – деди генерал ниҳоят, – мен бу одамни қатл этолмайман... Машинамни олиб уни чегарага элтиб кўйинглар. Мен сени хурмат қиласман, сеньор. Чунки бир жасур эркак бошқа жасур эркакни хурмат қилиши керак.

Исёнчи бир сўз демай, икки аскар ўртасида, кутиб турган машинага қараб юрди...

Дўстим галиришдан тўхтади ва мен жимиб қолдим. Айтишим керакки, у гватемалалик эди ва менга испан тилида гапирди. Мен ҳам унинг айтганларини қўлимдан келганча сизга ҳикоя қилдим, бироқ унинг анча

бўрттирилган нуткини ўзгартиришга уринганим йўқ.  
Ростини айтганда, менингча, бу ҳикояга ярашади.

– У чандиқни қандай қилиб ортирган? – сўрадим  
нихоят.

– Ў-ў, бунга шиша бутилка сабаб бўлган. У очаётган  
пайтда идиш ёрилиб кетган. Занжабил виносининг идиши.

– Бу нарсани умуман ёқтирумайман, – дедим мен.

*Инглиз тилидан  
А. ОТАБОЕВ таржимаси*

– Ох, яхши дарё! Ох, яхши дарё! – йўлчаликни

худоюнниң жонида шахтада тушадиганниниң инсанлари

бўйичада сабаби оларни ташадиганниниң инсанлари

## ЖАНГ

– Жаноб Реншо?

Бино хизматчисининг овози Реншони лифтга етай деганида тўхтатди. У ортига ўгирилди ва қўлидаги сумкани нариги кўлига олди. Пиджагининг ички чўнтағида йигирма ва эллик долларлик пуллар солинган оғир хатжилд шитирлади. У ишини аъло даражада бажарган ва Ташкилот унинг ҳакидан йигирма фоиз олиб қолган бўлса-да яхшигина пул тўлаганди. Реншо хонасига кириб ухламоқчи эди.

– Нима гап?

– Сизга жўнатма келибди. Марҳамат, имзо чекинг.

Реншо уф тортди ва қутига ўйчан қаради. Қутига унинг исм-шарифи ва манзили ёзилган қоғоз парчаси ёпиширилганди. У қутини олиб силкитиб кўрди, нимадир шиқирлади.

– Хонангизга олиб кириб берайликми, жаноб Реншо?

– Йўқ, ўзим.

Узунлиги ярим метрга яқин бўлган қутини қўлтиги остида кўтариш нокулай эди. У қутини лифт полига қўйди ва бир нечта тугмалар жойлашган қутича тирқишига калит солиб буради. Реншо бинонинг энг юкори қаватидаги ҳашаматли хонадонда истиқомат қиласади. Лифт аста юкорига кўтарилди. У кўзларини юмди ва охирги ишини хаёлидан ўтказди.

Аввалига ҳар доимгидек Кел Бейтс қўнғироқ килди:

– Жонни, бўшмисан?

Реншо яхши ва ишончли мутахассис, у бир йилда бор-йўғи икки марта бўш бўлади, хизмати учун камида ўн минг доллар олади, мижозлар унинг бехато йиртқичлик фаолияти учун ҳак тўлашади. Жон Реншо одам ўлдиришга ихтисослашган ЙИРТҚИЧ.

Бейтснинг кўнгирогидан сўнг Реншо почта қутисидан ичига кимнингдир исм-шарифи ҳамда манзили ёзилган қоғоз ва фотссурат солинган хатжилдни олди. У қоғоздаги ёзувларни эслаб қолди, хатжилдни эса ичида гилари билан ёндириб ташлади.

Фотосуратдаги шахс Маямидаги “Моррис ўйинчоқ ишлаб чиқариш компанияси” эгаси ва асосчиси Ганс Моррис эди. Бу нусха кимгадир халақит берган, у халақит берган киши Ташкилотга мурожаат қилган ва Кел Бейтс Жон Реншо билан гаплашганди...

Лифт эшиклари очилди, у кутини қўлтиғи остига қистирди, йўлакка чиқди ва хонасига кирди. Кенг хона апрель қуёшининг нурларидан ёришиб кетганди. Реншо бир неча сония ўзини нурга солиб турди, кутини эшик ёнидаги стол устига қўйди, пул солинган хатжилдни ташлади, бўйинбогини бўшатди ва айвонга чиқди.

Ташқари совук эди, шамол унинг юпқа палтосидан ўтиб этини жунжиктириди. Аммо Реншо бир дақиқача худди бутун мамлакатни забт этган саркардадек шаҳарни кузатди. Кўчалардан машиналар худди қўнғизлардек ғизиллааб ўтиб туради. Шарқ томонда, осмонўпар бинолар устида телевизорлар худди ўрмондек кўзга ташланарди. У ичкарига қайтди, айвон эшигини ёпди ва ваннахонага кириб кетди.

Кирк дақиқадан кейин Жон Реншо ваннахонадан чиқди ва кутини синчковлик билан кўздан кечира бошлади.

“Кутида бомба бор”.

Кутида бомба йўқ, лекин кутида бомба бор деб тасаввур қилиш керак. У доим шундай қиласи ва айнан шунинг учун бошқалар аллақачон нариги дунёга равона бўлишган бир пайтда у хотиржам умргузаронлик қилиб келмокда. Агар бу бомба бўлса, унда соат механизми йўқ – кути ичидан ҳеч қандай чиқиллаган овоз келмаяпти. Аммо ҳозирда пластик портлаттичдан фойдаланишяпти.

Реншо почта мухрига қаради: Маями, 15 апрель. Беш күн бурун жұнатылған. Соат механизми билан ишлайдиган бомба аллақачон портлаб кетган бўларди.

У кўлларини кўксига чалиштирганча кутига астойдил назар ташлади. Морриснинг яқинлари Реншонинг манзилини қаердан билишгани уни ҳозир қизиқтирмасди. Бу саволни у кейинроқ Бейтсга беради. Ҳозир бу муҳиммас. У ҳамёнидан пластик календар чиқарди ва кутини ўраб турган ёпишқок тасмани кесди. Энгашиб, кутини хидлаб кўрди. Коғоздан бошқа нарсанинг ҳиди келмади. У кутини озгина тешиб, кути ичига мўралади: яшил кутича кўринди. Реншо ўтири ва пичок билан кутичани ўраб турган тасмани кесди.

Кутичага “Америкалик ветеран Жонинг ветнамча сандиги” деб ёзилганди. Бу ёзув остидан қуйидаги сўзлар битилганди: “Йигирмата пиёда аскар, ўнта вертолёт, иккита пулемётчи, иккита шифокор, иккита гранатомёт, тўртта “жип”. Энг пастда, бурчакда “Моррис ўйинчок ишлаб чиқариш компанияси” деган ёзув бор эди.

Реншо сандиқча қопқоғини кўтарди. Сандиқча ичидан нимадир ҳаракатланди.

Жон хона чироғини ёкиш учун ўрнидан турди. “Ветнамча сандик” кимиirlади. Кутилмаганда у ёнбошига ағдарилди ва гилам устига тушди. Сандиқча қопқоғи силиб кетди.

Ҳар бирининг бўйи тўрт сантиметрдан бўлган кичкина аскарчалар сандиқча ичидан ўрмалаб чиқа бошлишди. Реншо улардан кўз узмай қараб турарди. Реншо бундай воқеа бўлиши мумкин эмаслигини ўйламас, бутун фикр-зикри қандай хавфга дуч келгани ва тирик қолиш учун нима қилиш кераклигига эди.

Аскарчалар жанговар кийимда, елкаларига халта ва митти милтиклар осиб олишганди. Иккитаси Реншога тикилиб туришарди.

Беш, ўн, ўн икки ва ниҳоят йигирма. Улардан бири бошқаларига имо-ишора билан буйрук берди. Қолған аскарчалар бир текис сафга тизилишди.

Реншо диванда турган катта ёстиқни қўлига олди ва сандикчага яқинлашди. Командир ўгирилди ва қўлини силкитди. Пиёда аскарлар милтикларини қўлларига олишди, пакиллаган товушлар янгради ва Реншо худди ари чаккандек оғриқни туйди.

У ёстиқни иргитди, аскарчалар йиқилиб тушишди. Шу пайт сандикча ичидан худди ниначига ўхшаб яшил рангли вертолётлар ғувиллаб хавога кўтарилди.

Реншонинг қулоғига эшитилар-эшитилмас “пак-пук” этган товушлар етиб келди. У вертолётлар эшикларида пулемётларнинг милтиллаётган учқунларини кўрди ва худди кимдир унинг корни, кўли, бўйнига игна санчаётгандек туюлди. У шахд билан қўлини узатиб вертолётлардан бирини ушлади ва бармоқларида даҳшатли оғриқни хис қилди – вертолёт парраклари унинг бармоғини синдириб ташлаганди. Қолған вертолётлар ундан узокрокқа кетишиди ва айланана ҳосил қилиб учишда давом этишиди. Унга жароҳат етказган вертолёт гиламга кулади.

Реншо оёғидаги кутилмаган оғриқдан бакириб юборди. Аскарчалардан бири унинг поябзали устида турганча оёғига ханжар санчарди.

Реншо оёғини силкитиб аскарчани улоктирди. Йўтал овозига ўхшаган товуш янгради – Реншонинг сони жизиллаб ачишди. Сандикча ичидан гранатомёт кўгарган аскарча чиқиб келди – гранатомёт оғзидан тутун кўтарилаётганди. Реншо сонига қаради ва шимининг тангачалик жойи тешилиб колганини кўрди. Сонида куйиш изи бор эди.

У ортига ўгирилди ва ётокхона томон қочди. Унинг боши тепасида вертолёт ғингиллади, кисқагина ўт очгач, ортига қайтди.

Ёстиқ остида Реншонинг тўппончаси бор эди. У тўппончани икки қўллаб ушлади, ўгирилди ва электр чироғидан кичикрок учар нишонга отиши кераклигини тушунди.

Ичкарига иккита вертолёт кирди. Реншо ўқ узди ва вертолётлардан бири парча-парча бўлиб кетди. “Биттаси йўқ бўлди”, ўйлади у, иккинчисини мўлжалга олди... тепкини босди...

Вертолёт кутилмаганда кескин бурилди. Реншо ўқ узаётган пулемётчини зўрға сезди ва ўзини полга ташлади.

“У кўзимни мўлжалга олди!”

Реншо тўппончасини кўтарди, аммо вертолёт ундан узоклашиб бўлганди. Вертолёт бир оз ҳавода муаллак турди, сўнг меҳмонхона томон учиб ғойиб бўлди. Реншо ўрнидан турди, жароҳатланган оёғи азоб бериб афти бужмайди. “Гранатомёт зарбасидан сўнг омон қолганлар бормикин”, деб ўйлади у.

Ёстиқжилдни суғуриб олиб оёғини боғлади, сокол олиш учун мўлжалланган кўзгучани қўлига олиб эшик томон яқинлашди ва уни гиламга кўйиб кўзгуга қаради... Улар сандикча ёнида лагер ўрнатишганди. Аскарчалар у ёқдан бу ёққа юришар, чодир тикишар, “жип”да атрофни айланишарди. Реншо тепиб юборган аскарча устида шифокор энгашганча муолажа қиласиди. Қолган саккизта вертолёт лагерни кўриқлаб атрофда парвоз қилаётганди. Улар кутилмаганда кўзгуни сезиб қолишли. Уч нафар пиёда аскар тиз чўкканча ўқ узишли. Бир неча сониядан сўнг кўзгу парча-парча бўлиб кетди.

“Шошмай турларинг”.

Реншо қизил дараҳтдан ясалган оғир қутичани олди ва худди бейсболчилардек улоктириди. Кутича аскарларни йикитди. “Жип”лардан бири ағанаб кетди. Реншо ўқ отиб аскарлардан бирини йўқ қилди.

Аммо қолган аскарлар ўзларига келган ва ўқ узишни бошлаб юборишганди.

Реншо яна бир марта ўқ узди – тегмади. Улар жуда ҳам кичкина эди! Аммо кейинги отишида яна битта аскарни йўқ қилди.

Вертолётлар унга қаратса ўқ узишди, ўклар унинг юзига тегди. Реншонинг отган ўқлари иккита вертолётга тегди. Қолган олтига вертолёт иккита гурухга бўлинди ва ортга чекинди. Реншо юзидан оқаётган қонни артди ва ўқ узишга тайёрланди, аммо тўхтаб қолди. Пиёда аскарлар сандиқча ичидан ниманидир тортиб чиқаришаётганди. Афтидан... Сариқ учқун сачради ва Реншонинг чап томонидаги девор сувоғи кўчиб тушди.

“Ракета ускунаси!”

У ўқ узди, нишонга тегмади, ваннахонага югуриб кириб олди. Кўзгуга қараб, жангда ақлдан озаёзган хиндунинг афтига кўзи тушди. Кўзгудаги хиндунинг юзи қондан қизил рангта бўялганди. Юзидаги тери кўчиб тушган, бўйин терисини худди кимдир шилиб олгандек эди.

“Мен жангда ютқазяпман!”

У қалтироқ кўллари билан соchlарини таради. Чиқиш йўли берк. Телефонга етиб боришининг имкони йўқ. Ракета ускунаси бошини узуб ташлашга тайёр ҳолда турибди.

“У ҳакда ҳатто ёзилмаганди ҳам!”

Эшикнинг муштдек парчаси кўчиб тушди. Аланга тиллари эшикнинг ҳозиргина пайдо бўлган ёриғидан ўрмалай бошлади. Ваннахонага ёнаётган ёғоч парчалари учуб тушди. Пайдо бўлган туйнукдан иккита вертолёт учуб кирди ва Реншонинг кўкрагига қаратса ўқ узди.

У вертолётлардан бирини қўли билан уриб туширди. Иккинчи вертолётни сочиқ билан қулатди ва эзғилаб ташлади.

“Мана сенга! Мана сенга! Энди ўйлаб иш қиласанлар!”

Афтидан, улар ростдан ҳам ўйланиб қолишли. Ўн беш дақика давомида сукунат ҳукм сурди. Реншо ванна четига

ўтириди ва ўйга чўмди: бу муаммонинг ечими бўлиши керак. Албатта. Уларни айланиб ўтиш керак.

У кескин ўгирилди ва ванна тепасидаги туйнукка қаради. Бу қопқондан чиқиш йўли бор.

Унинг нигоҳи ёндиригичларни тўлдириш учун мўлжалланган газли баллонга тушди. Реншо унга қўлини чўзди ва шитирлаган товушни эшилди. У дарҳол ўгирилди, тўппончасини тўғрилади, аммо эшик тиркишидан қофоз парчаси тушди.

Қофоз парчасида кичкина ҳарфлар билан “Таслим бўл!” деган ёзув ёзилганди.

Реншо илжайди, газ баллончасини кўкрак чўнтағига солди, дори қутичасидан қалам бўлагини олди ва ёзиб, эшик тиркишидан ташқарига сурди: “Асло!”

Ракеталар эшикдаги туйнукдан кириб деворга урилиб портлади. Реншо қўллари билан кўзларини беркитди - девор сувоклари кўчиб тушди.

Бир оздан сўнг Реншо ваннадан чиқди ва деразани очди. Осмонда юлдузлар совук нур сочарди. Дераза остида торгина карниз бор эди, аммо ҳозир у ҳақда ўйлашга вакт йўқ эди.

У деразадан осилиб пастга тушди. Юзига совук ҳаво урилди. Реншо пастга қаради: кирқ қават. Бундай баландликдан кўча худди болаларнинг ўйинчоқ темир йўлидек кўринарди.

Реншо ромга осилиб, карнизга оёғини қўйди. Агар ҳозир бирорта вертолёт ваннахонанинг ёриқ эшигидан ичкарига кириб ўқ узишни бошласа борми, у чинқирганча пастга кулаши тайин.

Аммо ҳеч нарса содир бўлмади.

Оёғи остидаги бўшлиқ ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилаётган Реншо аста-секин бино бурчаги томон сурила бошлади.

Тўрт метр қолди... уч... Мана, нихоят етиб келди. У кўксини деворга тираганча тўйиб-тўйиб нафас олди. Энди бурчакни айланиб ўтиш керак...

Тўккиз метрдан кейин айвонга етиб олади...

Нихоят, у айвоннинг темир тўсикларига осилди. Реншо овоз чиқармасдан айвонга тушди, ойнаванд эшикдан аста меҳмонхонага мўралади. Аскарчалар уни сезишмади. Тўрт аскарча ва бир вертолёт сандикни қўриқлашарди. Қолганлар эса ваннахона рўпарасига ўрнатилган ракета ускунаси ёнида эди.

“Хўш. Меҳмонхонага югуриб кириб, сандик ёнидагиларни йўқ қиласман, уйдан қочиб чиқиб, таксига ўтириб аэропортга йўл оламан”.

У кўйлаги енгидан бир парчани энсиз тасма қилиб йиртиб олди, бир учини газ баллон ичида суюклик билан хўллади, иккинчи учини эса баллон ичига сукди, ёндиригич олиб матони ёқди, ойнаванд эшикни шахд билан очди ва ичкарига ташланди.

Вертолёт шу заҳоти унга ҳужум қилди. Реншо уни қўли билан уриб туширди.

Колган воқеалар сониялар ичida юз берди.

Реншо баллонни улоқтириди ва ташқари эшик томон юурди.

У нима бўлганини англашга улгурмади.

Худди пўлат сейф баланд бинодан ерга тушгандек гумбурлаган овоз келди. Бутун бино силкинди...

\* \* \*

Бир эркак билан аёл кўчада кетишаётганди. Улар чўчиб юқорига қарашди ва бинонинг энг юқори қаватида оппок тутун аралаш аланга кўтарилиганини қўришди.

– Нима бу? – сўради аёл.

– Ёнғин, – деди эркак.

Юқоридан уларнинг устига қандайдир мато туша бошлади. Эркак уни ҳаводаёқ тутиб олди:

– Ё Худойим, кўйлак парчаси, ҳаммаёғи кон, тешилиб кетибди.

– Раф, такси чақир, – деди аёл. – Тезроқ кетайлик.

Эркак атрофга аланглаб такси чақирди. Машина тўхтади ва улар такси томон югуришаркан, ҳозиргина улар турган жойга бир парча қоғоз тушганини кўришмади. Унда қуидаги сўзлар ёзилганди:

“Айрим ветнамча сандиклар ичida қуидагилар ҳам бор: битта ракета ускунаси, йигирмата “ер-ҳаво” ракетаси, битта термоядроли бомба”.

*Дилшодбек Асқаров  
таржимаси*

## ТУНГИ ҲОРДИҚ

Жейсон Гаучо клубига ярим тунда етиб келди. Дастрлаб клубнинг олд томонида чараклаб турган сон-саноқсиз неон чирокларга қараб кирсамми-кирмасамми деб иккиланиб қолди.

Уни бу ерга олиб келган такси ҳайдовчиси ҳам машинасидан бошини чиқариб, ҳашаматли бинога кўз югуртириди.

– Қасрнинг ўзгинаси-ю! – деди ҳайдовчи. – Зўр жой экан. Бу ерда майшат қилиш сизга қимматга тушади, гапимга ишонаверинг.

Жейсон чўнтагини кавлаб, ҳайдовчига йўлкира берди. Лекин шундан кейин ҳам ичкарига киришга ботинолмай унга гап қотди:

– Нега бу ерга келдим ўзи...

– Бу ерга келганлар нега келдим деб чайналиб ўтирумайди, – деди ҳайдовчи. – Лекин шахсан мен бунака жойлардан нарирок юрган бўлардим.

– Шаҳарда борадиган жойингиз бордир-да, – деди Жейсон зинага оёқ кўйиб. – Хотин, бола-чақа дегандай?

Ҳайдовчи бош сермади.

– Ҳа, уйланганман. Лекин бунинг клубга нима дахли бор?

– Даҳли бор-да. Билсангиз, мен шаҳарда ҳеч кимни танимайман. Нью-Йоркка келганимга бор-йўғи икки соат бўлди. Мени бир бинонинг ўнинчи қаватига жойлашди. Юқоридан туриб ким билан ҳам танишардим? Гаучо клуби дўст орттириш учун Нью-Йоркдаги энг қулай жой деб эшитгандим. Лекин ҳозир шаҳарликлар билан таниша олармиканман деб ўйланиб қолдим.

Ҳайдовчи Жейсонга бошдан-оёқ разм солди.

– Бу ким билан танишишингизга боғлиқ, – деди у. – Агар кўнгилхушлик учун қиз топмоқчи бўлсангиз, айни жойига келдингиз.

Жейсон бош чайқади.

– Йўғ-э, сиз мени нотўғри тушундингиз. Майли, бир кириб кўрай-чи. Агар ёкмаса қайтиб чиқавераман-да, тўғрими?

Ҳайдовчи моторни ёқди-да:

– Ихтиёр ўзингизда, – деб ғўлдираб газни босди.

Клубнинг ичкариси ҳар хил рангли чироклар билан ғирашира ёритилган, оёқ остига бири-биридан қалин гиламлар тўшалганди. Пўрим кийинган уч-тўртта югурдак ғўддайганча қўл ковуштириб туар, уларга гапиришга ҳам юрак дов бермасди. Югурдаклардан бири кўзи билан имо қилиб йўл кўрсатгач, ҳаяжондан дир-дир титраган Жейсон одам тўла катта хонага кириб, кийим жавонини қидира бошлади.

Бу хона бояги ғира-шира дахлиздан кўра файзли кўринарди. Шу пайт эгнига калта кўйлак кийиб, ҳаворанг фартук тақкан, сочига кўк бант боғлаган бир қиз Жейсоннинг ёнига келди-да, шляпасини олиб қўлига рақам ёзилган қоғозни тутқазди. Кейин унинг келишган йигит эканини пайқаб, чиройли жилмайиб қўйди.

Шошиб колган Жейсон қизга ялинишга тушди:

– Илтимос, ҳеч қаёққа кетмай, бир оз шу ерда туринг. Шляпамни ҳам илманг. Мен бу ерда кўп ўтирмасам керак. Ҳеч ҳаяжонимни босолмаяпман. Сиз бу ердаги дабдаба-ю ҳашамга кўнишиб кетгандирсиз-а? Мен эса клубга биринчи марта киришим. Даҳлиздаги анави йигитлар мени чўчитиб юборди. Бунака барзангиларни у ерга ким қўйган. ҳайронман. Бошқа мижозларнинг ҳам таъбини тиррик қилишаётгандир?

Қиз Жейсонга дикқат билан разм солиб, ғалатироқ йигит эканми деб ўйлади.

– Уларга эътибор берманг, – деди киз. – Ширакайф мижозларимизнинг аксарияти уларни пайқашмайдиям.

– Ха, майли, – деди Жейсон. – Айтинг-чи, клубингизда мазза қилиб ҳордик чиқаришим учун нималарни тавсия қиласиз?

– Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, аввал барга кириб тўйгунча ичардим-да, кейин ресторандаги оркестрнинг ёнидаги столга ўтириб ширин таомлардан буюрадим.

– Ичкилик ичиш шартмикан? – деб сўради Жейсон асабийлашаётганини сездирмаслик учун оқ бўйинбоғини пайпаслаб.

Киз кулиб юборди:

– Бўлмасам-чи. Ичкилик юракка далда бўлади.

– Майли, айтганингиздай киламан. Кейин келиб, натижасини айтаман. Сизга катта раҳмат.

Жейсон шундай деб қизга жилмайди-да, бар томонга юрди.

Клубнинг бари ҳам жуда жимжимадор қилиб безатилган, узун стол одамга тўла эди. Жейсон камзулини тартибга келтириб, баланд курсига ўтирди.

Унинг ёнидаги курсига ўтирган сочига оқ оралаган новча киши малласоч жувонга ғўлдираб бир нималарни тушунитирди. Соchlари тухумнинг сарифидай сап-сариқ жувон баданига ёпишиб турган оч яшил либос кийганди. Ёқаси аёлнинг бўйинни беркитган, енглари узун бу либоснинг этаги полгача тушганди.

Новча киши Жейсоннинг аёлни томоша қилишига халал бераёттанди. Аёлнинг бошини кўриш учун у олдинга эгилиш, коматини томоша қилиш учун эса ортга тисарилиши керак эди. Шу сабаб Жейсон новчанинг тезроқ кетишини хоҳлаб қолди.

Бармен ёнига келгач, Жейсон занжабил пиво кўшилган шотланд вискисидан буюрди:

– Яна сўраб вактингизни олмаслигим учун шотланд вискисидан бир йўла уч хисса қўйсангиз.

Бармен унга бир қаради-да, шишани олиш учун ортига ўтирилди.

Малласочга гапираётган новча киши ҳам қизиқсиниб юзини унга бурди.

– Юкумли қайизғокқа қарши листерин қўллайсизми дейман? – деб сўради Жейсон ундан.

– Қайизғоқ дейсизми? – деб сўради ҳеч нарсага тушунмаган новча анграйиб.

– Ҳа, қайизғоқ. Олимлар тилида айтганда питираспорум овале деб номланувчи чўзинчоқ батсилла.

Жейсон хиёл энгалиб, новчанинг камзулига тармашган соч толасини олди.

– Балки бу мавзу сизга қизик эмасдир. Унда гапимга ўтибор берманг.

Новча нима дейишини билмай узр сўради-да, ёнидаги малласоч аёлнинг кулоғига бир нима деб шивирлади. Малласоч ўзига қараётганини кўриб, Жейсон унга ҳам савол берди:

– Салом, хоним. Айтишларича, пойга отлари бу йил ёзда похол шляпа кийишаётган эмиш. Шу гап ростми?

Шундан сўнг новча киши ва малласоч аёл дарҳол бардан чиқиб кетишиди. Уларнинг ортидан термулиб қолган Жейсон эса ҳафсаласи пир бўлиб, барменга гап қотди:

– Бу икковига гапим ёқмади, шекилли. Нима дедингиз?

Бармен унинг стаканига занжабил пивосидан қўшди.

– Похол шляпа ҳакидаги гапингиз ростми, жаноб?

Жейсон бош чайқади.

– Йўқ. Шунчаки хонимнинг кўнглини олмоқчи эдим.

У шундай деб стаканидаги ичимликни бир кўтаришда бўшатди-да, идишни барменга қайтарди.

– Яна қуйинг. Энди бу bemаза окшомни унутмагунимча ичавераман.

– Ўзингиз куяверинг, – деди бармен шишани унинг ёнига қўйиб.

– Сиз ҳам менга шерик бўлсангиз-чи?

– Мен уч йил бурун ичишни ташлаганман, – деди бармен афсуслангандек қўлларини икки ёнига ёйиб.

– Буни қаранг-а. Вақт топиб ичишни қандай ташлаганингиз ҳақида менга, албатта, гапириб беринг. Ҳозир эса сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. – Жейсон шундай деб унга яқинроқ сурилди. – Ҳозиргина чикиб кетган малласоч аёл либосининг остидан ичкийим киймагандай туюлмадими сизга?

Барменнинг пешонаси тиришди.

– Очигини айтсам, аҳамият бермабман, сэр.

– Сиз уч йил аввал аёлларга қарашни ҳам ташлагансиз, чамамда, – деди Жейсон ачиниб. – Иродангизга қойил-э!

Бармен узр сўраб, пештахтанинг нариги томонига кеттач, Жейсон яна бир-икки стакан виски ичди-да, ичимлик пулини пештахтага қўйиб ўрнидан турди ва ойнаванд эшик орқали ресторанга кирди. Рестораннинг тўрида оркестр куй чалар, уч-тўрт киши кафтдеккина майдончада ракс тушарди.

Метрдотел Жейсонни оркестрнинг яқинидаги икки кишилиқ столга ўтқазди.

– Бу ерга биринчи марта келишим, – деди Жейсон официантга. – Менга бирорта хонимни топиб беролмайсизми?

– Иложим йўқ, сэр, – деди официант куруккина килиб.

– Сўрадим-қўйдим-да. Айрим жойларда шунаقا хизмат ҳам кўрсатишади, билсангиз.

– Қандай таом келтирай? – деб сўради официант унинг гапини эшитмаганга олиб.

Ҳафсаласи пир бўлган Жейсон истар-истамас таом танлади. Оқшом зерикарли ўтишини унинг кўнгли сезиб турарди.

Биринчи таомни кутаркан, у ресторонда ўтирганларга разм солди. Бу ерда унинг дидига мос чиройли кийинган аёллар кўп эди. Лекин уларнинг бари эркак билан бирга ўтиради. Масалан, ёнидаги столда унга орқа ўгириб ўтирган қиз бир ширакайф йигит билан гаплашаётганди. Жейсон уларнинг сухбатига қулоқ солди:

Йигит нимадандир норози эди:

– Мен сенинг мақсадингни яхши биламан. Сен ўзингга ҳаддан ташқари бино кўйгансан. Оғзингга талқон солганимисан? Гапирсанг-чи!

Жейсон қизнинг гапини эшитолмади, лекин унинг чиройли кўнғир соchlарига маҳлиё бўлиб қараб қолди.

Оркестр чалишни тўхтаттач, ҳалиги ширакайф йигит мусиқачиларнинг олдига бориб, пианиночи билан узок гаплашди. Дастлаб бош чайқаган пианиночи кейин бошқа мусиқачиларга бир нима деб шивирлади. Улар кўнғир сочли қизга қараб анча шивирлашишгач, пианиночи мусиқачиларнинг ёнида қолди. Қиз эса столга қайтган йигитта кўлидаги тўртта узукни ечиб берди-да, оркестр томонга юрди. “Ойимтилла қўлчаларининг чигилини ёзмоқчи, шекилли”, деб ўйлади Жейсон.

Қиз пианинога ўтиргач мусиқачилар унинг атрофини ўраб олишди. Жейсонга унинг қўлларидан бўлак ҳеч нарса кўринмасди.

Тромбончи ширакайф йигитта қараб кичкирди:

– Мисс Геллерт аввал томоқ ҳўлламоқчи.

Йигит гандираклаганча ўрнидан туриб, бир қадах шампан виносини қизга элтиб берди.

– Ўзингни кўрсатишни бас кил, – деди у жигибийрон бўлиб. – Одамлар нима деб ўйлади?

Шампанли қадахни бир кўтаришда бўшаттач, қиз пианино чала бошлади ва ресторондаги ғовур-ғувур такқа тўхтади.

У беш дақиқача пианино чалғач, олқишу мактovларга күмилиб, столига бориб ўтирди.

– Хоним пианинони зўр чаларкан. Уни менинг номимдан ҳам табрикланг, – деди қизнинг маҳоратига қойил қолган Жейсон ширакайф йигитга. Мактovни эшиттач, қиз унга майин жилмайиб, миннатдорчилик билдириди. “Одри Хепберннинг ўзгинаси-я”, деб ўйлади Жейсон унга термулиб.

Ширакайф йигит эса Жейсонга ўқрайиб қўйди-да, қизга:

– Нарсаларингни йиғиштири. Кетадиган вақтимиз бўлди, – деди.

Лекин хоним унинг гапини эшитмагандай пардоzхонага кириб кетди.

– Сиз уни яхши танийсизми? – деб сўради Жейсон йигитдан.

– Ҳар ҳолда сиздан кўра яхшироқ танийман, – деди йигит тутикаиб. – Бироннинг ишига тумшук сукманг. Бу қиз менинг қаллиғим. Мен эса тажанг одамман.

– Ҳеч ҳам тажангга ўхшамайсиз, – деди Жейсон жилмайиб. – Эгнингиздан ароқ сасиётганини айтмаса, дурустгина одам экансиз.

Йигит ўрнида сапчиб турувди, Жейсон:

– Юринг, ҳожатхонада орани очик қиласиз, – деди.

– Ихтиёргиз. Менга жойнинг фарки йўқ, – деди йигит.

Жейсон ҳали қўл ҳам теккизилмаган овқат учун официантга чойчақа берди-да:

– Ким зўрлигини ҳозир аниқлаб оламиз, – деди.

Гандираклаётган ширакайф йигитни ҳожатхонага елкасидан суяб олиб киришга тўғри келди. Ичкарида ҳеч ким йўқ экан. Жейсон дарров йигитни бир ёғлиқ қилди-да, оёқ-қўлини боғлаб бўлмалардан бирига тиқиб қўйди. Бояқиши пиёниста хўрликка чидолмай йиғлаб юборди, лекин уни овтишга Жейсоннинг вақти йўқ эди.

Ресторанга қайтиб кирса, қўнғирсоч қиз ҳалиям жойида йўқ. Узоқ кутгандан сўнг Жейсон уни кийим илинадиган хонадан топди. Сочига кўк бант боғлаган қиз шляпасини бериб, ундан кеча қандай ўтганини сўради.

– Менга тўғри маслаҳат берибсиз. Мирикиб дам олдим, – деди Жейсон қизга беш доллар тутқазиб.

Кейин қўзи мисс Геллертга тушиб, унинг олдига борди.

– Ҳозиргина ҳамроҳингизнинг олдидан чикдим, – деди Жейсон унга. – Дўстингиз туннинг қолган қисмини сиз билан ўтказишимни илтимос қилди.

– Шунақами? – деди қиз хушторининг ғойиб бўлганига парво ҳам қилмай.

– Менинг исмим Говард Жейсон. Нью-Йоркка биринчи марта келишим. Чўнтак тўла пул. Хўш, энди қаёққа йўл оламиз?

Қиз бир оз ўйлаб турди-да:

– Ростдан ҳам пулингиз кўпми? – деб сўради.

Жейсон бош сермади.

– Ҳозир ёнингизда қанча бор?

– Икки минг доллардан кўпроқ. Такси бузилмаган яп-янги пуллар.

– Шунча пул билан юриш мазза бўлса керак-а? – деди қиз энтикиб.

– Э, гап пулда эмас. Келинг, мавзуни ўзгартирайлик. Ҳадеб пул ҳақида гапиравериш яхшимас.

– Ҳозир биз борадиган жойга кўп пул керак-да, – деди қиз. – Йўқса иккимизни кўчага улоқтиришади.

– Демак, зўр жой экан. Кетдик бўлмаса.

– Пианинони зўр чаларкансиз. Яна қандай ҳунарларингиз бор? – деб сўради Жейсон улар таксига ўтиришгач.

– Кўлимдан кўп иш келади. Лекин бирор ишни пианино чалгандек дўндиrolмайман. Бу борада омадим чопган.

– Зўр чалиш учун анча шугуллангандирсиз? – деди Жейсон ва орқа ўриндикда ўтирган қизга қайрилиб қаради.  
– Тўғрисини айтсам, менга жуда ёқиб қолдингиз.

– Бўлажак муносабатлар учун пойdevор қураяпсиз чоғи?  
– деди қиз бошини хиёл ортга тисариб.

– Қари кампирларга ўхшаб бетгачопар экансиз.

– Ҳеч ҳам-да. Мен бегона эркаклар билан таксида кўп юраман. Уларнинг ниятини олдиндан билишга қизиқаман.

Жейсон чўнтағидан портсигарини чиқарди.

– Қизиқишиларингиз зўр экан, – деди у қизга тамаки узатиб. – Айтинг-чи, ўша эркаклар билан ётасиз ҳамми?

Қиз тамакини ёқиб тутата бошлади.

– Асло, – деди у. – Бунақа ишлар менга тўғри келмайди.

– Шунаками?

– Истасангиз ҳозироқ мени уйимга элтиб қўйинг. Бошқасини топишга ҳали вақтингиз бор. Нью-Йоркка биринчи марта келганлар ўзи кўпинча кўнгилхушлик учун қиз кидиради.

– Ўжарлигингиз менга жуда ёқди, – деди Жейсон. – Ҳозир қаёкка кетаяпмиз ўзи?

– Озгина сабр қилсангиз кўрасиз. Етай деб қолдик.

Кўп ўтмай такси баланд бир бинонинг ёнига келиб тўхтади. Ҳайдовчига йўлкира бергач, Жейсон мисс Геллерт билан бирга жимжимадор яssi зинадан уйнинг эшигига кўтарилиди.

Қиз кўнғироқ тутмасини босувди, қалин кўзойнак такқан пакана киши эшикни очди.

– Хэлло, Мэри, – деди у қизга. – Бугун мени куттириб қўйдинг-ку.

Шундай деб кўзойнакли киши уларни ичкарига бошлади.

– Бу йигитнинг исми Говард Жейсон, – уни мезбонга таништирди мисс Геллерт.

Бояги киши эски танишидек Жейсоннинг қўлинини маҳкам сикиб кўришди.

– Доктор Кауфман Нью-Йоркдаги энг меҳнаткаш одам, – деди киз Жейсонга. – Сизни безовта килмадикми, доктор?

– Асло. Яхши йигит, сиз кийим-бошингизни ечиб, бемалол ичкарига ўтаверинг.

– Бўлмаса сиз бу йигитта ҳамма нарсани кўрсатинг, доктор. Кўрасиз, Жейсон жуда олижаноб инсон, – деди мисс Геллерт.

Жейсоннинг пешонаси тиришди.

– Бу ерга нега келганимни менга тушунтириб беролмайсизми? – деди у. – Очигини айтсам, хеч нарсага тушунолмай қолдим.

Доктор Кауфман унинг кафтидан тутди.

– Албатта тушунтираман, – деди у. – Мэри сал шошқалоқлик килибди-да. Менга ёрдам бериш учун бу ерга сахий инсонларни бошлаб келгани-ку яхши, лекин кўпинча у сизлардан асл максадни яширади.

Мисс Геллерт Кауфманга илтимосини яна тақрорлади:

– Жейсонга ҳамма жойни кўрсатинг, доктор. Кейин бафуржа гаплашамиз. Сизларни кутубхонада кутаман.

– Мен сизни бутун умримни бағишлиган ишим билан таништирмоқчиман, Жейсон, – деди доктор. – Ортимдан юринг.

Доктор шунчалик самимий гапирдики, Жейсон унинг ортидан эргашганини сезмай ҳам қолди.

Орадан бир соатлар ўтгач, Жейсон кутубхонага ёлғиз қайтди. Мисс Геллерт катта камин ёнида хаёлга чўмиб ўтиради. Жейсон унинг ёнидаги курсига ўтиреди. Олов ёруғида унинг юзи докадек оқариб кўринарди.

– Сизни алдаганим учун афсусланаёттаним йўқ, – деди мисс Геллерт. – Одамларни бу ерга келишга кўндириш учун ёлғон гапиришга мажбурман.

– Докторга пул керак, шундайми? – деди Жейсон аламини ичига ютиб.

– Ахир, у ёрдамга лойик-ку, тўғрими? Доктор килаётган ишга кўл уришга хозир ким ҳам жазм эта оларди?

Жейсон ҳамёнини чиқариб мисс Геллертга пул берди.

– Ие, кўп бериб юбордингиз-ку. Сизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Оқшомингизни ҳам расво қилдим, шекилли.

Жейсон қизга тикилиб қаради.

– Бу ишга қандай аралашиб қолдингиз ўзи?

Мисс Геллерт нигоҳини оловга қадади.

– Мен севган одам оғир дардга чалиниб оламдан ўтган. Доктор Кауфман шаҳарда шу касалликни даволай оладиган ягона мутахассис. Лекин унинг тажрибалари жуда киммат туради. Пулсиз ҳеч қандай натижа чиқмайди. Шунинг учун ҳам унга ёрдам бераяпман.

– Тушунарли. Жуда ақлли қиз экансиз.

Саховатпешаларни доим тунги клубдан топасизми?

– Нима, бу усул сизга ёқмадими?

– Чиройли ресторандан манави бефайз жойга алданиб келиш кимга ҳам ёқади? – деди Жейсон эшик томонга юриб. – Докторингизнинг ишига муваффакият тилайман.

Мисс Геллерт унинг ортидан юрди.

– Оқшомингизни буздим, шундайми?

Жейсон унга қараб бир оз ўйланиб қолди.

– Биласизми, сиз мени боплаб лакиллатдингиз. Мен сизни бунақа жиддий қиз деб ўйламовдим.

– Йлтимос, мени кечиринг, – деди мисс Геллерт.

– Ҳалиги ширақайф йигитни ҳам бирор кун бу ерга олиб келсангиз керак-а? – деди Жейсон жилмайиб.

– Бўлмасам-чи. Унинг ҳам чўнтағи тўла пул.

– Хайрли тун, хоним, – деди Жейсон ва эшикни очиб ташқарига чиқди. Шу пайт коронги кўчадан гизиллаб такси етиб келди.

– Қаёкка бормоқчимиз? – деди хайдовчи.

Жейсон ортига ўгирилиб мисс Геллерт аллақачон эшикни ёпганини күрди-ю қовоғи уюлди.

– Менга қаранг, – деди у хайдовчига. – Нью-Йоркка биринчи марта келишим. Ўнинчи қаватда яшаяпман. Бирор билан танишишнинг имкони йўқ. Дўст орттириш учун қаёққа борай?

Хайдовчи ўйланиб қолди.

– Шаҳарликлар билан танишмоқчи бўлсангиз Гаучо клубига борганингиз маъқул, – деди у ниҳоят. – Айниқса, кўнгилхушлик учун қиз топишга жуда қулай жой бу.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат, – деди Жейсон машинадан тушиб. – Яхшиси озгина пиёда юра қолай.

*A. Отабоев  
таржимаси*

## КИШАНЛАНГАН “ҚҰЛЛАР”

Денверда Балтимор йўналишидаги экспрессга йўловчилар бир-бирига навбат бермай, шошилганча чикишарди. Одатдаги шинам вагонларнинг бирига нозик дид билан кийинган, хушрўйгина қиз ҳам жойлашди. Эндиғина поездга ўтирганлар орасида иккита ёш йигит ҳам бўлиб, бири – келишган, дадил, очиқ юзли; иккинчиси – нимадандир ташвишланаётгани юзидан билиниб турган, бадқовок, бесўнақай, оддий кийимда эди. Бирининг ўнг қўли иккинчисининг чап билагига кишанланган ҳолда турарди.

Икковлон соҳибжамолнинг рўпарасидаги бўш ўриндикларга дуч келмагунларича вагон бўйлаб юришди. Ажралмас дўстлар кизнинг рўпарасига, поезд йўналишига қарама-қарши тарзда ўтиришди. Кизнинг ётсираган, лоқайд нигоҳи улар томонга сирғалди, бирдан унинг чехрасида гўзал табассум жилваланди, юмалоқ ёнокларига қизиллик югарди, кулранг қўлқопдаги нозиккина қўлини олдинга чўзди. Унинг ёқимли ва қатъий овози кишини ўзига ром килар ва барча уни жимгина тингларди, қиз ҳам бунга одатланиб қолганди.

– Хўш, жаноб Истон, рухсатингиз билан биринчи бўлиб сўз бошласам. Агар сиз эски дўстларингизни Ғарб томонларда учратиб қолсангиз, уларни атай танимаганликка оласизми?

Унинг бу гапидан йигитларнинг ёшроғи сесканиб тушди, саросимадан бир зум қотиб колди, бироқ ўша заҳоти ўзини қўлга олди ва кизнинг қўлини чап қўли билан ушлаб сўрашди.

– Қандай танимай, – деди у тиржайиб. – Мисс Ферчайлд! Чап қўлим билан сўрашаётганлигим учун маъзур тутинг, ўнг қўлим айни дамда банд.

У ҳамроҳининг чап билагига ажойиб “билагузук” билан кишанланган ўнг қўлинни салгина кўтариб қўйди. Қизнинг кўзларидаги қувонч кучли ҳайрат билан алмашди. Ёноқларидаги қизиллик ҳам кочди. Лаблари пирпираб кетди. Истон қизиқ холатни кўргандай мийигида қулиб қўйди, энди гап бошламоқчи эди, шериги унинг сўзини оғзидан олди. Шу пайтгача бадқовок йўловчининг ўткир, зийрак кўзлари қизнинг юз ифодасини зимдан кузатиб келарди.

– Авф этасиз, мисс, кўриб турибманки, сиз шериф билан таниш экансиз. Балки, ундан қамоқхонага етиб борганимизда мен учун енгиллик беришларини сўраб кўрарсиз. У илтимосингизни рад этмайди. Ахир, у мени Ливенуорд қамоғига олиб кетяпти. Етти йилга, фирибгарлик учун.

– Ҳа, гап бу ёқда экан-да! – деди қиз чуқур тин олиб, унинг юзи бироз қизарди. – Мана нималар билан машғул экансиз! Шериф бўлибсиз-да?

– Мисс Ферчайлд, азизам, нимадир қилишим керак-ку. – деди Истон хотиржам. – Пулларни ҳавога совуриш жуда ҳам осон. Вашингтонда сиз ва мен кабиларнинг акчасиз бирор нимага эришиши даргумон. Ғарбда шундай тасодифлар юз берди-ки, мана мен бу ерда... албатта, оддий шериф учун булар... еҳ-ҳе... лекин, ҳар ҳолда...

– Бунинг бизга кераги ҳам йўқ, – тезда жавоб қайтарди қиз. – Буларни билишингиз керак эди. Демак, энди сиз ёввойи Ғарбнинг чинакам қаҳрамони, от чоптирасиз, ўқ узасиз ва ҳар бир қадамда сизни хавф-хатар кутиб ётади. Ҳа, Вашингтонда хаёт ўзгача. Эски танишлар орасида факат сиз етишмаяпсиз.

Қиз яна сеҳрлангандек яркираётган кишанга тикилди.

– Сиз бу кишанлар ҳакида ўйламай кўя қолинг, мисс, – деди Истоннинг ҳамрохи. – Шерифлар доим ҳибсга олинганларни қочиб кетмасликлари учун ўзлари билан кишанлаб юришади. Мистер Истон ўз ишининг устаси.

– Вашингтонга қачон қайтасиз? – сўради киз.

– Тез орада эмас, деб кўрқаман, – деди Истон. – Кўриб турибсизки, беташвиш ҳаёт мен учун тугади.

– Фарб менга жуда ёқади – деди киз. Унинг кўзлари мулойим йилтиради. Киз нигоҳини вагон ойнасига қаратди.

У тўғридан-тўғри, содда ва равон оҳангда сўзлай бошлади:

– Бу ёзни ойим билан Денверда ўтказдик. Бир ҳафта аввал ойим уйга қайтиб кетди, чунки, отамнинг тоблари қочиб қолди. Фарбда маза қилиб яшашим мумкин эди. Менимча, бу ернинг ҳавоси соғлиқ учун жуда фойдали. Қолаверса, баъзи одамлар шунчалик аҳмоқки, улар нотўғри ўйлашади...

– Кулоқ солинг, бу инсофдан эмас, шериф, – тўнгиллади маҳбус, – Томоғим қуриб кетди, бунинг устига эрталабдан бери чекким келяпти. Наҳот, сұхбатларинг ҳали-бери тугамайди. Мени чекувчилар вагонига олиб ўтсангиз бўларди. Тамакисиз ўлиб қоламан.

Бир-бирига кишанланган ҳамроҳлар ўринларидан туришди. Истоннинг юзида аввалгидек енгил табассум пайдо бўлди.

– Бундай илтимосни рад этиш гуноҳ, – деди у бепарво. – Барча нарсадан маҳрум бўлганлар учун тамакидан яхши дўст топилмайди. Кўришгунча, мисс Ферчайлд. Нима ҳам килардик, хизматчилик.

У хайрлашиш учун кўлини узатди.

– Афсус, йўлингиз Шарқ томонга эмас экан, – деди киз мулойимлик билан. – Лекин, сиз, албатта, Ливенуортга боришингиз шартми?

– Ҳа, – деди Истон, – боришим шарт.

Икковлон елкадош бўлиб кашандалар вагонига ўта бошлиши.

Орка ўриндиқдаги икки йўловчи сухбатни деярли бошдан-оёқ эшитиб ўтиришарди. Улардан бири деди:

– Бу шериф жуда самимий экан. Бу ерларда – Farбda яхши одамларни кўплаб учратиш мумкин.

– Бундай лавозим учун ёшлиқ қилмасмикан? – сўради иккинчиси.

– Нима учун ёшлиқ қиласар экан? – овозини баландлатди шериги. – Менимча... Тўхтанг, сиз наҳот тушунмадингиз? Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси шериф маҳбусни ўзининг ўнг кўлига кишанлайди?

*Сайджалол Сайдмуродов  
таржимаси*

## БАРНХАУЗ ТАЬСИРИ

Гапимнинг бошидаёқ огоҳлантириб кўяй, бошқалар қатори мен ҳам профессор Артур Барнхауз қаердалиги ҳакида ҳеч нарса билмайман. У бир ярим йил бурун қаёққадир ғойиб бўлди. Мавлуд арафасида почта кутимдан топган қисқагина сирли хатни ҳисобга олмаганда, ундан ҳеч қандай хабар келгани йўқ.

Айтиб кўяй, агар бу сатрларни ўқиётганлар ўзига хос “Барнхауз таъсири”га мустақил равишда ўрганмокчи бўлишса, ҳафсалалари пир бўлади. Агар бу сирни ошкор кила олганимда-ю, шуни хохлаганимда мен ҳозир оддийгина психология ўқитувчиси эмас, йирик амалдор бўлардим.

Профессор Барнхаузга шогирдлик қилганим ва унинг ғаройиб ихтиросидан биринчи бўлиб хабар топганим учун ҳам ушбу ҳисботни ёзишга кўндиришди. Аслида талабалик давримда профессор фикр кувватини қандай қилиб ташқариға чиқариш ва бошқариш ҳакида мен билан бирор марта ҳам гаплашмаган. Бу маълумотларни у ҳеч кимга ишонмасди.

Айтмоқчи, “Барнхауз таъсири” атамасини газетачилар ўйлаб топишган, профессор Барнхауз ҳеч қачон бу сўзларни ишлатмаган. Бу дунёда шунақа куч борлигига ишонмайдиган аклирасо одамни топиш амримаҳол. Унинг бузғунчилик имкониятини Ер юзидағи барча пойтахтларда яхши билишади. Чамамда, инсоният бу кучни пайқаганига анча бўлган. Жонсиз буюмлардан фойдаланиб ўйналадиган ўйинларда, масалан, соққада айримларнинг доим омади келиши ҳаммага маълум. Профессор Барнхауз ҳар қандай “омад” аслида бемалол ўлчаш мумкин бўлган куч эканини ва унинг ўзида ҳам буюмларга таъсир кучи бенихоя ривожланганини аниклади.

Хисоб-китобларимга қараганда, яширин фаолиятга ўтган пайтда профессор Барнхаузнинг куввати Нагасакига ташланган атом бомбаси кувватидан тахминан эллик беш баравар юқори бўлган. Генерал Хонес Баркерга “Ақлий ҳужум” операцияси арафасида: “Ҳозирнинг ўзидаёқ, столдан ҳам туриб ўтирмай Ер юзидан истаган нарсамни, Жо Луисдан тортиб Буюк Хитой деворигача сидириб ташлай олсан керак”, деганда у сира мактамаган.

Кўпчиликнинг профессор Барнхаузни бизга Худо юборган, деб ҳисоблашига ажабланмаса ҳам бўлади. Лос-Анжелесдаги Барнхаузнинг биринчи черковига минглаб одамлар қатнайди. Лекин профессорнинг ташки кўриниши ҳам, дунёқараши ҳам авлиёларникига ўхшамайди. Бутун дунёни қуролсизлантиришни максад қилган бу одам сўккабош, бўйи ўртачадан пастроқ, тўладан келган, кам-харакат эди. Зехн кўрсаткичи 143 га тенг. Бу жуда яхши кўрсаткич, аммо сирайм ажабланарли эмас. У, албатта, мангу яшамайди, лекин ҳозирча соппа-соғ, қиркқа караб кетаяпти. Ҳозир ёлғиз яшаётгани уни унчалик ташвишлантирмайди. Профессор билан бирга ишлаган пайтларимда у жуда камгап ва тортинчоқ одам эди, ҳам-каслар даврасидан кўра китоблар-у мусиқани хуш кўриши сезилиб турарди.

Профессорнинг ўзида ҳам, қобилиятида ҳам ҳеч қандай гайритабиийлик йўқ. Унинг психодинамик нурланиши худди радиотўлқинларга ўхшаб физиканинг кўплаб конунларига бўйсунади. Радиоприёмник орқали “Барнхаузнинг турғун майдони”дан чиккан қулоқни қоматга келтирувчи чарсиллаган товушни ҳамма эшигтан бўлса керак. Куёшдаги доғлар ва ионосферадаги тўфонлар ҳам бу нурланишга таъсир килади.

Лекин айрим хусусиятларига кўра, бу нурланиш оддий радиотўлқинлардан фарқ килади. Агар хоҳласа, профессор психодинамизмнинг бор қувватини исталган бир нуқтага

қартиши мумкин, бу кувват учун масофанинг фарқи йўқ. Шундай экан, бактерия ва атом бомбалари билан солиштирганда психодинамизмнинг афзал томонлари кўп, уни қўллаш ҳеч қандай харажат талаб қиласлиги ҳакида-ку гапирмаса ҳам бўлади: профессор халқаро мувозанатни саклаш учун бутун бошли халқни қириб юбориш ўрнига жамиятга хавф solaётган алоҳида шахс ёки объектга таъсири қилиши мумкин.

Генерал Хонес Баркер Миллий мудофаа қўмитасига: “Барнхаузни топгунимизча, “Барнхауз таъсири”дан ҳимояланолмаймиз”, деди. Нурланишни “ўчириш” ёки экранлаштиришга уринишдан ҳеч қандай натижа чиқмади. Баш вазир Слезак “Барнхаузга чидамли” иморат қуриш учун бир дунё пул сарфламаса ҳам бўларкан. Қалинлиги тўрт метр келадиган томи бўлса ҳам, Барнхауз ичкарида ўтирган вазирни икки марта йикитди.

Худди шундай кобилияти бор одамларни топиш кераклиги ҳакида гапира бошлашди. Сенатор Уоррен Фоуст кидирув ишлари бўйича маблағ сўраб янги шиорни эълон килди: “Ким “Барнхауз таъсири” кобилиятига эга бўлса, дунё уники!”. Комиссар Кропотник ҳам шунга ўхшаш гап айтди ва ўзига хос усулдаги янги серхаражат қуролланиш пойгаси бошланди.

Ҳозир ҳар бир ҳукуматнинг ўз моҳир соккабозлари бор. Гўёки булар атомчи физик эмиш. Балки Ер юзида мендан ташқари яна икки юзтacha иқтидорли психодинамистлар бордир. Лекин профессорнинг услубини ўзлаштиришмагани учун улар омадли соккабозлигича қолишади. Ҳатто сирни билишса ҳам, ўн йилдан кейин хавфли қуролга айланишлари мумкин. Профессорнинг ўзига ҳам шунча вакт кетган. Шундай экан, “Барнхауз таъсири”ни ҳозирча Барнхаузнинг ўзигина қўллай олади.

Барнхауз даври таҳминан бир ярим йил аввал “Ақлий ҳужум” операцияси жорий қилинган куни бошланди, деб

хисобланади. Айнан ўша пайтда психодинамизм сиёсий тус олди. Лекин профессор аслида бу ҳодиса 1942 йил май ойида, профессор маҳсус хизматдан бош тортиб оддий тўпчи аскарликка ёзилган пайтларда кашф қилинган. Психодинамизм ҳам худди рентген нурлари ёки вулканизациядек тасодифан ихтиро қилинди.

Баъзан казармадаги ўртоклари оддий аскар Барнхаузни соққа ўйнашга чакиришарди. Барнхауз сира қимор ўйнамас, доим бирор баҳона топиб ўзини четга оларди. Лекин бир куни кечкурун дўстларини ранжитмаслик учун ўйнашга кўнади. Буни хижолатли фожиа дейиш ҳам, мўъжиза дейиш ҳам мумкин – ҳаммаси хозир дунёда рўй берастган воқеаларга қандай кўз билан қарашга боғлиқ.

“Еттиликни ташла-чи, отахон!” дейди кимдир. Ва “отахон” кетма-кет ўн марта еттилик ташлаб, ҳамманинг чўнтагини шип-шийдам киласди. Кейин каравотига қайтади-да, математикага бўлган меҳри жўшиб, кирхонадан келган тўлов қоғозининг орасига бу тасодифнинг эҳтимоллик дараҷасини ҳисоблай бошлайди. Ўн миллиондан битта имконият бор экан. Бу Барнхаузни ҳайратга солади ва у қўшни каравотдаги шеригининг соққасини олиб яна еттилик туширади.

Барнхаузнинг ўрнида бошқа одам бўлганда ҳуштак чалиб кўярди-да, бу мўъжизани дарров унтарди. Профессор эса, айнан нима учун икки марта бунчалик омади чопгани ҳакида ўйлай бошлайди. Ва биттагина умумий ҳолатни топади: ҳар иккала вазиятда ҳам соққани ташлай деб турганда хаёлидан бир хил фикр ўтганди. Айнан шу фикр мия ҳужайраларини шундай жойлаштирадики, профессорнинг мияси Ер юзида энг даҳшатли қуролга айланади.

Психодинамизм ҳакидаги илк мақтовни профессор ёнидаги каравотда ётган шеригидан эшигади. “Зўр ташларкансан, отахон, ўйинчок тўппонча бўларкан!” дейди у. Бундай паст баҳо дунёдаги барча шўринг қурғур

сафсатабозларнинг кулгисини қўзғаттан бўларди. Ҳа, профессор Барнхауз сокқани зўр ташларди. Аслида профессорнинг иродасига бўйсунган сокқалар бор-йўғи учтўрт грамм келар, шундай экан, уларни харакатлантирувчи қувват жуда паст эди, лекин шу қувват мавжудлигининг ўзиёқ Ер шарини ағдар-тўнтар килиб юбориши мумкин эди.

Барнхауз ҳар эҳтимолга қарши кашфиёти ҳакида овоза килмади. Унга ғоясини асословчи далиллар керак эди. Охир-оқибат, Хиросимага бомба ташлангач, у қўркқанидан чурқ этмасликка қарор қилди. Лекин ҳеч қачон унинг тажрибалари бош вазир Слезак айтганидек, “буржуазиянинг дунёдаги чин демократияга қарши фитнаси” бўлмаган. Тажрибалари нимага олиб келиши мумкинлигини профессорнинг ўзи ҳам билмасди.

Маълум вақтдан кейин у психодинамиzmнинг бир ягона ажабтовур хусусиятини аниклади: профессорнинг қуввати машқ қилганда ошарди. Олти ойдан кейин у казарманинг нариги бурчагида ташланган сокқага таъсир қила оладиган бўлди: 1945 йили ҳарбий хизматни тутаттанида эса, бир қарашдаёқ уч миль наридаги печка мўрисининг ғиштини тўкиб юборарди.

Профессор Барнхауз агар хоҳлаганида сўнгти урушни ўйнаб-кулиб ютиши мумкин эди, дейиш мантиққа тўғри келмайди. Урушнинг охирига келиб, у бор-йўғи 37 миллиметрли замбарак қудратига эга эди. Профессор хизматни тутатиб, Вайандотт коллежига қайтганидан кейингина унинг психодинамик қуввати майда калибрли курол қувватидан ошди.

Аспирантурага кирганимда профессорнинг қайтганига икки йил бўлганди. Тасодифни қарангки, айнан Барнхаузни менга илмий раҳбар қилиб тайинлашди. Бундан жуда ранжидим, чунки ўқитувчи ва талабалар профессорни лаллайган одам, деб хисоблашарди. У дарсларни қолдирав, маъруза пайтида тутилиб қоларди. Тўғрисини айтсан, бу

пайтта келиб унинг ажабтоворлиги кулгимни эмас, нафратимни қўзғай бошлаганди.

“Биз сизни Барнхаузга вактингчалик биринчи япмиз, – деди менга факультет декани. У хижолат чекар ва ўзини оқламоқчи бўлгандай гапиради. – Ишонаверинг, Барнхауз тенги йўқ олим. Тўғри, айникса, ҳозир у қайтгандан кейин буни дарров пайқаш кийин, лекин урушдан аввал унинг ишлари кичкинагина институтимизга шуҳрат келтирган”.

Миш-мишлар ўз йўлига-ю, профессорнинг лабораториясига илк бор кирганимда хонанинг аҳволини кўриб ваҳимам икки ҳисса ортди. Ҳамма ёқни қалин чанг босган, китобларга ҳам, асбобларга ҳам бир неча ойдан бери ҳеч ким қўл теккизмаганди. Профессор стол ёнида мудраб ўтиради. Учта кулдон, қайчи ва биринчи бетидан нимадир киркиб олинган янги газетагина қандайдир ҳаракатдан далолат берарди.

У бошини кўтариб ҳорғин кўзларини менга қадади.

– Салом, – деди у. – Тунлари ухламайман, уйкуга қонмайман. – Профессор тамакисини ёқди, кўллари хиёл титтарди. – Сизнинг номзодлик ишингизга ёрдам беришим керакми?

– Ҳа, сэр, – дедим. Шу уч-тўрт дақиқа ичидаги шубҳаларим хавотирга айланди.

– Европада жанг қилдингизми? – деб сўради у.

– Ҳа, сэр.

– У ердаги айрим жойлар ер билан битта бўлган, тўғрими? – у хомуш тортди. – Урушда қатнашиш ёқдими?

– Йўқ, сэр.

– Нима деб ўйлайсиз, яқинда яна уруш бўлармикан?

– Бўлади шекилли, сэр.

– Олдини олишнинг иложи йўқми?

Елка қисдим:

– Чамамда, энди бефойда.

У менга тикилиб қаради.

- Халқаро битимлар, БМТ ва ҳоказолар ҳақида эшитганимисиз?
  - Фақат газеталарда ўқийман.
  - Мен ҳам, – хўрсинди у. Кейин газеталардан қирқиб олинган хабарларга тўла папкани кўрсатди.
  - Авваллари халқаро алоқаларга сира эътибор бермасдим. Энди эса худди лабиринтдаги каламушларни ўргангандек кузатаяпман. Хулоса эса бир хил: “Умид йўқ...”.
  - Агар мўъжиза рўй бермаса... – дедим мен.
  - Мўъжизаларга ишонасизми? – деди профессор шошиб.
  - Кейин чўнтағидан иккита сокқа чиқарди-да: – Иккилиқ туширишга уриниб кўраман, – деди.
- Профессор кетма-кет уч марта иккилиқ туширди.
- Эҳтимол, қирқ етти мингдан битта имконият дегани. Мана сизга мўъжиза.
- Профессорнинг чехраси ёришгандай бўлди, кейин сұхбатни тўхтатди – маъruzаси ўн дақиқа аввал бошланган экан.
- У менга сирини очишга шошилмади, соққалар билан кўрсатган ҳунарини бошқа эслатмади. Соққаларга қўрғошин кўшилган, деб тахмин қилдим-да, уларни унутдим. Профессор эркак каламушлар емакка ёки урғочисининг олдига бориш учун ток уланган металл лавҳалар устидан қандай югуриб ўтаётганини кузатишими буюрди. Бу тажрибалар ўттизинчи йиллардаёқ ниҳоясига етган, қайта текширишга ҳожат йўқ эди. Лекин беҳуда иш билан шуғулланаётганим камлик қилгандек, профессор: “Хиромага бомба ташлаш шартмиди, нима дейсиз?” ёки “Нима деб ўйлайсиз, ҳар қандай илмий кашфиёт ҳам инсоният равнақига хизмат қиласиди?” қабилида савол бериб бошимни оғритарди.

Лекин кўп ўтмай бу дилхираликка якун ясалди.

- Бояқиши жониворларга дам беринг, – деди профессор бир куни тонгда. (Унинг кўл остида ишлаётганимга энди-

гина бир ой бўлганди.) – Сиз бошқа кизиқарлирок муаммони ҳал қилишга ёрдам берсангиз бўларди. Аникроғи, менинг ақлим жойидами, йўкми, деган муаммони.

Каламушларни катақларга жойладим.

– Бунинг йўли жуда осон, – овозини пасайтириб тушунтириди профессор. – Столимдаги сиёҳдонга қараб турасиз. Агар унга ҳеч нарса қилмаса, дарров менга айтасиз ва пинагимни ҳам бузмай, шу яқин орадаги жиннихонага равона бўламан.

Кўрқа-писа бош сермадим.

Профессор лабораториянинг эшигини тамбалади-да, пардаларни туширди. Бир муддат нимкоронги хонада қолдик.

– Ғалати одам эканлигимни биламан, – деди у. – Мен ўзимдан қўрқаман, ҳамма бало шундан.

– Менимча, сиз ажабтовур одамсиз-у, лекин ҳеч ҳам...

– Агар манави сиёҳдонга ҳеч нарса қилмаса, мени бутунлай эсдан оғибди, деб ҳисоблашларинг мумкин, – гапимни бўлди у чирокни ёкиб. Кейин кўзларини қисди. – Қанчалик телба эканимни билишингиз учун сизга уйкусиз тунларда нима ҳакида ўйлаганимни айтаман. Ҳар бир ҳалқка истаган нарсасини бериб, урушларни мангуга йўқота олиш кўлимдан келса-чи, деб ўйлардим. Балки бир кечанинг ўзида чангалзорлардан йўл очиб, сахроларни яшнатиб, тўғонлар қуришга қурбим етар.

– Ҳа, сэр.

– Сиёҳдонга қаранг!

Юрагим така-пука бўлиб, миқ этмай сиёҳдонга қарадим. Ундан эшитилар-эшитилмас ғўнғиллаган товуш чиқаётгандек эди; кейин сиёҳдон ваҳимали титради-да, кутилмаганда столнинг устида сакраб чирпирак бўлиб айланишга тушди. Сўнг тўхтаб яна ғўнғиллади ва чўғдай кизиб кўкиш-яшил алнга ҳосил қилиб портлаб кетди.

Кўрққанимдан соchlарим диккайди шекилли, профессор мийигида кулиб қўйди. Ниҳоят тилим калимага келди:

– Бу магнитнинг ишими?

– Қани энди магнитнинг иши бўлса! – ғўлдиради профессор. Кейин психодинамизм ҳақида гапириб берди. У шундай куч борлигини биларди, холос. Уни изоҳлаб беролмасди.

– У менинг ичимда, ёлғиз менинг ичимда – ҳамма бало шунда-да.

– Аксинча, бу кўз кўриб қулоқ эшитмаган мўъжиза! – дедим.

– Агар фақат сиёҳдонларни рақсга тушириш қўлимдан келганда, мендан баҳтли одам бўлмасди. – Профессор афтини бужмайтирди. – Лекин мен ўйинчок тўппонча эмасман, болакай. Агар хоҳласангиз, шаҳардан ташқарига чиқамиз, ўша ёқда барини тушунтираман.

Профессор менга майда-майда қилинган қоялар, қулатилган эманлар, кишлогимиздан эллик миль наридаги тептекис қилинган бўм-бўш омборхоналар ҳақида гапириб берди.

– Шунчаки шу ерда ўтирадим-да, ўйлардим, ўйлаганда ҳам зўр бериб ўйламасдим, – деди у жигибийрон бўлиб энсасини қаширкан. – Фикримни ростакамига бир жойга жамлашга юрагим дов бермасди – бирор балони бошлашдан қўрқардим. Ҳозир эса шу даражага етдимки, хоҳласам бўлди – ҳамма нарсани ер билан яксон қиласман.

Орага нокулай жимлик чўқди.

– Бир неча кун аввал ҳам сиримни ҳеч кимга ошкор қилмаслигим керак, деб ҳисоблардим: бу кувватни нимага ишлатишлари мумкинлигини ўйлашга ҳам қўрқади одам, – гапида давом этди профессор. – Ҳозир эса худди атом бомбасини саклашга ҳеч кимнинг ҳакки бўлмаганидек, буни сир саклашга менинг ҳам ҳакким йўқлигини тушундим.

Профессор бир уюм қофозни титкилашга тушди.

– Менимча, бу ерда ҳаммаси аниқ ёзилган.

У менга давлат котибиға ёзилган хатнинг хомаки нусхасини узатди.

“Қадрли сэр.

Мен ҳеч қандай харажат талаб қилмайдиган, атом кувватидан ҳам фойдалироқ кучни топдим. Бу куч тинчлик учун хизмат килишини хоҳлайман, шунинг учун ундан қандай фойдаланиш ҳакида сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим.

Хурмат билан А.Барнхауз”.

– Бунинг оқибати нима бўлишини тасаввур ҳам килолмайман, – деди профессор.

Кейин уч ойлик азоб-уқубатлар бошланди. Сиёсатчилар ва ҳарбий амалдорлар профессорнинг ажойиботларини томоша қилиш учун кеча-ю кундуз келишарди.

Хат юборилгандан сўнг орадан беш кун ўтгач, бизни Виржиния штатидаги Шарлотсвил деган жойнинг яқинидаги қадимий иморатга жойлашди. Атрофни тиканли сим билан ўрашди-да, йигирмата аскарни қўрикчи қилиб кўйиб, бизга “Мутлақо махфий” тамғаси остида “Яхши ният лойиҳаси”, деган ном беришди.

Генерал Хонес Баркер ва давлат амалдори Уильям К.Катреллни ҳам бизга кўшиб кўйишиди. Профессор Ер юзида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ҳакида гапирганда улар мулойим жилмайиб, амалий чоралар кўриш ва реал вәқеликни хисобга олиш зарурлиги тўғрисида гап бошлашарди. Уч-тўрт ҳафта давом этган шундай аврашлардан кейин юввош ва кўнгилчан профессор ғирт қайсарга айланди.

Аввал у миясини психодинамик нур сочувчи куролга айлантирган фикрларни ошкор қилишдан бош тортди. Лекин Катрелл ва Баркер ҳол-жонига қўйишмагач, кўнишга мажбур бўлди. Дастлаб профессор бу маълумотларни оғзаки етказиш мумкин, деб айтганди. Лекин кейинчалик у бунинг учун батафсил ёзма хисобот зарур, дея бошлади. Бир

куни кечки овқат пайтида генерал Хонес Баркер “Ақлий хужум” операциясининг маҳфий йўл-йўриқларини ошкор қилгач, профессор кутилмаганда бундай деди:

– Ҳисоботни тугатиш учун камида беш йил кетади. – У генералга хўмрайиб қаради. – Балки йигирма йил кетар.

Агар “Ақлий хужум” операцияси сабаб ҳалитдан хурсандчиликни бошлишмаганда бу гап ҳаммани ранжитган бўларди. Генерал байрамга тайёргарлик кўраётгандек хурсанд эди.

– Айни шу пайтда нишон-кемалар Каролин оролларига яқинлашаяпти, – деди у гул-гул яшнаб. – Роппа-роса бир юз йигирмата кема! Мехикода эса ўнта “Фау-2”ни тайёрлашаяпти ва Алеут оролларига сохта хужум уюштириш учун радиотўлқинлар ёрдамида бошқариладиган элликта реактив бомбардимончи самолётни ҳозирлашаяпти. Бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Генерал қувончи ичига сиғмай топшириқни етказа бошлади:

– Келаси чоршанба куни соат роппа-роса ўн бирда мен сизга фикрингизни бир жойга жамлашни буюраман, профессор ва сиз кемаларни чўқтириш, “Фау-2”ни ҳавода портлатиб, бомбардимончи самолётларни уриб тушириш учун зўр бериб ўйлай бошлайсиз! Хўш, эплай оласизми?

Ранги бўзарган профессор кўзларини юмди.

– Дўстим, сизга қўлимдан нима келишини ўзим ҳам билмайман, деб айтгандим-ку, – деди у хуноб бўлиб. – Мени огохлантирмай бошлаган “Ақлий хужум” операциянгиз эса фалон пулга тушган болаларча шўхликдан бошқа нарса эмас.

Генерал Баркер қовоғини уйди.

– Сэр, – деди у, – сизнинг мутахассислигиниз психология ва мен сизга бу соҳада акл ўргатаётганим йўқ. Менинг ишим ватанини ҳимоя қилиш. Ўттиз йил бекаму кўст

хизмат қилган мендек одамнинг йўл-йўриклиарини танқид килмаслигингизни сўрардим.

Профессор мистер Катреллга ўгирилди.

– Гапимни эшитинг, – деди у ўтиниб, – ахир, биз уруш ва курол-яроғ пойгасидан қутулмокчимиз-ку! Қақраб ётган ерларга булатларни ҳайдасак қандай зўр иш бўларди, бунака муаммолар рўйи-рост кўринади, менга ҳам осон бўларди. Тўғри, халқаро сиёсатни тушунмайман, лекин тўкин-сочинлик бўлса ҳам урушишни хоҳлайсизми? Мистер Катрелл, мен генераторларни сув ва кўмирсиз ишлатишim, сахроларни яшнатишim, шу каби хайрли ишларни жон-жон деб бажаришим мумкин. Сиз ҳар бир мамлакат нимага эҳтиёж сезаётганини хисоблаб чиқинг, мен эса уларнинг ҳаммасини гуллаб-яшнатаман. Бунинг учун америкалик солик тўловчиларнинг бир тийин ҳам пули кетмайди.

– Озодликнинг бирдан-бир шарти доим ҳушёр туриш, – деди генерал маънодор килиб.

Мистер Катрелл генералга ўқрайиб каради.

– Афсуски, генералнинг гапида ҳам жон бор, – деди у. – Инсоният сизнинг ғояларингизни қабул қилишини қанчалик хоҳлашимни билсангиз эди, лекин одамзод бунга тайёр эмас. Атрофимизни ёру дўстлар эмас, душманлар ўраган. Биз озиқ-овқат ёки ёқилғи етишмаганидан эмас, хукмронлик учун кураш бораётгани сабабли уруш ёқасида турибмиз. Ким дунёга эга чиқади – бизми, уларми?

Профессор тақдирга тан бериб бош сермади-да, ўрнидан турди.

– Кечирим сўрайман, жентельменлар. Мамлакатимизга нима кераклигини сизлардан бошқа ким ҳам биларди. Барча топширикларингизни бажаришга тайёрман, – деди ва кейин у менга ўгирилди. – Махфий соатни юргизиб, номенклатура мушугини чиқаришни унутманг, – деди профессор ва зина бўйлаб ётогига чикиб кетди.

Миллий хавфсизликни сақлаш учун “Ақлий ҳужум” операцияси шу операциянинг ҳамма харажатларини кўтарган америкалик фукаролардан сир тутилди. Бу тадбирда иштирок этиши кўзда тутилган кузатувчи, техник ходим ва ҳарбийлар қандайдир синов бўлишини билишар, лекин айнан нимани синашмокчи эканликларидан мутлақо бехабар эдилар. Бу фактат ўттиз етти нафар асосий иштирокчиларга маълум эди. Уларнинг орасида мен ҳам бор эдим.

“Ақлий ҳужум” операцияси ўтказиладиган куни Виржинияда қаттиқ совук турди. Каминда сўлоқмондай-сўлоқмондай тарашалар чарсиллар, алнга меҳмонхонанинг деворига тақаб қўйилган сейфларнинг ялтироқ металл сатҳида акс этарди. Қадимги бежирим жиҳозлардан фактат хона марказига, учта телевизион экраннинг рўпарасига қўйилган жуфт ўриндикли курси колганди. Операцияни кузатишга рухсат берилган қолган ўнта одам учун узун ўриндик олиб келинди. Экранларда – чапдан ўнгга қараб – жанговар ракеталар нишони бўлган сахро, денгиз чўчқалари ролини бажарувчи кемалар ва радиотўлқинли бомбардимончи самолётларнинг кулокни қоматга келтирувчи галаси учеб ўтиши кўзда тутилган осмоннинг бир бурчаги кўринарди.

Белгиланган вақтга тўқсон дакика қолганда ракеталар жанговар ҳолатга келтирилгани, кузатувчи кемалар хавфсиз масофага чекиниб, бомбардимончи самолётлар ҳавога кўтарилилгани ҳақида хабар келди. Виржиниядаги кам сонли томошибинлар эгаллаб турган лавозимларига қараб узун ўриндикка ўтиришди-да, деярли гаплашмай тўхтовсиз чека бошлишди. Профессор Барнхауз ётогида қолганди. Генерал Баркер худди йигирмата меҳмонга кечки зиёфат тайёрлаши лозим бўлган уй бекасидек елиб югуради.

Тажрибанинг бошланишига ўн дакика қолганда генерал профессорга эҳтиром билан йўл берди-да, ортидан ўзи ҳам хонага кирди. Профессор уй кийимида эди: оёғига теннис

пойафзали, эгнига жун матодан тикилган кулранг шим, кўк свитер ва кайтарма ёкали оқ кўйлак кийганди. Иккови ҳам қадимий курсига ўтиришди. Генерал ҳаяжондан терга ботган, профессор эса тетик ва қувнок эди. У экранга каради-да, тамакисини ёкиб курсига ястанди.

– Бомбардимончи самолётларни кўраяпман! – деб кич-кирди Алеут оролларида турган кузатувчи.

– Ракеталар учирилди! – деб бақирди Нью-Мехикодаги радиист.

Ҳаммамиз дарров камин тепасидаги катта электрон соатга карадик, профессор эса жилмайганча экранлардан кўз узмасди. Генерал гўлдираб сонияларни ҳисоблай бошлади.

– Беш... тўрт... уч.... икки.... бир... Диққатни жамланг!

Профессор Барнхауз кўзларини юмди-да, лабини қимтиб бармоғи билан қовокларини силашга тушди. Шу алфозда бир дақиқача ўтирди. Телевизорлардаги тасвир липпиллай бошлади, Барнхаузнинг турғун майдони радиосигналларни тўсиб қўяётганди. Профессор хўрсаниб кўзларини очди-да, мамнун жилмайди.

– Бор имкониятингизни ишга солдингизми? – ишонкирамай сўради генерал.

– Кўлимдан келганини қилдим, – деди профессор.

Экранлардаги тасвир ўз ҳолига келгач, радиодақ кузатувчиларнинг ҳайрат тўла хитоблари янгради. Алеут осмони аланга олиб, ғувиллаб ерга қулаётган бомбардимончи самолётлардан қолган тутунли излар билан копланганди. Айни шу пайт саҳро узра паға-паға оқ тутун пайдо бўлди ва узокдан бир неча портлаган товуш эшитилди.

Генерал Баркер кўзларига ишонмасди.

– Жин урсин! – ҳайқирди у. – Жин урсин, жин урсин, жин урсин!

– Қаранглар! – деб бақирди менинг ёнимда ўтирган адмирал. – Кемаларга ҳеч нарса қилмабди!

– Замбараклари қийшайётганга ўхшайди, – деди мистер Катрелл.

У ёкда нима бўлаётганини кўриш учун ҳаммамиз экраннинг ёнига йиғилдик. Мистер Катрелл тўғри айтган экан. Қийшайган кема тўпларининг учи палубага тирадиб турарди. Виржинияда шундай шовқин-сурон кўтарилдики, радиодан айтилаётган хабарлар ҳам эшилмай қолди. Бу томошага берилиб кетганимиз учун Барнхауз турғун майдонида иккита қисқа-қисқа портлаш рўй бергандан кейингина профессор эсимизга тушди. Радио ишдан чиқканди.

Ҳаммамиз атрофга алангладик. Профессор ғойиб бўлганди. Қўриқчи шоша-пиша катта эшикни очди-да, профессор қочиб кетганини айтиб бақирди. Кейин тўппончасини силкитиб ошиқ-мошиғидан чиқиб кетган, пачоқланган дарвозани кўрсатди. Узокда катта тезликда кирга кўтарилиб, тоғ ортидаги водийга қараб бурилган давлат автобуси кўринди. Осмонни аччик тутун қоплаган, машиналарнинг барига ўт кетганди.

– Уни нима жин урди ўзи? – ўшқирди генерал.

Ҳозиргина югуриб ташқарига чиқиб кетган мистер Катрелл йўл-йўлакай аллақандай бир парча қофозни ўқиганча ортига қайтди. У қофозни менга тутказди.

– Севги мактубини қолдириби, шоввозд! Эшикка кистириб кетиби. Ёш дўстимиз уни сизга ўқиб берсин, жаноблар, мен тоза ҳаводан нафас олиб келай.

Хатни овоз чиқариб ўқидим:

“Жентельменлар! Виждони бор илк мукаммал курол бўлганим учун мен ўзимни давлат куролхонасидан мусодара қиласман. Тарихда биринчи марта курол бундай йўл тутаяпти, лекин мен факат инсоний сабабларга кўра кетаяпман. А.Барнхауз”.

Шу кундан эътиборан профессор дунё курол-яроғ захираларини йўқотишга киришдики, ҳозирга келиб қўшинларни факат тошу тўқмоқ билангина қуроллантириш

мумкин. Унинг уринишлари дунёда мутлак тинчлик ўрнатилишига олиб келмади, лекин “вайсақилар жанги”, деб атаса бўладиган консиз ва марокли янги уруш турини келтириб чиқарди. Барча мамлакатлар фақат қурол-яроғ омборлари ҳакида маълумот тўплайдиган душман жосуслари билан тўлган. Профессор матбуот орқали бу омборлар ҳакида хабар топгач, уларни секингина йўқ қилади.

Ҳар куни нафақат психодинамизм ёрдамида кули кўкка совурилган қурол захиралари тўғрисида, балки профессорнинг қаерда экани ҳакида ҳам турли тахминлар пайдо бўлмоқда. Ўтган ҳафтанинг ўзида профессор Анддаги инклар шахрида, Париждаги ер ости қувурларида ёки Карлсбад горларининг тубида беркинаётгани тўғрисида ишонч билан ёзилган учта мақола чиқди. Барнхаузни яхши билганим учун профессорга бунақа хаёлий маконларда яшаш нокулайлик туғдиради, деб хисоблайман. Унинг изига тушганлар кўп, лекин профессорга ихлоси баланд, уни химоя қилишга қодир одамлар ҳам талайгина. Ҳозир у шундай одамлар уйида яшаётгани ҳакида ўйлаш мен учун марокли.

Бир нарса мутлақо аниқ: ҳозир, шу сатрларни ёзаётган пайтимда профессор Барнхауз тирик. Барнхаузнинг турғун майдони бундан ўн дакика бурун радиоэшиттиришни узиб кўйди. Ўн саккиз ой ичида унинг ўлими ҳакида ўндан ортиқ хабар тарқалди. Ҳар сафар Барнхаузнинг турғун майдони сезилмай қолганда, бирор номаълум одам вафот этса, шундай хабарлар урчирди. Дастлабки уч хабардан сўнг дарров янги қурол пойгаси ва урушнинг бошланиши ҳакида гапира бошлишарди. Лекин кўп ўтмай қурол-яроғ ишқибозлари профессорнинг ўлимини олдиндан байрам қилишганига пушаймон бўлишарди.

Кўпинча Барнхауз ҳукмронлигига якун ясалгани ҳакида бонг урган нотик бир сония ўтар-ўтмас байроғи оёғига илакишганча нутқ сўзлаган минбари колдиғидан эмаклаб

чиқарди. Лекин урушни бошлашга тайёр турғанлар профессорнинг куни битишини интиқлик билан кутишаяпти.

Ҳамма гап профессорнинг яна қанча умри қолганида. Янги жаҳон урушининг қачон бошланиши ҳам шунга боғлиқ. Барнхаузнинг оила аъзолари узок яшашмаган: онаси кирк уч, отаси қирқ тўққиз ёшида қазо қилган, бобокалонлари ҳам тахминан шунча яшашган. Бу дегани профессорни душманлардан яширишган тақдирда ҳам у нари борса ўн беш йилча яшайди. Душманларнинг қанчалик кўп ва қудратли эканини эсласак, бу ўн беш йил ҳам мангуликдай туюлади. Ўн беш йил эмас, ўн беш кун, соат ёки дақиқа ҳақида гапирмасак эди ҳали.

Профессор умри тугаб бораётганини билади. Буни Мавлуд арафасида почта қутимда колдирган хатини ўқигач тушундим. Бир парча кир қоғозга машинкада ёзилган бу имзосиз хат ўнта жумладан иборат. Шулардан тўққизтаси психологларнинг маҳсус лаҳжасида ёзилган бўлиб, бу гапларда номаълум манбалардан мисоллар келтирилган, дастлаб уларни ўқиб ҳеч нарсани тушунмадим. Ўнинчи жумла, аксинча, оддий гап бўлиб, унда битта ҳам илмий сўз йўқ. Лекин тузилишига кўра бу жумла шу ўнта гапнинг ичидаги энг бемаъниси ва сирлиси эди. Ҳамкасбимнинг тутуриқсиз ҳазилидан ранжиб қоғозни ташлаб юборишимга сал колди. Лекин негадир уни столимдаги бир уюм қоғознинг устига ташладим. Профессорнинг сокқалари ҳам шу ерда эди.

Бир неча ҳафта ўтгандан кейингина бу аниқ мақсад билан ёзилган мактуб эканига, дастлабки тўққизта жумлада маълум топшириқ яширинганига аклим етди. Лекин ўнинчи гап ҳали ҳам номаълумлигича қолганди. Бу гапни қолган жумлалар билан қандай боғлашни кеча англаб етдим. Кечкурун хаёл суреб профессорнинг сокқаларини ташлаб ўтирган эдим, сўнггги жумла миямга келди.

Мен бу ҳисоботни нашриётга бугун юборишга ваъда бергандим. Лекин бўлиб ўтган воқеадан кейин ваъдамни бузишим ёки ҳали тугалланмаган мақолани юборишимга тўғри келади. Аммо ҳисоботни узок куттириб қўймайман – менга ўхшаш бўйдокларнинг бирдан-бир фазилати шундаки, биз яшаш жойимизни ҳам, ҳаёт тарзимизни ҳам хоҳлаганча ўзгартиришимиз мумкин. Лаш-лушларни йиғиширишга бир неча соат кифоя. Яхшиямки менинг каттагина маблағим бор, бу пулларни бир ҳафтада дунёning турли жойларидағи яширин ҳисоб рақамларига ўтказиш мумкин. Шу ишни битиргач, мақолани юбораман.

Ҳозиргина дўхтирнинг олдиdan келдим, соппа-соғ эканман. Мен ҳали ёшман, омадим келса узок яшайман, чунки ота-боболарим узок умр кўришган.

Кисқаси мен яширинмоқчиман.

Эртами, кечми, профессор Барнхауз вафот этади. Лекин ўша пайтга келиб мен аллақачон тайёр бўламан. Ҳозирги ва келажакдаги жангари зўравонларга айтиб қўяй: ўзларингдан кўринглар! Барнхауз ўлиши мумкин, лекин “Барнхауз таъсири” йўқолмайди.

Кеча кечкурун бир парча қоғозга ёзилган топширикларни бажаришга яна бир марта уриниб кўрдим. Профессорнинг сокқаларини олдим-да, сўнгги, энг ахмоқона жумлани ичимда такрорлаб, кетма-кет эллик марта еттилик туширдим.

Кўришгунча хайр!

*Рус тилидан  
A.Отабоев таржимаси*

## ЙЎҚ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ

Ташриф буюрувчини қабулхонадан ичкарига киритмаслик керак эди, зеро жаноб Фергюсон келганларни олдиндан келишган холда қабул қилас, ўта муҳим иш билан келганларгина бундан мустасно эди. Фергюсон вақтнинг қадрига етадиганлар тоифасидан эди.

Аммо жаноб Фергюсоннинг котибаси мисс Дейл ёш ватъсиричан эди. Ташриф буюрувчи ёши улуғ бўлиб, салобатли, қимматбаҳо костюм кийган, қўлида ҳасса тутиб олган киши эди. Мисс Дейл уни муҳим шахслардан деб ҳисоблаб, тўғри жаноб Фергюсоннинг хонасига бошлаб кирди.

— Салом, сер, — деди ташриф буюрувчи, мисс Дейл эшикни ёпиб чиқиб кетиши билан. — Менинг исмим Эсмонд. Йўқ қилиш хизматиданман. — У Фергюсонга ташриф қоғозини узатди.

— Тушунарли, — деди Фергюсон, мисс Дейлнинг қилиғидан жаҳли чикқанини яширмай. — Йўқ қилиш хизмати? Кечирасизу, менда йўқ қиладиган нарсанинг ўзи йўқ. — У сухбатга якун ясаш учун ўрнидан турди.

— Ҳеч нарсангиз йўқми?

— Мутлақо. Келганингиз учун ташаккур. Йўқ қиладиган қоғозим йўқ.

— У холда сиз атрофингиздаги одамлар билан яхши муносабатдасиз десак бўлади, шундайми?

— Нима? Бунинг сизга қандай алоқаси бор?

— Биласизми, жаноб Фергюсон, йўқ қилиш хизмати айнан шу иш билан шугулланади.

— Устимдан кулманг, — деди Фергюсон.

— Кулаётганим йўқ, — жавоб қайтарди жаноб Эсмонд.

— Сиз айтмоқчисизки, — деди Фергюсон жилмайганча, — одамларни йўқ киласиз?

– Ҳа. Мен ҳеч қандай ёзма далил келтира олмайман: биз иложи борича рекламадан қочамиз. Аммо ишонтириб айтаманки, бизнинг фирмамиз ишончли.

Фергюсон ташриф буюрувчидан кўзини узмай қараб турарди. У эшитганига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмаёттанди.

Бу албатта ҳазил. Аҳмоққа ҳам аён.

Бу ҳазил бўлмаслиги мумкин эмас.

– Йўқ қиласизлар? – сўради Фергюсон.

– Бу ёғи бизнинг ишимиз, – деди жаноб Эсмонд. – Муҳими, улар ғойиб бўлишади.

– Тушунарли, жаноб Эсмонд. Аслида менда қандай ишингиз бор эди?

– Айтдим-ку, – деди Эсмонд.

– Бас килинг. Бу жиддий гап эмас. Агар сизни жиддий гапиряпти деб ўйлаганимда полицияни чақирган бўлардим.

Жаноб Эсмонд уф тортганча ўрнидан турди.

– У ҳолда сиз бизнинг хизматимизга муҳтож эмас экансиз. Сизнинг дўстларингиз, қариндош ва қўшниларингиз, хотинингиз билан муносабатингиз яхши экан.

– Хотиним билан? Хотиним ҳакида нима биласиз?

– Ҳеч нарса, жаноб Фергюсон.

– Кўшниларим билан гаплашдингизми? Майдо-чуйда жанжаллар ҳеч нарсани англатмайди.

– Мен сизнинг оилангиз ҳакида ҳеч қандай маълумотга эга эмасман, жаноб Фергюсон, – деди Эсмонд яна креслога ўтиаркан.

– Унда нимага хотиним ҳакида эслатдингиз?

– Бизнинг хисоб-китобларимизга қараганда, асосий даромадимиз эр-хотинлар муносабатидан келар экан.

– Менда ҳаммаси жойида. Хотиним билан муносабатимиз аъло даражада.

- Демак, сизга йўқ қилиш хизматининг кераги йўқ экан, – деди жаноб Эсмонд ҳассасини қўлтиғига қистириб.
  - Бир дақиқа, – Фергюсон қўлини оркасига қилганча хона бўйлаб юра бошлади. – Биласизми, сизнинг гапларингизга ишонмайман. Бирортасига ҳам. Аммо айтайлик, гапингиз рост. У ҳолда агар мен... истасам...
  - Сизнинг оғзаки розилигингиз кифоя, – деди жаноб Эсмонд.
  - Тўлов-чи?
  - Иш бажарилганидан кейин.
  - Менга фарки йўқ, – шошиб деди Фергюсон. – Мен шунчаки қизикяпман. Хотиним билан муносабатимиз яхши. Турмуш қурганимизга ўн етти йил бўлди. Тўғри, турмушда ҳар хил жанжаллар бўлиб туради.
- Жаноб Эсмонд унга жимгина қулок солиб ўтиради.
- Истасанг-истамасанг, муроса қилишга тўғри келади, – деди Фергюсон. – Мен севги-муҳаббат ёшидан ўтганман, хотинимни йўқ қилиш мақсадим бўлгани...
  - Сизни тушунаман, – сўз қотди жаноб Эсмонд.
  - Мана, нима демоқчиман, – гапида давом этди Фергюсон. – Баъзида хотиним билан яшагим келмай колади. У шаллақи. Асабимни бузади. Эговлайди. Бундан хабардормисиз?
  - Йўқ, – деди жаноб Эсмонд.
  - Бўлиши мумкин эмас! Унда нега ҳе йўқ-бе йўқ олдимга, келдингиз?
- Жаноб Эсмонд елкасини қисди.
- Нима бўлган тақдирда ҳам, – деди Фергюсон, – ҳаётимни бошқатдан қуришни хоҳлайдиган ёшдан ўтганман. Айтайлик, мен уйланмаганман. Айтайлик, мен мисс Дейл билан ишқий алоқадаман. У ҳолда ёқимли бўларди.
  - Гапингиз тўғри. Мисс Дейл ёқимтой қиз. Буни ҳеч ким инкор этмайди.
- Жаноб Эсмонд ўрнидан туриб, эшик томон йўналди.

– Сиз билан қандай боғлансам бўлади? – беихтиёр сўради Фергюсон.

– Сизда ташриф қоғозим бор. Соат бешгача қўнғирок килишингиз мумкин. Лекин бугун шу соатдан кеч қолмасдан қарор қабул килишингиз керак. Вакт пул, биз иш жадвалига катъий риоя қиласиз.

– Албатта, – деди Фергюсон ва жилмайиб қўйди. – Мен сизнинг гапларингизга ишонмайман. Сизларнинг шартларингизниям билмайман.

– Сизнинг моддий ҳолатингизда бизнинг шартларимиз арзимас бўлиб кўринади.

– Кейинчалик мен сиз билан гаплашмаганимни, сизни ҳеч қачон кўрмаганлигимни айтишим мумкинми?

– Албатта.

– Агар сизга қўнғирок килсан, албатта жавоб қайтарасизми?

– Соат бешгача. Яхши қолинг, жаноб Фергюсон.

Эсмонд кетгач, Фергюсон қўллари қалтираётганини сезди. Суҳбатдан у қаттиқ ҳаяжонланганди ва у бугунги суҳбатни миясидан чиқариб юборишга қарор килди.

Аммо бу осон эмасди. У ишга қанчалик жиддий шўнғимасин, Эсмонднинг ҳар битта сўзи миясида жарангларди.

Қандайдир йўл билан йўқ қилиш хизмати унинг хотини ҳакида маълумотга эга бўлган. Фергюсон эса хотинининг қандай эканлигини тан олди.

У яна ишга берилди. Аммо шу пайт мисс Дейл қоғоз кўтариб кириб қолди ва Фергюсон беихтиёр унинг нихоятда гўзаллигини ичида тан олди.

– Яна бирор топшириғингиз борми, жаноб Фергюсон? – сўради мисс Дейл.

– Нима? Ҳа, ҳозирча йўқ, – деди Фергюсон. Қиз чиқиб кетгач, у эшикка анчагача қараб ўтириди.

Энди ишлашдан маъни йўқ эди. У уйга кетишга қарор килди.

– Мисс Дейл, – деди у елкасига палтосини иларкан, – мени чакириб қолиши... иш күпайиб кетяпти. Бирор кун кечки пайт бирга ишласак розимисиз?

– Албатта, жаноб Фергюсон, – деди киз.

У ишхонасидан чиқди.

Үйда хотини эндиғина кирларни ювиб бўлган экан. Миссис Фергюсон паст бўйли, хунуккина аёл эди. У эрини кўриб ҳайрон бўлди.

– Бугун эрта қайтибсан, – деди у.

– Ҳа, мумкинмасми эрта қайтиш? – деди Фергюсон бу гапидан ўзи ҳам ҳайрон бўлиб.

– Албатта йўқ...

– Нима, сенга ишхонада ўлиб кетишим керакми?

– Йўғ-э...

– Мени эговлама.

– Эговламадим! – қичқирди хотини.

– Мен дам оламан, – деди Фергюсон.

У зина бўйлаб юқорига кўтарилиди ва телефон олдида тўхтади. У соатга қаради ва чорак соат кам беш бўлганлигини кўрди.

Фергюсон у ёқдан-бу ёкка юра бошлади. У Эсмонднинг ташриф қоғозига тикилди ва кўз олдида гўзал мисс Дейлнинг чехраси намоён бўлди.

У шошиб гўшакни қўлига олди.

– Йўқ килиш хизматими? Фергюсон гапиряпти.

– Эсмонд эшитади. Нима қарорга келдингиз, сер?

– Мен... – Фергюсон гўшакни маҳкам қисди. “Шундай килишга ҳаққим бор”, деди у ўзига ўзи.

Улар турмуш қуришганига ўн етти йил бўлди. Ўн етти йил!

Улар ҳаётларидаги нафақат нохуш дамларни, балки энг ширин дамларни ҳам бирга ўтказишган. Бу адолатданми?

– Нима қарорга келдингиз, жаноб Фергюсон? – қайтарди Эсмонд.

– Мен... мен... йўқ! Менга сизларнинг хизматингиз керакмас! – қичқирди Фергюсон.

– Ишончингиз комилми, жаноб Фергюсон?

– Ҳа, ишончим комил. Сизни панжара ортига тикиш керак.  
Хайр, сер!

У гўшакни илди ва елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. У пастга шошилди.

Хотини у ёмон кўрадиган гўшт ковурма тайёрлаётганди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. У майда-чуйда нохушликларга кўз юмишга тайёр эди.

Эшик қўнғироги жиринглади.

– Ҳа, кирхонадан бўлишса керак, – деди миссис Фергюсон салат тайёрларкан. – Эшикка қараб қўясанми?

– Ҳа. – Фергюсон эшикни очди. Остонада бир хил кийинган икки киши катта қоп ушлаганча туришарди.

– Кирхонаданмисизлар? – сўради Фергюсон.

– Йўқ килиш хизматидан, – деди ташриф буюрувчилардан бири.

– Лекин мен...

Улар қўлларини қайришди ва усталик билан қоп ичига солишди.

– Ҳакқингиз йўқ! – чинқирди Фергюсон.

Фергюсонни боғ йўлаги бўйлаб судраб кетишди. Автомашина эшиги очилди ва қопни машина ичига солишди.

– Ҳаммаси жойидами? – у хотинининг овозини эшилди.

– Ҳа, хоним. Иш жадвалимиз ўзгарди. Охирги дақиқаларда сизнинг буюртмангизни бажаришимиз аник бўлди.

– Хурсандман. – овози эшитилди хотинининг. – Бугун кундузи фирманинда ишлайдиган жаноб Френч билан сұхбатлашгандим. Энди эса кечирасизлар. Овқат тайёр, ҳозир меҳмон кутяпман.

Автомобиль жойидан силжиди, Фергюсон қичкиришга уринди, аммо оғзи боғланган копдан овози чикмади.

У кўзидан ёш оққанча ўзига савол берарди: “У қанақа меҳмонни кутяпти? Нимага мен ҳеч нарсани сезмадим?!”.

*Дилшодбек Асқаров  
таржимаси*

## **МУНДАРИЖА**

<b>Жеймс Яffe. Онамнинг тилаги.....</b>	<b>3</b>
<b>Ричард Старк. Электр стулдаги тавба.....</b>	<b>15</b>
<b>Агата Кристи. Булбул ошёни.....</b>	<b>28</b>
<b>Лоуренс Блок. Унинг кўнгли хотиржам.....</b>	<b>54</b>
<b>Эржебет Халҳоци. Буви.....</b>	<b>68</b>
<b>Дин Баррет. Бўлмағур касб.....</b>	<b>86</b>
<b>Ричард Харвик. Меросхўр.....</b>	<b>96</b>
<b>Сомерсет Моэм. Чандиқли киши.....</b>	<b>105</b>
<b>Стивен Кинг. Жанг.....</b>	<b>110</b>
<b>Жеймс Хэдли Чейз. Тунги ҳордик.....</b>	<b>119</b>
<b>О.Генри. Кишанланган “қўллар”.....</b>	<b>131</b>
<b>Курт Воннегут. Барнхауз таъсири.....</b>	<b>135</b>
<b>Роберт Шекли. Йўқ килиш хизмати.....</b>	<b>153</b>

**Дунё адабиёти дурдоналари**

**ЭЛЕКТР СТУЛДАГИ ТАВБА**

**Детектив хикоялар**

**Тўплаб, нашрга тайёрловчи:**  
**Дилшодабону Аввалбоева**

**Муҳаррир:**  
Намоз Толипов  
**Техник муҳаррир:**  
Мухриддин Ҳамроев  
**Мусаххих:**  
Моҳитобон Бузрукова

Нашиёт лицензияси: АI № 221, 16.11.12 йил.  
Босишга рухсат этилди: 30.12.2016 йил.  
Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. “Times” гарнитураси.  
Шартли босма табоғи: 10,0. Нашриёт хисоб табоғи: 5,0.  
Адади: 3000 нусха. Буюртма: № 07-16.  
Баҳоси келишилган нархда.

**Нашиёт манзили:**  
“Yurist-media markazi” нашиёти,  
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй  
Тел.: 212-47-79, 230-04-74  
E-mail: [yurist\\_media@mail.ru](mailto:yurist_media@mail.ru)

**Босмахона манзили:**  
“Good group media” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-уй.



**Жеймс Яffe. Онамнинг тилаги**

**Ричард Стари. Электр стулдаги тавба**

**Агата Кристи. Булбұл ошёни**

**Лоуренс Блок. Унинг күнгли хотиржам**

**Эржебет Халқоци. Буви**

**Дин Баррет. Бұлмағур қасб**

**Ричард Харвик. Меросхұр**

**Сомерсет Моэм. Чандықли киши**

**Стивен Кинг. Жанг**

**Жеймс Хэдли Чейз. Тунги ҳордик**

**О.Генри. Кишанланган “құллар”**

**Курт Воннегут. Барнхауз таъсири**

**Роберт Шекли. Йўқ қилиш хизмати**



**ЭЛЕКТР  
СТУЛДАГИ  
ТАВБА**

Детектив ҳикоялар



ISBN 978-9943-4706-1-3



9 789943 470613